

К440
6/3

ШАРК ЮЛДУЗИ

6



1947

ТОШКЕНТ

К 440

6/3.

ШАРК ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САНАТ ЖУРНАЛИ
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

6

ИЮНЬ

☆

ТОШКЕНТ
1947





А. ФАДЕЕВ

ЁШ ГВАРДИЯ*

ТЎРТИНЧИ БОБ

Донец чули, бир вақтлари халқлар гурос-гурос кўчиб бошқа томонларга кетган замонлардан бери, 1942 йилнинг июль кунларидагидек халойиқнинг бу қадар кўчишини сира бошидан кечирмаган эди.

Тош ва арава йўлларида, чўлдан жазирама офтобда Қизил Армиянинг чекинаётган қисмлари ст-аравалари, замбарак-тўплари ва танклари кетиб борар, болалар уйлари, боқчалари ва яслалар, пода-пода моллар, юк машиналари, қочқинлар гоҳ тўда-тўда бўлиб, гоҳ тарқалишиб, юк ва гўдак болаларни ортган аравачаларни итаришиб борар эдилар.

Одамлар, пишган ва пишаётган буғдойзорларни пайхон қилиб борардилар, буғдойларни эккан одамлар ҳам, пайхон қилаётганлар ҳам энди бунга ачинмас эдилар, чунки бу буғдойлар эгасиз қолиб, немисларга қолмоқда эди, колхоз ва совхозларнинг картошказор, полизлари ҳам ҳаммага қолган эди. Қочқинлар картошкани қазиб, похол ё станциядаги четанлардан ёққан гулхонларининг кулида пишириб ейишар эди; аравада ва пиёда кетаётганларнинг ҳаммасининг қўлида помидор, бодринг, шираси оқиб кетаётган қовун, тарвузларни кўриш мумкин эди. Чўлда шунақангги қуюқ чанг кўтарилган эдики, кўзни юммасдан офтобга қараш мумкин эди.

Воронеж—Ростов темир йўлидаги Миллерово шаҳри ва катта станциянинг немислар қўлига ўтиши, уларнинг танклари ва моторлаштирилган қисмларининг Донбассни Сталинград блан боғловчи темир йўлдаги Морозовская станциясига шиддатли ҳаракат қилиши натижасида Ворошиловград блан Ростов областларини мамлакатнинг марказидан узиб қўйди, Сталинградни таҳликага солди ва Жанубий фронт қўшинларини кесиб қўйди.

* Боши журналнинг 5-сонида.

Чекиниш оқимиға қум зарраси сингари кириб қолган ва теварак атрофидағи ҳол-аҳволни эмас, балки ўз қалбидағи ҳисларинигина ифодаловчи айрим кишининг назарича бема'ни ва ногоҳоний чекиниш бўлиб кўринган нарса, аслда, юзлаб ва минглаб катта-кичик кишиларнинг иродаси блан ишға солинган мураккаб уруш механизми ҳаракатга келтирган лак-лак одамлар ва моддий бойликларнинг мисли кўрилмаган ҳаракати эди.

Жанубий фронт армиялари тезроқ Дондан ўтиб олмоқ, шимол томондан ўралиб олиниш хавфини даф' қилмоқ ниятида, Ворошиловград ёнига ва Миус дар'ёси бўйига кучли ғов қўйиб, Новочеркасск ва Ростов томонга чекиниб борар эдилар. Ворошиловград шаҳри ва областидан кўчирилган катта корхона ва муассасалар ҳам шу томонга қараб борар эди.

Чекинаётган ҳарбий қисмларнинг кичик оқимлари Краснодардан қирқ километрча нарида, Миллероводан жануброқда, Воронеж—Ростов темир йўли Шимолий Донец дар'ёсини кесиб ўтадиган жойдағи Каменск шаҳри томонига ва Лихаядан ўтиб, Донбасс—Сталинград темир йўли Шимолий Донец дар'ёсини кесиб ўтган жойдағи Белокалитвенская станцияси томонига силжиб борардилар. Бу қисмлар Жанубий фронтнинг чекинаётган қисмларини ўнг томондан, шимол томондан ҳимоя қилишлари керак эди.

Ноиложликдан ва шошилиш чекиниш вақтида бўладиган ҳодиса катта аскарӣ қисмлар ва оддий халойиқнинг катта ва шовқин-суронли оқимидан бошқа, ҳамма йўллардан, йўл бўлмаган тақдирда—тўғри чўлнинг ўзидан қочқинлар, кичкина идора ва коллективлар, тарқалиб кетган аскарӣ тўдалар, жангда енгилган қўшинларнинг бир-бирини йўқотиб қўйган ва йўлдан адашган обозлари, касал ёки ярадор бўлиб, от-арава йўқлигидан қолиб кетган тўда-тўда ҳарбийлар шарқ ва шарқ жанубий томонга қараб судралишиб боришарди. Фронтдағи аҳволдан мутлақо беҳабар бўлган катта ва кичик тўда ва груҳлар, назарида беҳавфухатар кўринган томонга борар, катта оқим блан аралашиб кетиб, унинг силжишига халақит берар, айниқса Донец ва Дон дар'ёлари бўйида душман бомбардимони остида паром ва пуфак кўприк талашган жойларда халойиқ, машиналар ва от-араваларнинг дар'ёдан ўтишларига халақит берар эдилар.

Немис қисмлари Донец дар'ёсидан ўтиб, анча ичкари кириб қолганлигидан, Каменскка қараб бориш беҳуда эди, аммо Краснодар қочқинларининг аксари қисми худди шу томонга интиларди, чунки ҳарбий қисмлар ҳамон шу томонга қараб борар эди. Уля Громова, Анатолий Попов, Виктор Петров ва унинг стаси тушган икки стли арава ҳам худди шу оқимга тушиб қолган эди.

Арава ва машиналар тепалиқдан ошиб, хутор иморат-қўрғонлари кўздан ғойиб бўлгани ҳам йўқ эдики, ссмоннинг бир четидан моторларнинг ҳайбатли гулдираши эшитилди, яна немис бомбардимончилари офтоб юзини қоплаб, одамларнинг устидан пастлаб учиб, тошйўлни пулемётга тутдилар.

Викторнинг отаси, чарм шапкали, юзи тўла, товуши йўғон киши, бирдан қути учиб, оқариб кетди.

— Чўлга қоч! Ётинлар! деб бақирди у даҳшат блан.

Болалар аллақачон аравадан сакраб тушиб, буғдойкорликка кириб кетишган эди. Викторнинг отаси отнинг тизгинини қўйиб юбориб, у ҳам аравадан сакради-да, худди катта этик кийган ўрмон назоратчиси эмас, балки арвоҳдек шу ернинг ўзидаёқ кўздан ғойиб бўлди. Аравада ёлғиз Улягина қолди, — нимага қочмаганини ўзи ҳам билмас эди. Броқ шу ондаёқ ҳуркиб кетган отлар аравани шундай олиб қочдики, Улянинг аравадан учиб кетишига сал қолди.

Уля тизгинни ушлаб олмоқчи бўлдию, лекин қўли етмади; отлар, ўзини олдинги аравага бориб уриб, олдинги оёқларини тикка кўтариб турди-да, сал бўлмаса ён қайишларини узай деб бошқа томонга бурилиб кетди. Узун, ичи кенг ва мустаҳкам араванинг ағдарилиб кетишига сал қолди. Уля, аравадан йиқилиб тушмаслик учун бир қўли блан араванинг четини, иккинчи қўли блан оғир тугунни маҳкам ушлаганича ўтирарди, йиқилганда ҳам бошқа араваларнинг қутурган отлари мажақлаб ташларди.

Қутурган икки катта от пайхон бўлган бўғдойзорда, одамлар ва аравалар орасида, оғизларидан кўпик чиқариб пишқириб чолиб юрарди. Бехосдан олдинги аравадан новча, сочи сариқ бошяланг бақувват бир ўсмир сакраб тушди-да, қутурган отларга ўзини ташлади.

Нима бўлганини Уля дарров пайқайолмади, броқ дарҳол у, ёллари тикка, жағи карнайдай очиқ ва пишқирган отлар орасида йигитнинг ёш, кўзлари чақноқ, зўр куч ва чираниш ифода этган, олмадек юзига кўзи тушди.

Йигит, от блан тоқ шотининг ўртасига тушиб олиб, бақувват қўли блан пишқирган отнинг сулуғидан маҳкам ушлаб, отни зўр бериб тисарарди. Устига бежирим ва силлиқ қилиб дазмолланган кулранг костюм кийган, тўқ қизил галстук таққан (костюмининг соат чўнтагидан буклама ручканинг учи ялтираб турарди) баланд бўйли, қомати расо йигит тик турарди. Бошқа қўлини тоқ шоти устидан чўзиб, нариги отнинг жиловини ушламоқчи бўларди. Фақат костюми тагидан мускулларининг қавариб чиққани ва офтобдан қорзўйган билак томиларининг кўкариши унинг нақадар зўр беришини кўрсатарди.

— Тисс! Тисс! — дерди у, шижоат блан.

Иккинчи отнинг жиловидан ушлаб олиши бланоқ иккала от ҳам бирданга жим бўлди қолди. Жониворларнинг кўзлари олайган, ёллари чочилган эди, аммо улар тамомила жим бўлмагунча йигит жиловни маҳкам ушлаб турарди.

Йигит ахири жиловни қўйиб юборди. Унинг, Уляни ажаблантирган иши шу бўлдики, яхшилаб силлиқ қилиб таралган малла сочларини катта қафтлари блан бир силаб қўйди. Сўнгра, чаккалари чиққан, узун ва сариқ киприкли, катта кўзли ва терга ботган юзини Уляга ўгирди-да, самимий ва содда жилмайиб қўйди.

Ҳамон арава чети ва тугун ушлаганича, қора кўзлари блан

унга миннатдорлик блан тикилиб утирган Уляга қараб, бояги табассум блан:

— Зап отлар эканда, олиб қочиб кетиш ҳам турган гап эди — деди у, бироз дудиқланиб.

Одамлар тош йўлга чиқар, от-араваларини, машиналарини қидиришар эди. У ер, бу ерда, ўлган ёки ярадор бўлганлар ёнида бўлса керак, хотинлар тўпланишар: инграш ва йиғи овозлари эшитиларди.

— Отлар сени босиб кетармикан деб жуда қўрқдим, — деди.

— Ўзим ҳам шундан қўрқувдим. Аммо ювош отлар экан, — деди йигит соддагина қилиб ва бармоқлари узун, қорайган қўли блан терлаб ялтираган отнинг бўйнига эркалаб урди.

Йироқдан, Донецдан бўлса керак, гумбирлаган бомбардимон овози эшитиларди.

— Эссиз-эссиэ одамлар эй — деди Уля, теваракка қараб.

Икки томондан от-аравалар, одамлар йўлга тушишган; уларнинг оқими зўр, шовқинли-суронли дарёга ўхшар эди.

— Рост, одамларга ачинасан. Айниқса оналаримизнинг шўри қурсин. Не-не кунлар тушади уларнинг бошига! Не-не кулфатлар тушади яна! — деди йигитча; унинг чеҳраси жиддий тус олди, пешанаси тиришди.

— Рост, рост... — деб пичирлади Уля ва кўз олдига офтобда қовжираб кетган чўлда чўзилиб ётган онасини келтирди.

Виктор Петровнинг отаси қандай тез ғойиб бўлган бўлса, шунча тез пайдо бўлди-ю, зўр бериб отларнинг қайиш тизгинларини кўздан кечирабошлади. Унинг кетидан дўппи кийган бошини чайқаб, хижолат чеккан юзини жилмайтириб Анатолий Попов кўринди, унинг кетидан Виктор келди, — у ҳам хижолатда эди. Виктор, аравага кўз ташлаб:

— Гитарим бутунми? — деб сўради. Кўрпага ўралиб, тугунчалар ўртасига қўйилган гитарани кўриб, ўзининг дадил ва ғамгин кўзлари блан Уляга қаради-да, кулиб юборди.

Ҳамон икки от ўртасида турган йигит бирдан шоти ва от тагига шўнғиб, арава ёнидан чиқди.

— Анатолий! — деб қичқирди севинганидан.

— Олег!

Икковлари бир-бирларининг билакларидан маҳкам ушлашди, Олег Уляга кўзининг қирини ташлади-да, хурсанд бўлиб кулиб юборди.

— Кошевой, — деб танитди у ўзини ва Уляга қўлини узатди.

Унинг чап елкаси ўнг елкасидан баландроқ эди. У ёш, гўдак боладай кўринса ҳам, унинг офтобдан қорайган юзида, баланд ва енгил қомати, ҳатто яхши дазмол урилган усти-бошида, тўқ қизил галстугида, юриш-туриши, бироз дудиқланиб гапиришларида шу қадар зўр ирода, меҳрибонлик, самимият сезилардики, Уля шу оннинг ўзидаёқ унга ишонч қўйди.

Йигит эса ёшларга хос қизиқсиниш блан Улянинг оқ кофта ва қора юбкали, дала ишларида пишган қоматини, унга тикилиб турган қора кўзларини, буралиб белигача тушган сочларини.

аломат, бежирим бурнини, қуёшдан қорайган, тиззасигача қора юбка беркитган узун ва силлиқ оёқларини бир зумда кўздан кечирди-да, қип-қизариб кетди, дарҳол Викторга ўгирилиб қараб, уялганича унга қўл берди.

Олег Кошевой Краснодардаги шаҳар боғига солинган энг катта — Горький номидаги мактабда ўқирди; Уля блан Викторни биринчи кўриши бўлса ҳам, аммо Анатолийни эса комсомол кенгашларида кўрар ва шундан билар эди; актив комсомоллар ўртасида бўладиган бундай учрашувлар кўп бўлиб туради.

— Юриб-юриб шу ерда учрашибмиз-а, — деди Анатолий. — Тунов куни ҳаммамиз сенкига сув ичгани кириб эдик-а... Сен бизни... бувинг блан таништирувдинг! — деб кулди Анатолий. — Бувинг ҳам сен блан биргами?

— Йўқ, б-бувим қолдилар. Ойим ҳам уйда қолди, — деди-ю, Олегнинг пешанаси яна тиришди. — Биз беш кишимиз. Ойимнинг иниси Коля, — тоға дейишга сира тилим бормайди дегандек, жилмайди у. — Унинг хотияни, ўғли; б-бувам бўлса арава ҳайдаяпти, — деди-да, олдинги бричкани кўрсатди. Бричкадагилар уни ҳа деб чақаришар эдилар.

Пакана, аммо оёқлари чаққон саман от қўшилган бричка олдинда борар эди, кейинги икки қора от эса шу қадар ялдам босар эдики, уларнинг пишқириғи бричкадагиларнинг елка ва қулоқларини кўпик қилиб юборар эди.

Олег Кошевойнинг тоғаси Николай Коростилев, қисқаси: „Коля тоға“, „Краснодонуголь“ да инженер-геолог эди; чиройли, қорақош, қоракўз, эгнига кўк костюм кийган, табиати оғир бу йигит ўз жиянидан фақат етти ёш катта эди, шунинг учун Олег блан ўртоқ эди. Ҳозир у, Уля туфайли Олегни мазах қилабошлади.

— Қўлдан чиқазма тагин уни, оғайни, — дерди у жиянига қарамай, бепарво овоз блан. — Бунақанги қизни ўлимдан қутқазиб қолиш ҳазил гап эмас! Совчи юбормасак бўлмайдиган кўринади. Нима дейсан, Марина?

— Қўйсаларингчи! Ўзимнинг юрагим қинидан чиқиб кетаёзди, ахир!

— Яхши қиз-а ўзи?—деб сўради Олег ўзининг ёш келиноийсидан. — Жуда ҳам чиройлик қиз-а!

— Леночка-чи? Эсингдан чиқардингми?.. Эҳ, сени қарая, бевафо! — деди келиноийси, қора кўзлари блан Олегга тикилиб.

Келиноийси Марина бўёқли қилиб ишланган суратлардан ҳам чиройли украин жувонлари сингари кўҳлуккина эди: устида—гул тикилган украинча кофта, бўйнида—ипга тизилган тангачақа, ўзи қорачадан келган, тишлар садафдек оппоқ, қуюқ сочлари булутдек ёпирилиб тушган, — йўлга шошилиш отланса ҳам, ўзига зеб беришини қўймапти.

У, жуда шўх, нимага кўзи тушса шу нарсага қараб толпинучи ва нақадар мудҳиш муҳитга тушиб қолганидан мутлақо беҳабар уч ёшли семиз болани кўтариб ўтирар эди.

— Йўқ, менимча, Леночка бизнинг Олегга тўғри келади, буниси чиройликка чиройликку-я, аммо Олегни сира ёқтирмайди, нега десангиз, Олег ҳали ёш, унинг бўйи етиб қолган, — дерди Марина, теварак-атроф ва осмонга хавотирлик блан кўз ташлаб. — Ёши ўтиб қолган қизларга ёш йигитлар ёқади; агар қиз ёш бўлса—ўлса ҳам ўзидан ёшни ёқтирмайди, ўзининг бошимдан ҳам ўтган, — дедию, гапирганида лаби-лабига тегмас, юраги чиқиб кетаёзгандай эди.

Лена Позднешева Олег блан синфдош бўлиб, у Краснодонда қолган эди; Олег у блан яқин, уни севар, кундалик дафтарининг кўп варақлари шу қизга бағишланган эди. Ё Олег, Уляни жуда ҳам махтаб юбориб, у қизга нисбатан бевафолик қилдимикан-а? Бевафолик қайда? Леночка—унинг қалбида абадий қолади, ҳеч қаёққа кетмайди, Уля эса... Дарҳол Уляни, қутурган отларни кўз олдига келтирди, чап томондаги отнинг ўзига қараб пишқирганини яна сезди. Наҳотки шулардан кейин ҳам Маринанинг гапи рост бўлса, я'ни бу қиз „бола ёш“ деб, севмаса-я? „Оҳ, сени қарая, бевафо!“ Олег чиройли қизларга кўзи тушганда тезда яхши кўриб қолучи эди, бунни ўзи ҳам биларди.

Иккала арава колоннанинг олдига ўтиб олмоқ учун анчагача чўлда кезиб юрди, аммо бундай ниятдаги одамлар юзлаб ва минглаб бўлганидан, одам, арава ва машиналарнинг олди ва кети кўринмас эди, ҳаммаёқни одам, машина ва арава босиб кетган эди.

Бора-бора Улянинг ҳам, Леночканинг ҳам қиёфалари Олегнинг ёдидан кўтарилди, унинг бутун фикр-ёдини мана шу одамлар оқими чулғаб олди, саман от қўшилган бричка блан, икки қора отли арава денгизда адашган қайиқчадек, шу оқимдан оқиб борарди.

Дун'ёнинг тўрт томонига қараб чўзилиб кетган бепоён чўлнинг кети кўринмас эди, уфуқни ёнғиндан кўтарилган қалин тутунлар қоплаган, фақат йироқда, шарқ томонда мовий осмонда оппоқ, топ-тоза булут парчаларигина сузиб юрарди, бу булутлар орасидан оппоқ фаришталар кумуш сурнай чалиб чиқса ҳечким ажабланмас эди.

Олег юмшоқ, меҳрибон қўллик ойисини эслади...

...Ойи, ойижон! Эсимни таниганимдан бери қўлларингни биламан. Ёз келганда қораяр, қишда ҳам оқармас, офтобнинг текис, майин нурлари қўлларингдан сира кетмас эди. Қўлларинг балки қаттиқ ва қўпол ҳамдир, — умрингда не-не меҳнату-юмушлар қилмагансан, — аммо менга ниҳоятда юмшоқ кўринардик, мен шу қўлларингнинг томири кўриниб турган жойларидан ўпишни яхши кўрардим.

Эсимни таниганимдан то мени ҳаётнинг машаққатли йўлига кузататуриб, бошингни менинг кўксимга сўнгги марта қўйганинг дамларгача қўлларингнинг бўш турганини кўрмадим. Қўлларинг чойшабларимни ювиб, совун кўпикларидан чиқмагани, қиш кунлари калта пўстин кийиб, бўйнингга обкаш солиб, қўлқоп кийган қўлинг блан челақ бандини ушлаб сув ташиганинг эсимда, ойи; ўзинг ҳам шу қўлқоп сингари кичкинагина, пахмоқдай эдинг...

Бўғинлари йўгон бармоқларингнинг алифбе китоби бетларида сузиб, сенинг кетингдан: „о-он-а, он-йи“ дея бошлаганларим кўз олдимда, бақувват қўлингдаги ўроқ блан арпа ўрганларинг, ўроқнинг ҳар кўтарганингда ялтираши, ўрилган арпани авайлаб бир чеккага қўйиб боришинг, ҳаммаси-ҳаммаси кўз олдимда, ойи...

Биз ёлғиз иккимиз, — ўшанда бутун дун'ёда биздан бўлак ҳечкимса йўқдай кўринарди, — ёлғиз иккимиз яшаган чоғда яхлаган сувда кир чайганларинг, кўкариб, қизариб кетган қўлларинг, ўғлингнинг қўлидан оғритмай зирапчани суғуриб олишинг, игнага иш ўтказиб, ўзингча ва менга қўшиқ айтиб бериб, кийим тикишларинг, — ҳаммаси-ҳаммаси ёдимда, — қўлингдан келмайдиган, сен уддасидан чиқаолмайдиган иш йўқ эди дун'ёда ўзи! Қўлларингнинг сигир тезаги қўшиб лой қорганини, уйимиз деворларини шуваганини, бармоқларингга узук тақилганини, шоҳи кўйлакли қўлингнинг қизил вино қуйилган стаканини кўтарганларини кўрганман. Ўғай отам сени эркалаб қўлда кўтарганида юмшоқ ва билакдан юқориси қўлларинг унинг бўйнидан қучганлари эсимда; ўғай отам сени деб мени севарди, сени деб мен уни ўз отамдай ҳурматлардим, негаки сен уни севардинг.

Ҳаммадан ҳам илиқ ва меҳрибон, ғадир қўлларинг блан мен уйқисираб ётганимда сочларимдан, бўйин ва кўкракларимдан силаганинг бир умр ёдимдан чиқмайди. Ҳар сафар кўзимни очсам — ёнимдасан, шам-чироқ милтиллаб турарди, чалғиган кўзларинг блан қоронғиликдан менга тикилиб-тикилиб ўтирасан. Пок, муқаддас қўлларингдан ўпаман, ойи!

Сен, — сен бўлмасанг сенга ўхшаган бошқа аёл, — ўз ўғилларингни урушга жўнатдинг; ўғилларингнинг ба'зилари энди қайтиб келмайди; агар бу кулфат сенинг бошингга тушмаган бўлса сенга ўхшаган бошқа бир онанинг бошига тушган. Аммо, уруш кунларида ҳам одамлар бир бурда нонга зор эмас эканлар, устлари бутун, далаларда сомон-похол мўл, излардан поездлар юриб турар экан, боғларда олчалар гуллар, домнада аланга гувулар экан, солдатни ердан ёки бетоб ва ярадорни кўзга кўринмаган ғойиб қўл кўтариб турғизар экан, — буларнинг барисини менинг ойимнинг ановининг, яна ановининг, бошқаларнинг оналарининг қўллари қилгандир.

Орқа-олдингга назар ташла, йигит, дўстим, мен сингари атрофга бир кўз ташла-да, умрингда онангдан ҳам кўпроқ кимни хафа қилганингни айт: оналаримизнинг сочлари мендан, сендан, бизнинг қилмишларимиздан, бизнинг қайғу-ҳасратларимиздан оқармадимми? Она қабри устида буларнинг бариси бизнинг кўксимизга та'на қиладиган соат ҳам келиб қолар...

Ойи, ойижон!.. Кечир мени, фақат сен, ёлғиз сенинг ўзинг кечираоласан. Ёшлигимдаги сингари қўлингни бошимга қўй, кечир...

Олегнинг кўкси шундай фикр ва туйғулар блан тўлиб-тошган эди. Онасининг „у ерда“ қолганини, „шиддатли кунларим дўсти“ бўлмиш Вера бувиси, ойисининг ойиси, ҳозир ҳаётдан йироқдаги

нарсалар ҳақида дўнгиллаб утирган Коля тоғанинг оийси Вера бувининг ҳам „у ерда“ қолганини Олег унутаолмас эди.

Олегнинг чехраси жиддий тус олди, хаёлга чўмди, олтин киприклар орасидаги катта кўзларни нам босди. У, оёғини осилтириб, катта қўлларининг бармоқларини чирмаштириб, букчайтиб ўтирар, пешанаси тиришган эди.

Коля тоға ва Марианалар ҳам, ҳатто уларнинг ўғилчаси ҳам жим бўлиб қолди, кетда келаётган арава ҳам жим бўлиб қолди. Саман от блан икки қора от ҳам жазирама офтоб ва тўс-тўпалондан чарчаган бўлса керак, икки арава ўз-ўзидан яна катта йўлга тушиб олган эди, йўлдан ҳамон одамлар, от-арава ва машиналар оқими бетўхтов кетиб борар эди.

Одамзоднинг бошига тушган бу зўр кулфат тўповида оқиб бораётган одамлар кулишар, ҳазиллашар, мудраб ўтиришар, болаларини эмизар, бир-бирлари блан танишар, онда-сонда учраган қудуқдан отларини суғоришар эдилар, — буларнинг атрофини, буларнинг устини оқимдан ҳам тезроқ учаётган қора булут орқадан қувиб келар, унинг қанотлари шимол ва жанубни қоплаб олган эди.

Улар ноилжликдан туғилиб ўсган ватанни, қавми-қариндошларини ташлаб, нома'лум томонларга қочишлари, бу қора кўланкани ташлаган куч уларга етиб олиб, мажақлаб ташлай олиши ҳарбир кимсанинг бағрини тошдай эзарди.

БЕШИНЧИ БОБ

Катта тош йўлнинг четидан кетаётган машиналар ва қочқинлар орасига 1-нчи бис кўмир конига қарашли юк машина ҳам аралашиб қолган эди. Бу машинада кон бошқармасининг юклари ва ходимлари блан коннинг директори Волько ва бирнеча соатгина бурун Уля учратган Григорий Ильич Шевцов ҳам борар эди.

Ватан урушида ҳалок бўлганларнинг етим қолган болалари учун очилган болалар уйи (илгари Восмидомикда жойлашган эди), беш-саккиз ёшар ўғил ва қиз болалар, уларни эргаштириб олиб кетаётган икки энага қиз, уй мудираси — мураббия, ҳаммалари пийёда борар эдилар; қарашлари ўткир сўқир, кекса мураббия бошига худди ўроқчи аёллар сингари қизил дуррача ўраб олган, пайпоғи устидан чанг босиб кетган бота кийиб олган эди.

Тош йўл ниҳоятда тиқилинч бўлганидан колонна юришдан кўра кўпроқ тўхтарди. Болалар уйининг ашқол-дашқоли ортилган бирнеча аравасига ҳолдан тойган болаларни галма-гал ўтиргизиб боришарди.

1-нчи бис конининг машинаси болалар уйига етиб олиши бланок машинада ўтирганларнинг ҳаммаси — Валько, Григорий Ильич ва бсшқалар — машинадан тушиб, болаларни ўтқизишди. Кўккўз, юзлари олмадек қизил, оппоққина бир қиз Григорий Ильичга шундай ёқиб қолдики, шу қизни бора боргунча қўлда кўтариб борди; ўзи ҳам оппоқ, кўккўз киши ўзига ўхшаган қизчанинг дўндик юзидан, жажжигина қўлчаларидан ўпар, уни гапга солиб борарди.

Болалар уйининг аравалари кетидан (бричка блан икки отли арава ҳам шуларга қўшилган эди) узундан-узун ҳарбий қисм ошхоналари, пулемётлари ва замбараклари блан келмоқда.

Бу қисм бирнеча кундан бери тўхтамай йўл босиб келганлигидан жангчи ва офицерларнинг этикларини қизғиш чанг босиб кетган эди.

Колоннанинг бошида келаётган автоматчилар ротаси олдинги аравалар тўхтаганда араваларнинг икки ёнини ўраб оларди. Юзлари ғиштдай қип-қизариб кетган автоматчилар автоматларини чақалоқни кўтаргандай кўкракларига қисиб, чарчаган, вазминлашган ёки жароҳатланиб боғланган қўллари блан ушлаб боришарди.

Уля тушган арава ўз-ўзидан автоматчилар ротаси блан қўшилиб, унинг бир қисмидай бўлиб қолди: юрганда ҳам, тўхтаганда ҳам арава ротанинг ўртасида қоларди, Уля қай томонга қарама-син, ҳаммаёқдан этик ва пилоткаларини чанг босган, минг марта терлаб, минг марта қотган, яна терга пишган, зах ерларда, қумларда, балчиқда, ўрмонда ва шўр ерларда булганган, жалаларда ивиган, жазирама офтобда куйган гимнастёрка кийган ёш жангчилар унга гоҳ зимдан, гоҳ тўппа-тўғри тикилиб қарардилар.

Чекиниб кетаётганликларига қарамай, жангчиларнинг кайфлари чоғ эди: улар одатда қизлар бор жойда ҳазилкашлик қилар, сергаб бўлардилар; ҳарқанақа ротада бўлганидек, автоматчилар ротасининг ҳам ўз эркаси бор эди.

Бирон илож топиб, стларни озроқ бўлса ҳам олдинга ҳайдаб ўтиб кетишга ҳаракат қилаётган Викторнинг отасига бояги эрка:

— Ҳой, буйруқ бўлмасдан туриб қаёққа кетасан?— дерди.— Йўқ-йўқ, оғайни, бизсиз ҳечқаёққа кетаолмайсизлар энди. Сизларни биз ротамизга ёзиб қўйдик, котелок бизга қандай хизмат қилса, сизлар ҳам шундай хизмат қилишларинг керак. Биз сизларни таъминотга ҳам ёзиб қўйдик, шинель беради, совун, овқат беради, қизга,— унинг ҳуснини худо ўз паноҳида сақласин,— ҳар кун эрталаб кофе пишириб берамиз. Ширин, асал кофе!..

— Рост айтасан, Каюткин, ротамизни озор чектирма!— деб кулишарди автоматчилар, Уляга илжайиб қараб.

— Инонмайсизларми? Мана, ҳозир биламиз! Ўртоқ старшина! Федя! Ухлаб қоптими бу? Жўралар, Федя юратуриб ухлаб қопти... Старшина дейман! Патагингни йўқотибсан...

— Ўзинг каллангни йўқотганинг йўқми?

— Биттасини йўқотиб қўйдим, қарасам— сенинг елканга чиқиб қопти. Менинг каллаларим ясама, мана, ишонмасанг— қара...

Каюткин бир қўли блан энгагидан, иккинчи қўли блан бўйнидан, бир қошига тушириб кийган пилоткасининг настидан ушлаб, кўзларини олайтирди-да, калласини бураб олаётгандай қилиб, уёқ-буёққа айлантира бошлади. Чиндан ҳам бўйнидан суғуриб олаётганга ўхшарди, бу найрангни кўрган ротадаги ҳамма кишилар ва яқин атрофдагилар хахалаб кулиб юборишди. Уля ҳам ўзини тутиб тураолмай, ёш болалардек жаранглаб кулиб юборди-да, ўзи уялиб кетди. Каюткин бу қилиқларининг

барисини Уля кўрсин деб қилаётганини билгандай, автоматчилар завқ блан Уляга қарардилар.

Бу ҳазилкаш Каюткин ўзи нимжон бўлса-да, ниҳоятда чаққон эди. Унинг майда-чуйда ажин босган юзи шу қадар галати эдики, унга қараб ёши нечадалигини ҳам билиш қийин эди, — эҳтимол ўттиздан ҳам ошгандир, балки йнгирмага ҳам кирмагандир, бўйига қарасангиз — бола дейсиз. Катта кўк кўзларини ҳам майда-чуйда ажинлар босиб кетган эди, гапдан тўхтаб жим турган вақтларида бу кўзларда бедармонлик сезиларди, аммо ўзининг чарчаганлигини одамларга билдирмаслик учун, тинмай гапирарди.

— Сизлар қайерлик бўласизлар, йигитчалар?— деди у, Улянинг йўлдошларига қараб. — Ана, айтмадимми! Краснодонли экансизлар-да, — деди қаноат ҳосил қилиб. — Бу қиз бирорталарингга сингил бўлса керак? Ё сизнинг қизингиз бўладими, отажон?.. Ана, айтмадимми, ёлғиз экан, қизи ҳам эмас, сингил ҳам эмас, эрининг ҳам хотини эмас экан, Каменскаа борганда сафарбар қилиб олиб қўйишлари мумкин. Албатта олиб қўядилар, йўл кўр-газучи қилиб тайинлайдилар. Катта, серқатнов йўлга турғизиб қўядилар. — Каюткин қўли блан йўлдан ва чўлдан кетаётган оқимни кўрсатди. — Қайтанга бизга, автоматчилар ротасига келиб қўяқолгани яхши!.. Мен сизларга айтсам, йигитлар, сизлар ҳадемай Русияга етиб оласизлар, у ерда нима кўп, қиз кўп, бизнинг ротамизда бўлса бир дона ҳам йўқ. Бетамизликка барҳам бериш, одобли бўлишимиз учун бизга шунақа битта қиз жудажуда керак...

Анатолий, кулгисини босолмай, Каюткиннинг кўзларига кўзи учрашмаслиги учун бошқа томонга қараб кулиб ўтирган Уляга кўз ташлаб:

— Ихтиёри ўзида, — деди ва жилмайди.

— Ҳа, а, унақа бўлса — кўндираимиз!— деди Каюткин. — Ротамиздан учта йигитни ажратамиз, улар ҳарқанақа қизни ҳам кўндиради!

«Қолсам нима қилади? Аравадан лип этиб тушаманда, шуларга қўшиламан кетаман!» деб ўйлади-да Уля, юраги шув этиб кетди.

Арава ёнида кетаётган Олег Кошевой Каюткиндан ҳеч кўзини узмасди: у, Каюткинни яхши кўриб қолган ва ҳамма ҳам ўзидака яхши кўрсин деб ўйларди. Каюткин оғзини очгани ҳамоно Олегнинг кулгиси қистар ва бошини орқасига эгиб, садаф тишларини кўрсатиб, тоза ҳам куларди. Мазза қилганидан қўлларини ишқарди, — Каюткин унга шу қадар ёқиб қолган эди. Аммо Каюткин бунга э'тибор ҳам бермасди, унга ҳам, Уляга ҳам, ўзи кулдираётган одамларнинг ҳечбирига ҳам қарамас эди.

Колоннанинг кейинги қаторларидан новча, қўллари катта ва қоп-қора бир пиёда аскар халлослаганича чиқди-да:

— Ўртоқлар! Конга қарашли машина қайерда кетаяпти?— деб сўради. У, қўлида ёғ босган латтага ўралган қандайдир оғир нарсани кўтариб келарди.

— Ҳов ана! Кетаётгани йўқ, турибти!— деди Каюткин ҳазиллашиб ва болалар блан тўла юк машинани кўрсатди.

Жангчи, Валько ёнига ва қўлидаги оппоқ қизчани авайлаб ерга қўйган Григорий Ильич ёнига келиб:

— Кечиринглар, ўртоқлар! Мана шу асбобни сизларга ташлаб кетмоқчиман. Сизлар — ҳунар одами, бир кунларингизга яраб қолар, менга йўлда оғирлик қилади,— деди.

Жангчи қўлидаги ёғлик латталарни очабошлади. Валько блан Григорий Ильич энгашиб, унинг қўлига қарардилар.

— Мана, кўрдиларингми?— деди жангчи мақтаниб ва латта устида ялтираб турган янги чилангарлик асбобларини кўрсатди.

— Гапингга тушунмадим, сстмоқчимисан?— деб сўради Валько ва қалин қош-қовоғи тагидан лўлиларникига ўхшаш кўзлари блан унга тикилди.

Жангчининг шалғамдек афти шу қадар қизариб-бўзариб кетдики, ҳатто ундан чак-чак тер окди.

— Тилинг кесилсин!— деди жангчи.— Чўлдан топиб олдим. Оёқ сстида, латтага ўроғлик ётибди. Бировники тушиб қолган бўлса керак.

— Ёалки оғирлик қлиб, жўрттага ташлаб кетгандир,— деди Валько.

— Ҳунарманд одам асбобини ўлса ҳам ташламайди! Тушиб қолган,— деди жангчи, фақат Григорий Ильичга қараб.

— Раҳмат, барака топ, дўстим...— деди Григорий Ильич ва жангчи блан бирга асбобларни яна латтага ўрайбошлади.

— Жойлаштирдим, энди кўнглим тўқ. Яхши асбоб-да, увол бўлади,— деди кайфи чоғ бўлган жангчи.— Хайр!— Фақат Григорий Ильичнинг қўлини сиқди-да қайтди; бироздан кейин колоннага қўшилиб кетди.

Валько бир пастгача жангчининг кетидан қараб қолди, унинг юзида миннатдорлик акс ётарди.

— Одам боласида...— деди у бўғиқ овоз блан.

Бир қўлида асбоб ушлаган, бир қўли блан оппоқ қизчанинг бошини силаб турган Григорий Ильич, директорнинг юраги қаттиқликдан эмас, балки минглаб кишилар ишлаган ва кунига минглаб тснна кўмир берадиган корхона директорини ба'зибир одамлар алдаб келганига ўрганиб қолгани учунгина бсяги жангчига ишонмай қараганини билди. Бу корхонани директорнинг ўзи ўз қўли блан портлатиб юборган, одамлар қисман кўчириб олиб кетилган ёки ҳар тарафга қсчиб кетган, қисман ҳалокат олдида қолиб кетган эдилар. Директорнинг юраги нақадар эзилганлигини Григорий Ильич энди бир марта ўйлаб қолди.

Машиналар, ст-аравалар ва сдамлар чўлки қанча бссмаса ҳам, кечга томон салқин тушди, чанг бссилди, ўт-хашак ҳиди ёсди. Ой тугмаган, қоп-қора ссмонда юлдузлар чарақлар эди.

Кеч кириши бланоқ олд т. мондан тўп овсэлари эшитилабошлади. Тунга бориб яна яқинлашди, ҳатто пулемётларнинг тарақлаши ҳам баҳазур эшитиларди. Кечаси блан Каменск томонда шу'лалар ёниб турди, ба'зан бу шу'лалар шу қадар кучли бўлар-

дики, ҳатто колоннани бошдан оёғигача ёритиб юборар эди. Ёнғинлардан чиққан алангалар гоҳ у томонни, гоҳ бу томонни жигар рангга бўяб юборар, қоп-қоронғи чўлдаги тепаликларни товлар эди.

Аравада гапга қўшилмай, томоки чекиб ўтирган Викторнинг отаси:

— Ўртоқлар мозори, — деди; томоки ўти аҳ'ён-аҳ'ёнда унинг сергўшт бетини ёритарди. — Булар қадимги қабрлар эмас, бизнинг ўзимизнинг қабримиз, — деб ҳаяжонланди у. — Шу ерлардан Пархоменко ва Ворошиловлар блан бирга уруш қилиб ўтганимизда, шаҳид бўлган биродарларимизни шу ерга кўмиб кетган эдик...

Анатолий, Виктор, Олег ва Улялар оғир сукунат ичида аланга шу'ласида қизариб турган тепаликка қарадилар.

— Мактабда ўқиган вақтимизда ўтган урушлар ҳақида қанчадан-қанча ҳиксялар ёзар эдик, урушни хаёл қилардик, оталаримизга ҳавасимиз келарди; мана энди, гўё бизни синамоқ учун урушнинг ўзи ҳам етиб келди, биз бўлсак ундан қочамиз... — деди Олег ва оғир хўрсинди.

Тунда колонна қатнови ўзгариб қолди. Муассаса ва айрим кишиларга қарашли машина ва аравалар, қочқинлар бутунлай тўхтаб қолган эмиш, — одамларнинг айтишича, олдинда аскарӣй қисмлар бормоқда эди. Энди автоматчиларга ҳам навбат келган эди: улар ҳам қўзғолишди, қоронғида милтиқлар секин шарақларди; улар кетидан бошқа қисмлар ҳам қўзғолди. Машиналар мсторларини тариллатиб, бир-бирларини итариб, аскарларга йўл бўшата бошладилар. Қоронғида ялтилаган томоки ўтлари осмонда милтилаган юлдузларга ўхшарди.

Кимдир Улянинг тирсагидан туртди, Уля ўгирилиб қаради. Викторнинг отаси ўтирган араванинг тўғрисидаги бошқа бир арава ёнида Каюткин турарди.

— Жиндак гапим бор, — деди у, шивирлаб.

Овозидаги оҳанг Уляни аравадан пастга тушишга мажбур этди. Бироз нарига боришди.

— Кечирасиз, безовта қилдим, — деди Каюткин секин. — Асло Каменскка борақўрманг, ҳа демай немис олиб қўяди, Донецнинг нариги томонида эса немис анча ичкари кириб кетди. Менинг айтганимни ҳечкимга айтқўрманг, сизга айтишга ҳам ҳаққим йўқ эди. Аммо сизлар ўзимизники бўлганингиздан ачиниб айтаяпман, бекорга ҳалок бўлиб кетманглар. Сизлар жанубга томон бурилишлар, фурсатни қўлдан берманглар.

Каюткин худди кафтида чўғ ушлаб тургандай, Уля блан эҳтиёт бўлиб сўзлашарди, қоронғида ғира-шира кўринган юзи жиддий ва ма'юс, қоронғида ялтилаган кўзларида чарчаш аломати йўқ эди.

Уляга унинг айтган гапи эмас, балки овозининг оҳанги та'сир қилиб кетди. Қиз унга индамасдан қараб турарди.

— Отинг нима ўзи? — деб секин сўради Каюткин.

— Уляна Громова.

— Енингда биронта суратинг йўқми?

— Йўқ.

— Йўқ...— деб ғамгин ва ма'юс такрорлади Каюткин.

Улядаги ачиниш туйғусига бирдан шўхлик қилиш ҳиссиёти қўшилдида, бошини Каюткиннинг юзига жуда яқин олиб келиб қаради.

— Ёнимда ҳечқандай суратим йўқ,— деди Уля шивирлаб,— аммо юзимга яхшилаб қараб олсанг...— деб бир пас жим бўлдида, қора кўзлари блан унга тикилиб қаради,— унутмайсан...

Каюткин тик туриб қолди, унинг катта кўзлари қоронғида ма'юс ёнарди.

— Сени ҳеч унутмайман... Сени сира унутиб бўлмайди,— деб билинар-билинимас шивирлади у.— Хайр...

Деди-да, оғир солдат этикларини босиб, сомон йўлига ўхшаб бепоён ва зимистонликка томоқларини чекиб кетаётган қисмига бориб қўшилдию, кўздан ғойиб бўлди.

Уля, Каюткин айтган гапларни айтайми, йўқми деб ўйланиб қолди, аммо, афтидан, бу хабар фақат Каюткингагина малум бўлмай балки колоннадагиларга ҳам етиб борган эди.

Уля арава ёнига келганда машина ва от-араваларнинг кўпи чўлга, жануби-шарқ томонга бурилмоқда эди. Қочқинлар ҳам шу томонга қараб тизилабонлаган эдилар.

— Лихаяга томон юришга тўғри келади,— деб Вальконинг хириллаган товуши эшитилди.

Викторнинг отаси ундан алланимани сўради.

— Нега ажралишар эканмиз? Тақдир буюрган экан-бирга кетаверамиз,— деди Валько.

Тонг отганда улар йўлсиз чўлга чиқиб олган эдилар. Очиқ чўлда тонг,— ҳали деярлик ҳечкимнинг қўли тегмаган бепоён ғаллакорлик устини қоплаган очиқ, мусаффо ҳаво, жарлар тагидаги шудринг босган кўм-кўк майсазор, шудринг томчиларида офтоб нурларининг марвариддай ялтиллаши нақадар гўзал ва мафтун этарли эди! Аммо бунинг рўларасида, эрта тонг маҳалининг манзарасида, машаққат чеккан, орриқлаб кетган, болаларнинг чеҳралари, катталарнинг тиришиб кетган, қовоқлари солиқ, ташвишли юзлари янада ғамгин кўринарди.

Уля, болалар уйининг пайпоқ устидан чанг босиб, саргайиб кетган бста кийган мудирасини кўриб қолди. Мудиранинг юзи қоп-қорайиб кетган эди. Бутун йўлни пиёда юриб келган аёл фақат шу кечаси аравага тушиб олган эди. Донец қуёши, унинг бутун вужудини куйдириб, қотириб юборгундай эди. Бу кечаси у ҳам ухламай чиққан кўринади, доим индамай ўтиради, қилган ишини ҳам билмайди, унинг ўткир сўқир кўзларида бу дун'ёнинг қараши йўқ эди.

Эрта тонгдан бошлабоқ осмонни моторларнинг гуриллаган овозлари босиб кетган эди. Аэропланларнинг ўзи кўринмас, аммо олдин чап томондан тўхтамай тушаётган бомбаларнинг атрофни ларзага келтиручи гумбура-гумбури ҳаммавақт эшитилиб турарди,

гоҳо-гоҳода осмондан пулемётларнинг тириллаган овозлари ҳам келиб турарди.

Донец ва Каменск тепасида бошланиб кетган ҳаво жанги бу ердан кўринмас, аммо баҳазур эшитилиб турар эди. Фақат бир мартагина, бомбаларини ташлаб, пастлаб учиб кетаётган немис шўнгучи аэропланигина кўринди.

Олег бирдан бричкадан сакраб тушди-да, кетидаги аравани кутиб турди. Кейин, арава ёнида, унинг четини ушлаб бориб:

— Агар немислар Донецдан ўтган бўлса, биз блан бирга келган қисм уларни Каменскида тўхтатиб турган бўлса, — дерди, катта кўзлари блан ўртоқларига қараб, — демак у, я'ни автоматчилар ҳам, ҳаммани кулдирган ажойиб йигит ҳам соғ қолмайди-да! Шунини биласизларми? Улар омон қолмасликларини билар эдилар, ҳаммалари билар эди!

„Каюткин мен блан ўлим олдидан хайрлашди!“ деган хаёл Улянинг юрагига бориб санчилди; йигитга айтган гапи эсига тушиб, ўзича қип-қизариб кетди. Аммо юракдан чиққан пок овоз: „Йўқ, Каюткин жон бераётганида оғир туюладиган гап айтмадинг!“ дерди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Икки кунга довур Краснодардан тўда-тўда қочқинлар ўтиб турди; шаҳар устини булутдай қоплаган чанг одамларнинг усти-бошини, дарахт ва гулларни, отқулоқ ва ошқовоқ баргларини қорамтил-қизил тусга бўяб юборган эди.

Шаҳар чеккаларида ҳаммаёқни ваҳима босиб, тўс-тўпалон, қоқиш ва хайрлашишлар авжга чиққанида, марказий боққа ёндош кўчалар сув селгандек жим-жит эди.

Боғнинг орқасида энг охириги поезд кондан-конга қатнаб, олиб кетиш мумкин бўлган асбоб-ускуналарни ташиб юрарди. Паровознинг пишқириши, гудоги, стрелкачининг сурнайи эшитилиб турарди. У ёқдан, кўприк томондан одамларнинг ҳаяжонли овозлари, тўзон кўтариб келаётган саноксиз оёқ шарпалари, машиналарнинг хириллаши, кўприк устидан тўп-замбарак гилдиракларининг тарақлаб ўтиши эшитиларди, — бу ҳамон чекинаётган ҳарбий қисмлар эди. Гўё бепсён чўлдан бир томони осмонгача етган ҳайбатли бўш бочкани юмалатиб кетаётгандек дам-бадам уёқ-буёқда, тепаликлар орқасидан замбарак ўқларининг гумбирлаган овози келиб турарди.

Боши боғ дарвозасига бориб тақалган кенг кўчада, „Краснодонуголь“ трестининг икки қаватли бинсси ёнида бир ярим тоннали юк машина турарди; бирқанча эркак ва аёллар карракдек очилган эшикдан трестнинг қолган-қутган юкларини ташиб чиқариб, машинага ортар эдилар.

Одамлар ўз ишларини секин, ҳовлиқмасдан, индашмай бажарар эдилар. Уларнинг оғир ташвиш ифодаловчи юзлари, юк ташийвериб чарчаган қўллари терга ботган ва кирлаб кетган эди. Бироз нарида, трест деразаларидан бирининг тагида, бир йигит

блан бир қиз ҳечнарсга парво қилмай, қизиқишиб сўзлашиб турарди, афтидан, на машина, на терга тушган ва кирлаб кетган кишилар ва на атрофда рўй бераётган аҳвол улар учун мутлақо аҳамиятсиз эди.

Уларнинг суҳбати ҳаммадан ҳам муҳим эди.

Пушти кофта ва яланг оёғига сариқ туфли кийган қиз тўладан келган, сариқбашара бўлиб бодом мағизидек қорамтилроқ кўзлари бироз ғилайроқ эди. Ғилайлигидан, атласдай бўйнидаги чиройли бошини бироз буриб, йигитга чап қараётгандай кўринарди.

Йигит новчагина, бесўнақайроқ, бироз букчайган эди; ювиллавериб, оқариб кетган, энги калта кўк кўйлаги устидан энсиз тасма таққан, жигарранг йўл-йўл, почалари калта кулранг шим кийган, оёғига энгил тапочка кийган эди. Узун қирқилган қорамтил сочлари унга итоат қилмас, гапирганида ҳа деб пешанасига, қулоқларига осилиб тушаверганидан, дам ўтмай бошини силкитиб, сочинн тўғрилаб қўярди. Унинг юзи офтобда қораймайдиган сўлғун юзлардан эди. Бунинг устига, йигит жуда уятчанг, тортинчоқ эди. Аммо қизга ёққан нарса унинг чеҳрасидаги табиий қизиқлик, шу блан бирга, барқ уриб турган илҳом эди, шунинг учун ҳам қиз йигитнинг юзидан кўзини узмас эди.

Одамлар уларга қараяпдими, гапларига қулоқ солаяптими, бу блан уларнинг ишлари йўқ эди. Аммо, уларни кузатиб туручилар ҳам бор эди.

Кўчанинг нариги муйилишида, бултур куздан бери большевиклар партиясининг Ворошиловград область комитети жойлашган бинонинг эшиги олдида анча пачақланган, бўёғи кўчиб, баъзи жойлари ишқаланабериб, ялтираб кетган, тўрт ғилдиракка баланд қўндирилган қора энгил машина турар эди. Совет автомобильсозлик саноатининг тунғичи бўлган бу машина энди ҳамма ерда деярлик ишдан чиқиб қолган, оддий тилда „газик“ деб аталадиган машина эди.

Бу машина, Дон ва Қозоғистон чўлларида, шимол тундраларида минглаб, ўн минглаб километр йўл босган, тор йўллар блан Кавказ ва Памир тоғларига чирмашиб чиққан, Олтой ва Сихотэ-Алинь тайгаларигача кириб борган, Днепр тўғони, Сталинград трактор заводи, Магнитогорск металлургия комитетлари қурилишларида хизмат қилган, Нобиле экспедициясини қутқоришга отланган Чухновский ва унинг шерикларини шимолий аэродромга олиб бориб қўйган. Комсомольск шаҳрини қуриш учун келган биринчи бинокорларга бўрон ва муз тоғларидан ўтиб, яхлаб қолган дар'ёдан ёрдамга борган, „газик“ машиналардан бири, хуллас, бутун куч-қувватини тўплаб, биринчи бешйилликни ўз елкасида кўтариб чиққан, сўнгра эскириб, ўзининг иштироки блан қурилган биринчи автомобиль заводлари ишлаб чиқарган янги машиналарга жой бўшатиб берган ўша „газик“ машиналардан бири эди.

Стандарт уй олдида турган „газик“ усти ёпиқ лимузин машина эди. Унинг ичида, оёқ кўядиган жойга оғир узун яшик солинган, ўриндиқнинг бир томонига кўндаланг қилиб устма-уст икки чемодан, уларнинг устига ичи тўла рюкзак қўйилган эди, чемодан-

ларга диски солинган иккита ППШ автомат қўйилган, уларнинг ёнида эса яна бирқанча тайёр дисклар ётарди. Ўриндиқнинг бир бурчагидаги бўш ерда ўттизларга кирган, сочи сариқ оппоққина, офтоб ва ёмғирлардан рангги ўчиб кетган йўл либоси кийган хотин ўтирарди. Пастда жой қолмаганидан, у, оёғини чалкаштириб яшик блан эшик ўртасига зўрға жойлаштирган эди.

Хотин, лимузиннинг аллақачон синиб кетган ойналари тирқишидан гоҳ стандарт уйнинг эшигига, гоҳ трест олдида юк ортилаётган машинага хавотир бўлиб қарарди. Бирон кимсани узоқ кутиб ўтиргани, машинага юк ортаётган кишилар обком ёнида ёлғиз турган лимузинни ва унда ўтирган хотинни кўриб қолишларидан, ранжигани кўриниб турарди. Унинг жиддий юзида ташвиш тэртаётганлиги акс ётарди, дарҳол ўзини ичкарига олиб, эшик тирқишидан трест деразаси тагида суҳбатлашиб турган йигит блан қизга ўйчан тикилиб қараб ўтирарди. Бу қарашдан унинг чеҳраси очилаборар, кўзлари ва тиниқ лабларида бехосдан пайдо бўлган табассумни ўзи ҳам сезмасди.

Хотиннинг ёши ўттизларга бориб қолган эди, йигит блан қизга қараганда ўзининг чеҳрасида пайдо бўлган меҳрибонлик ва ғамгинлик сезгилари унинг ўттизга кириб қолгани, энди шу йигит ва қиз каби ёш бўлолмаслигини ифода этучи сезгигина эканлигини билмас эди.

Бугун оламда, бутун теварак-атрофда рўй бераётган аҳволга назар-писанд қилмаган йигит блан қиз бир-бирига муҳаббат изҳор қилишарди. Улар муҳаббат изҳор қилмай ҳам иложлари йўқ эди, чунки улар бир-бирларидан ажралишлари керак эди. Аммо улар фақат ёшликдагина қилинадиган тартибда муҳаббат изҳор этишарди, я'ни улар муҳаббатдан бошқа ҳамма нарса тўғрисида гапиришар эдилар.

— „Келганинг жуда яхши бўлди, Ванечка, юрагимдаги тоғдай ғамдан қутилдим“, — дерди қиз ва унга ўзининг ёқиб турган ғилайроқ кўзлари блан узоқ-узоқ боқиб; қизнинг, бошини сал ўгириб туриб, ўша жиндек ғилайроқ, ялтиллаган кўзлари блан боқишини йигит дун'ёнинг ҳамма газзетларига алишмасди. „Мен, сени кўролмай кетиб қоларимиз деб қўрқувдим...“

— Нима сабабдан уйингга кирмай юрганимни биласанми ўзинг? — дерди йигит, ғурунглаб қолган овози блан; у, узоқни кўролмайдиган кўзлари блан қизга юқоридан пастга қараб гапирарди. — Биламан, ўзингдан ўтар гап йўқ... Мен уч кун илгари жўнаб кетишим керак эди. Энди отланиб бўлиб, хайрлашиш учун сеникига келай деб турган эдим, бирдан комсомол райкомидан чақириб қолишди. Борсам энди кўчириш ҳақида буйруқ келган экан, шу блан бутун режалар бузилиб кетди, курсдаги шерикларим кетиб, мен ўзим келганим жуда алам қилди, болалар ёрдам қилишиб юбор деб илтимос этишди, ўзим ҳам кўриб турибман — ёрдамлашиш керак... Кеча Олег Каменскка кетаётган бричкадан жой бериб эди, — биласанку, иккимиз жуда қалин ўртоқмиз, — лекин ташлаб кетишдан уялиб, кетмадим...

Қиз, ялтироқ кўзларини йигитдан узмай, яна:

— Биласанми, юрагимни эзиб ётган ғамдан қутилгандай бўлдим, — деди.

— Ростини айтсам, ичимда ўзим жуда хурсанд эдим, — ҳали уни (сени-да!) кўп марта кўрарман деб ўйлаган эдим. Қарасам бўлмади! — деди йигит қизнинг кўзларига тикилганича, ўзининг йўғон овози блан: у, қизнинг салгина қизарган чехрасидан келаётган ёқимли ҳарорат, юмшоққина бўйни, пушти кофта тагидан аниқ сезилиб турган баданнинг мафтуни эди. — Йўқ, ўзинг бир ўйлаб кўргина-а! Ворошилов мактаби ҳам, Горький мактаби ҳам, Ленин клуби ҳам, болалар касалхонаси, — бариси менга қолди. Толемга, яхши ёрдамчим топилиб қолди. Жора Арутюнянц. Эсингдами? Мактабимизда ўқирди. Йигит деб ана ўшани айтади! Ўзи келиб, мен сенга қарашай, деди. Икковимиз уйқу нималигини билмадик. Кечаю-кундуз тиним йўқ, — арава топ, машина топ, юкни орт, ем-хашак қидир, бир ерда машина резинкаси ёрилган, яна бир ерда бричка филдирагининг темирини олиб бор... Бошинг гир айланади! Аммо, сенинг ҳали шу ердалигингни билар эдим. Отамдан билдим, — деди у, уялиб. — Кеча кечаси уйингизнинг ёнидан ўтиб қолдим, юрагим шув этиб кетди. Тақиллатай-йўқми? дедим ҳам. — У кулди. — Кейин отанг уйдадир дедимда, ўзимга ўзим, йўқ, сабр қил, Ваня, дедим.

— Биласанми, юрагимдаги тоғдек ғамдин... — дея бошлаган эди қиз, қизиқишиб кетган йигит оғзидан гапини олди:

— Куни кеча, охири, бўлди энди, нима бўлса бўлгани, кетаман дедим. Ахир, сени кўролмай қолишим мумкин эди-да! Энди буёғига қулоқ сол! Восьмидомкида етимлар учун очилган болалар уйи ҳалигача кўчолмаган экан. Уйнинг мудираси, — бизга қўшни ўзи, — олдимга югуриб чиқиб, „ўртоқ Земнухов, ёрдамлашинг. Жуда бўлмаса комсомол комитети орқали арава топиб бермасангиз булмайди“ деб кўз ёш қилиб қолди. „Комсомол комитети кетиб қолди-ку, маориф бўлимига айтинг“, дедим мен. „Ҳар куни бираман, ана берамиз, мана берамиз деб юришди. Бугун эрталаб борсам — ўзимизга ҳам арава йўқ, — дейишди. Ўзимни у ёққа урдим, бу ёққа урдим, қарасам — маориф бўлими ҳам кўчиб кетипти...“ деди хотин. „Араваси бўлмаса қаёққа кетипти?“ — „Билмадим. У ёқ, бу ёққа тарқалиб кетгандир-да...“ Халқ маориф бўлими тарқалиб кетган! — деб Ваня Земнухов бирданига қаттиқ кулиб юборди, пешанасига, қулоқларига осилиб тушган итоатсиз узун сочларини силкитиб, тўғрилаб олди. — Ана у аблаҳларни қара-я! — деб кулди у яна. — Ишинг пачава-ку, Ваня, Клавангни кўриб бўпсан, дедим ўз-ўзимга. Жора Арутюнянц блан икковимиз енгни шимариб ишга киришдик, бешта арава топдик. Биласанми, кимдан? Ҳарбийлардан. Мудира биз блан хайрлашар экан, йиғлайвериб, ҳаммаёғимизни хўл қилиб юборди. Шу блан тамом бўлди дейсанми? Бугун Жорага: „Югур, мен *стлангунимча сен ҳам юкингни йиғиштири!“ — дедим. Кейин мен, бир ерга бориб келишим керак, агар уйда бўлмасам кутиб ўтир, дедим... Энди қопнинг оғзини тугиб бўлган эдимки, Толя Орлов кириб келди. Танийсанми уни? „Момогулдирак“, деган яқабм ҳам бор.

— Юрагимни тошдай босиб турган ғамдан қутилдим, — деди Клава ниҳоят йигитнинг тугамас гаплари орасида сўзга аралашиб. — Кирмайсан деб қўрқувдим. Ахир, мен ўзим сизларникига кирмамас эдим-да, — деди мулойим овоз блан.

— Нега? — деди Ваня, бирдан бу гапга ажабланиб.

— Ноҳот, нима учунлигини билмасанг? — деб қизарди қиз. — Отам кўриб қолса нима дердим?

Бу сафарги суҳбатда айтган энг муҳим гапи шу бўлди: ўз ўрталаридаги муносабатлар оддий муносабат бўлмай, балки бу муносабатнинг „сири“ ҳам бор эканлигини унга тушунтириш керак эди. Агар унинг бунга ақли етиб ўз оғзи блан айтмаса, қизнинг ўзи унинг эсига солиб қўймоғи керак эди.

Ваня жим бўлиб қолди-да, қизга тикилиб қаради, бу қарашдан қизнинг юзи, оппоқ бўйни устидаги кофтасидай қип-қизариб кетди.

— Сен тагин отанг ёмон кўради деб ўйлама, — деди Клава дарҳол, ғилайроқ кўзларини ялтиратиб. — У кўп марта: „Земнухов — ақлли бола кўринади“ деб айтган... Биласанми, — шу ерга келганда қизнинг овози яна мулойимлашди, — агар истасанг бизлар блан бирга кетардинг, гап ўзингда қолган...

Сенган қизи блан бирга кетиш иложи ҳеч ҳам унинг эсига келмаган эди; бу фикр шу қадар ёқимли эдики, ҳатто у эсини йўқотаёзди; қизга қаради, бесўнақай жилмайди, аммо шу онда унинг юзи бирдан жиддийлашди, узун кўчага бепарво назар ташлади. У, орқасини боққа ўгириб турарди, унинг рўпарасида жануб томонга чўзилиб кўча кетган эди. Кўча анча ергача бориб, шарт кесилгандай туюларди: унинг охирида иккинчи кўприк бўлиб, унинг нариги томонида, йироқда чўлдаги тепаликлар, тепаликлар орқасидан эса узоқдаги ёнғинлардан чиққан тутун кўринарди.

Аммо кўзи ожизроқ бўлганидан, Ваня буларни кўрмас эди. У фақат замбаракларнинг гумбирлашини, паровозларнинг чинқиришини ва стрелкачининг ёшликдан эшитиб қулоққа ёқиб қолган, очиқ ҳавода жаранглаган ҳуштак товушини эшитарди, халос.

— Юкимни олганим йўқку, Клава, — деди Ваня ғамгин овоз блан ва худди сочлари тўзиган бошьяланг бошини, калта енгли оқариб кетган кўк сатин кўйлагини, кўп кийилган кулранг калта шимини ва оёғидаги тапочкаларини кўрсатаётгандай. Ҳатто кўзойнагим ҳам уйда қолипти, сени ҳам зўрға кўриб турибман, — деб ма'юсона ҳазиллашди у.

— Отамга айтамиз, сеникига кириб ўтамиз, — секин ва ихтирос блан деди Клава, бошини бироз қийшайтириб йигитга қараб. У ҳатто унинг қўлидан ушламоқчи бўлган ҳам эди, аммо ботинаолмади.

Шу топда кепка, этик, устига анча урипган пиджак кийган Клаванинг отаси қўлида икки чемодан кўтарганича машинанинг орқасидан чиқиб қолди; у, терлаб, пишиб, машинадан чемодан қўйгани жой қидирарди. Машина лиқ тўла эди.

Тугун ва яшиқлар орасида турган бир киши:

-- Қани, ўртоқ Ковалёв, келинг, мен қарашиб юборай, — де-ди-да, бир тиз чўкиб, бир қўли блан машинанинг четини ушлаб, чемоданларни кўтариб олиб қўйди.

Шу маҳалда машинанинг орқасидан Ванянинг ҳам отаси пайдо бўлиб қолди; у ҳам орриқ, қорайган, томирлари бўртиб чиққан қўллари блан каттакон тугунни кўтариб келмоқда эди. Тугун кўтариш қийин бўлса керак, икки қўлини олдинга чўзиб, узун-узун оёқларини шалпиллатиб судраб келар эди. Унинг ажин босган, узун, офтобдан қорайган юзи ҳатто оқариб кетган, терга пишган эди, бу озгин, машаққат аломатлари блан тўла юзида ниҳоятда ғамгин, оғир кишининг ўткир кўзлари аниқ кўриниб турарди.

Ванянинг отаси Александр Федорович Земнухов трестда қоровул эди, Клаванинг отаси Ковалёв эса бошқарма ва хўжалик мудири бўлиб, чолнинг бевосита бошлиғи эди.

Ковалёв, одатда ба'зи нафси бузуқ ҳамкасбларининг хунук ишлари аламига одамлар томонидан бўладиган та'наю-ҳақоратларга тишини-тишга қўйиб чидаб келадиган хўжалик мудирларидан, оғир ташвиш пайти келганда дун'ёда ҳақиқий хўжалик мудирлари ҳам бор эканлигини исбот қилучи завхозлардан бири эди.

Директордан трестнинг мол-мулкани жўнатиш ҳақида буйруқ олган кундан бери у, ўз ҳамкорларининг ёлвориб ва илтимосларига, одатда уни супурги ўрнида кўриб келган ба'зи бошлиқларнинг эндиги хушомадгўйликларига назарписанд қилмай, ўз одатича шошилмай, оҳисталик блан, барча қийматбаҳо нарсаларни яшиқларга жойлаб, машиналарга ортиб, жўнатиб юборган эди. Шу кун и эрталаб, тонготорда, трестни кўчириш ишларига боғланган вакилнинг энди бир минут ҳам кечикмаслик, олиб кетишни мумкин бўлмаган ҳужжатларни ёқиб, дарҳол шарққа жўнаш ҳақидаги буйруғини олди.

Аммо Ковалёв бу буйруқни олиши бланоқ, энг олдин вакилнинг ўзини юки блан жўнатиб юборди; сўнгра аллақерлардан, аллақандай иложини қилиб, от-арава, машиналар топар, Трестнинг қолган-қутган мол-мулкани жўнатиш блан овора эди, чунки шундай қилмасликка виждони унамас эди. Ҳаммадан ҳам у, бундай фожиали кунда энг олдин ўз ишини саранжомлаб олди дейдиган гап-сўзлардан қўрққанидан оиласини энг охириги машинага солиб кетишга қарор қилган, бунинг учун эса бир машинани махсус атаб қўйган эди.

Трест қоровули Александр Федорович Земнухов эса кексайиб қолганлигидан, бунинг устига хасталиги туфайли ҳечқерга кетмоқчи эмас ва кетаолмас эди ҳам. Унинг сингари шу ерда қоладиган бирмунча кишилар қаторида бирнеча кун олдин идора блан ҳисоб-китоб қилиб, икки ҳафталик нафақасини олиб бўлган, я'ни трест блан орани очиқ қилиб қўйган эди. Аммо шу кейинги кеча-кундузда у, шал касалига мубтало бўлган оёқларини судраб бўлса ҳам, Ковалёвга трест юкларини жойлаш ва саранжомлашда, жўнатишда қарашарди, чунки бу мўйсафид ўз мул-

кига қандай қараса, трест мулкига ҳам шундай қарашга ўрганиб қолган эди.

Александр Федорович Донецнинг кекса кончиларидан, дурадгор усталаридан эди. Ёшлик чоғида у, Тамбов губерниясидан иш қидириб келган эди. Ўша вақтдан бери у ўзининг ажойиб болтаси блан Донец бағрининг энг чуқур жойларида, энг даҳшатли чуқурликларда кўп конларни тиргавучлар блан мустаҳкамлади. Ёшлигидан зах ерларда ишлаб келган Александр Федорович бод касали ортдириб, проворди пенсияга чиқди-да, трестга қоровулликка кирди. Аммо қоровул бўлиб ишлаганда ҳам гўё эски дурадгорлик касби блан шуғуллангандай ишларди.

— Клавка, бор отлан, онанга қараш!— деб ўшқириб берди Ковалёв, кир қўлининг орқаси блан пешана терини сидириб ташлаб.— Ҳа, Ванямисан!— деди у, Земнуховга бефарқ кўз ташлаб. Кўрдингми, нима бўлаяпти?— деб жаҳл блан бошини ҳартомонга чайқади, брок шу ондаёқ Александр Федорович келтирган тугунни олиб, машинага солди.— Бошга тушганни кўз кўрар деб шуни айтади-да,— деди, нафасини ростлаб.— Вой падар ла’нати-ей!— деди у бирдан, чунки кейинги гумбирлаш баҳайбат бочка уфуққа сари думалаб кетгандек, айниқса даҳшатли эди.— Ҳа, ўғлинг кетмайдиган бўлдими, Александр Федорович?

Александр Федорович жавоб бермади, ўғлига ҳам қарамади-да, яна тугун олиб келгани кетди: у, ўғлидан хавотирда эди, унинг бу йил ёзда кириб ўқий бошлаган ҳуқуқшунослик курси блан бирга бирнеча кун илгари Саратовга кетмагани учун ўғлидан хафа ҳам эди.

Брок, отасининг гапини эшитган Клава Ваняга қараб кўзини қисди, ҳатто унинг қўлини ҳам туртди-да, отасига бирнима демокчи бўлиб турган эди, Ваня:

— Йўқ, мен ҳозир кетаолмас эканман,— деди.— Мен Володя Осьмухинга арава топиб беришим керак, кўр ичагини операция қилдирганидан бери ётипти.

Клаванинг отаси ҳуштак чалди.

— Топиб бўлсан!— деди у, ҳам масхара, ҳам фожиали қилиб.

— Ундан ташқари мен ёлғиз эмасман,— деди Ваня оқариб кетган лаблари блан. У, Клавадан кўзини олиб қочди.— Жора Арутюнянц деган ўртоғим бор, иккимиз бирга ишладик, ҳамма ишларни қилиб бўлиб иккаламиз пиёда бўлса бирга кетамиз деб ва’даллашиб қўйганмиз.

Энди, чекинишининг иложи қолмаганидан, Ваня, қора кўзлари намланган Клавага қаради.

— Ҳа, ҳа, шундайми!— деди Ковалёв, Ваняга ҳам, Жора Арутюнянцга ҳам мутлақо бефарқ назар блан қараб.— Ундай бўлса — хайр!— деди-да, Ваняга яқинлашди ва шу ондаги гумбирлашдан чўчиб тушиб, терлаган қўлини узатди.

— Каменск томонга кетасизларми ёки Лихаягами? — деб суряди Ваня йўғон овоз блан.

— Каменск? Каменскни ҳа демай немислар олиб қўяди-ю!—

деб ўшқирди Ковалёв,— Лихаяга, фақат Лихая! Донецдан утиб Белокалитвенскаяга борамиз,— вассалом...

— Ҳамма йўллар тиқилиб ётипти... Денгизга бориб сизларга етиб олармиз дейман,— деди Ваня Клавага ва тўзиган сочларини бир силкиб, тўғрилаб қўйди.

— Йўғе, худо кўрсатмасин,— деди Ковалёв.

Унинг бу сўзлари Жора Арутюнянц блан Ваняларнинг етиб олишларига эмас, балки йўлнинг тиқилинчлигига жавоб эди.

Уларнинг тепаларида бир нарса тақ этди-да, ахлат тушди.

Улар бошларини кўтариб қарашди, трестнинг иккинчи қаватида жойлашган план бўлимининг деразаси очилиб, ундан сочсиз ва қип-қизил калла чиқди: одамнинг юз ва бўйинлари шу қадар терлаб кетган эдики, худди пастда турганларнинг устига сув бўлиб оқадигандай туюларди.

— Йе, сиз ҳам кетганингиз йўқми, ўртоқ Стеценко?— деб ажабланди Ковалёв, деразадаги кал одам — план бўлимининг бошлиғи эди.

— Йўқ, ҳархил қоғозларни кўздан кечираётирман, тагин немиснинг қўлига тушиб қолмасин,— деди Стеценко, одатдаги мулойим ва паст овози блан.

— Толе'ингиз бор экан!— деди Ковалёв.— Биз кўп бўлса ўн минутлардан кейин жўнамоқчи эдик!

— Сизлар кетаверинглар, мен бир илож қилиб кетарман,— деди камтарлик блан Стеценко.— Ҳой Ковалёв, обком ёнида турган машина кимники, билмайсанми?

Ковалёв, унинг қизи, Ваня Земнухов ва машинада ўтирган ходим,— ҳаммалари обком ёнидаги „газик“ка қарашди.

„Газик“да ўтирган хотин машина эшигидан кўринмаслик учун дарҳол энгашди.

— Сизни олишармиди, ўртоқ Стеценко, уларнинг ўзларининг дарди етиб ортади!— деди Ковалёв.

— Уларнинг марҳамати керак ҳам эмас менга,— деди Стеценко ва ичкиликка ўрганиб қолган кишининг кичкина ва қип-қизарган кўзлари блан Ковалёвга қаради.

Ковалёвни бирдан хижолат босди; Стеценконинг сўзини ёмон ма'нода тушундимикин деб, машинада ўтирган кишига ялт этиб қаради.

— Ўзим содда дил одамман-да, аллақачонлар ҳамма кетиб бўлган деб ўйловдим, бирдан машинага кўзим тушиб қолди. Кимнинг машинаси экан деб ўйладим,— деди Стеценко илжайиб.

Улар бирқанча вақт „газик“ка қараб туришди.

Ковалёвнинг қовоғи солинди:

— Демак, кетмай қолган одамлар ҳам бор экан-да,— деди.

— Эҳ, Ковалёв, Ковалёв— деди ма'юсланган товуш блан Стеценко.— Пайғамбардан ҳам ортиқ диндор бўлиш ярамайди,— деди у, Ковалёв умрида эшитмаган мақолни бузиб.

Ковалёв қаддини ростлади ва тепадаги деразага эмас, балки машинада ўтирган ходимга қараб:

— Ўртоқ Стеценко, мен кичкина оддий одамман, сизнинг шамангизни тушунаолмадим, — деди хириллаб.

— Нега мендан аччиғланасан? Мен селга қаттиқ тапирганим йуқ-ку... яхши бор, Ковалёв! Саратовда кўришмасак ундан олдин кўришаолмасак керак! — деди-да, тепадаги дераза тақ этиб ёпилди.

Саросималанган Ковалёв блан бироз ажабланган Ваня бир-бирларига тикилиб қарашди. Бирдан Ковалёвнинг бетига қизил югурди, гўё уни биров қаттиқ хафа қилгандай эди.

— Клава, отлансангчи тезроқ! — деб бўкирди-да, машинани айланиб ўтиб, трестнинг биносига кириб кетди.

Ковалёв ҳақиқатан ҳам аччиғланган эди, аммо ўзи учун эмас, балки бошқалар учун аччиғланган эди. Ковалёвга ўхшаган оддий, масаланинг тагини билмай туриб, ранжийдиган одам эмас, балки Стеценко сингари ҳокимиятга яқинроқ турган, унинг вакиллари блан бир марта эмас, кўп марта бир товоқдан ош еган ва вақти келганда минг-минг хушомад сўзлар айтган бир кишини ҳозир ўзларини ҳимоя қилолмай қолган одамларни ҳақорат қилиши Ковалёвнинг аччиғини келтирган эди.

Орада бўлиб ўтган гапларни эшитмаган ва бўлаётган ишларни кўрмаган Клава турган жойидан қимир этмас, бодомга ўхшаш кўзларини Земнуховнинг юзидан узмай тикиб турар эди.

— Отанг жуда мард йигит экан-ку! — деди Ковалёвнинг юридаги бутун гапни билгандай Ваня ва бошини силкитган эди, узун сочлари елпуғичдай ҳар томонга сочилиб кетди.

„Газик“да ўтирган ва ҳамманинг қарайверишидан аччиғи келган хотин қип-қизариб кетган ва обком биносининг кенг очиқ турган эшигига қовоғини солиб қараб ўтирарди.

ОДИЛ РАҲИМИЙ таржумаси.

(Давоми бор)

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

ҚЎШЧИНОР*

Кемага тушганнинг жони бир

Қалтис йиқилиб бирон жойи майиб бўлган киши бунинг оғриғини ўша топда эмас, кейин билгандек Сидиқжон бу можаронинг бутун даҳшатини шу кечаси қўрпага кирганидан кейин билди. Унинг назарида ҳозир бутун қишлоқ фақат шу тўғрида, — биров кулиб ва биров тажанг бўлиб, биров Шарофатни ва биров Канизакни қоралаб, биров „ҳама иллат шу йигитнинг ўзида“ деб — шу можаро тўғрисидагина гапираёткандай бўлар эди. Унинг кўз олдига Зиёдахон келди. Шарофат унга нималар дер экан? Унинг сўзларига ҳечким ишонмаса ҳам Зиёдахон ишонади. Баҳорда тўғон бошига кетилаётканда йўл-бўйидаги балхтут остида бўлган ҳодиса наҳотки унинг эсидан чиққан бўлса!

Сидиқжон бундан ҳам кўра ҳозир боласини қўйнида олиб ёткан Анзиратхоладан, бировнинг уйида инқиллаб ёткан Канизакдан хижолат тортар эди. Бу кампирнинг кўнглидан нималар кечдию, яна нималар кечади? Эртага нима дейди? Канизак-чи? Бусиз ҳам „эрсиз хотинга Бухородаги ит ҳурар“ эди-ку, одамлар унинг тўғрисида энди нима дейди?

Сидиқжон ўрнидан туриб ёнбошлади.

„Ўша тўқайда-ку гап тамом бўлган эди, у касофатни нега бу ерга олиб келдим? Нима кераги бор эди? Канизакнинг отини билишидан, пичингларидан-ку бир дилсиёҳлик ҳиди келиб турган эди, нега Канизакнинг қулоғига шундай-шундай гап, ҳуш'ёр бўл деб шипшитиб қўймадим?.. Бунинг устига Канизакнинг нотавонлигига куяйми: бўйнимга қўйиб бер деб ёқасидан ушламайсанми, урмайсанми, юлмайсанми, дод солмайсанми!..“

Анзиратхоланинг қўйнида ёткан бола тўсатдан чирқираб юборди. Сидиқжон уни албатта чаён чақди деган хаёлда ўрнидан турасолиб югурди. То у етиб боргунча Анзиратхола туриб болани қучоғига олди ва силкитиб юпатабошлади:

* Боши ўткан сонларга.

— Йў-йў-йўқ... вой, болагинам... йў-йў-йўқ... бола бечора тушида қўрқди, тушида қўрқди болагинам... Аллў-алла... аллў-алла...

Бола дарров жим бўлди. Сидиқжон Анзиратхोलанинг орқасида нима қилишини билмай бир пас туриб қолдию ниҳоят:

— Хола, менга берақолинг, сизни ухлатмайди, — деди.

— Вой, нима қилиб юрибсан, болам, — деди Анзиратхола болани ётқизиб — бор, ухла, эртага азонда ишга чиқадиған одамсан, бор, бор! Мен болани энди кўрибманми... Бола бечора ўшанда қўрққан экан-да, қўрқса шунақа бўлади. Бераҳимлар, наҳотки болани шунчалик кўрқитсаларинг! Сен ҳам шунинг товушига уйғандингми?

— Уйғоқ эдим... эртага олиб кетар, ҳар нима бўлганда ҳам кўкрагида оналик меҳри бордир.

— Олиб кетса олиб кетар, олиб кетмаса бу тўғрида ҳеч ташвиш тортма, ўғлим. Умрини берса Ҳошимжон блан ака-ука бўлиб ўсади.

Сидиқжон ўзининг бу сўзига қарши Анзиратхола фақат шу мазмунда бир нима дейишигина мумкин эканлигини билса ҳам унинг бу гапи қалбига иссиққина тегди. Унинг бутун вужуди эригандай бўлди; кўкрагининг алла қаеридан шув этиб кўтарилган нимадир томоғида лип-лип этдию кўзига ёш келди.

— Шунчалик десангиз худо хайри берсин, — деди эшитилар эшитилмас.

— Хотининг бунақа фе'ли тез экан олиб кетмагани ҳам дуруст. Ёш нарса шундақ баджаҳл бўлса-я! Хайрият ҳам Зиёдахон келиб қолди, бўлмаса ҳаммаёқни остин-устин қилар экан. Мен Зиёдахонни ҳам урармикин деган эдим, хайрият урмади. Иккиқат нарса... Эридан балога қолар эдик. Эри қандоқ яхши кўрадики... Бечора бола кўрмай юриб-юриб энди кўрди. Уткан йил қиши блан районга дўхтурга қатнади. Эсон-омон қўтилсин. Яхши жувон, ўқиган... У келганда Канизак чиқиб кетканмиди? Эсимда ҳам йўқ...

— Ҳа, Канизак чиқиб кеткандан кейин келди... Хола, Канизак Марусаникида ётиши чакки бўлди-да: билмаган одам айби бўйнида экан дейди. Шунинг азонда бориб олиб келинса, ишга шу ердан чиқса, билган билиб, билмаган билмай қўяқолса яхши бўлармиди дейман... Мен борсам гап кўпаярмикин... Бундан ташқари ҳозир мен унга бир нима дейишим ҳам қийин, мендан хафадир. Кўнглидан чиқарарман...

Анзиратхола анчадан кейин жавоб берди:

— Ҳарқалай хотининг кеткандан кейин келгани яхши, болам.

Сидиқжон, гарчи Канизак қайтиб келмас деган уйга бормаган бўлса ҳам, Анзиратхोलанинг бу гапидан кейин, бу можаронинг энг хунук оқибати барҳам топқандай, енгил тортди.

— Рост айтасиз, хола, — деди ва бориб жойига чўзилди.

Дарҳақиқат бу можаронинг бошқа оқибатлари ҳозир унинг кўзига ўзидан-ўзи барҳам топқан ва топадиғандай кўринар эди: „Анзиратхола мендан хафа эмас, — дер эди ўзига ўзи. — Нимага ҳам хафа бўлади? Ўзи кўриб-билиб турипти; бундан ташқари ў...

онамдай бўлиб қолган одам. Болани Шарофат эртага албатта олиб кетади, олиб кетмай иложи йўқ — боласидан айрилса чумчуқ чирқирайдию! Лекин кетишида яна бир тўпалон қилади; нафақа берасан деб тўпалон қилади; мен хўп десам, кўлига бор-йўғимни тутқизсам ҳам тўпалон қилади. Қилсин, жуда соз бўлади!”

Унинг кўз олдига шу жанжал манзараси келди: ранги оқарган, кўз жияклари қизарган, юпқа лаблари кўкариб кеткан Шарофат оғзига келган гапни қайтармай шовқин солмакда; кимнидир урмакчи бўлиб интилади; ўртага тушмакчи бўлган кимнидир юлади; ҳамма эркакларни ҳамиятсиз, ҳамма хотинларни бузуқ дейди. Биров кулади, биров тажанг бўлади... Шунда Зиёдаҳон келиб секин: „Сидиқжон, оғир бўлинг, ҳамма кўриб, билиб турипти; бундай шаллақи, бундай тўхматчи, бунингдай юзсиз хотинни умримда кўрганим йўқ“ дейди. Шунда Канизак „Вой, Сидиқжон ака, ўлмаган жонингиз, шундай хотин блан ўн йил қандай умир қилдингиз!“ дейди...

Сидиқжон жиндак мизигандай бўлдию, кўзини очиб қараса тонг отиб қолипти; бет-қўлини ҳам ювмасдан далага чопди.

Ҳамма аллақачон ишга тушкан эди. Зокирота этагини бўшатгани кетаётиб Сидиқжонга хўмрайиб қаради. Сидиқжон худди кеч қолганимнинг ҳиссасини чиқараман дегандай, дарров жўякга тушди ва штоб блан пахта терар экан Канизакни излаб атрофга кўз ташлади. Зокирота қайтишда яна қовоғини солиб ундан Канизакни сўради. Сидиқжон шундан билдики Канизак ишга чиқмапти ва кечаги мижародан бу ердагиларнинг хабари йўқ, шунинг учун „келиб қолар“ деб жавоб берди. У бир томондан, Канизак нима бўлди, кўз-пўзига зиён етмадимикин деб ташвиш тортса, иккинчи томондан, Шарофат келиб яна жанжал бошлашини минут сайин куткани учун, унинг ишга чиқмаганидан хурсанд эди.

Ноништага занг урилганда Зокирота нонхалтасини кўтариб, одатдагича, қўшни звенодаги ўртоғининг олдига ўтиб кетдию ишга занг урилгандан ўзидан-ўзи жавраб, сўкиниб қайтиб келди. Унинг авзони кўриб Сидиқжоннинг юраги шув этиб кетди: „Ҳа, эшитипти, Канизак нега ишга чиқмаганини билипти. Кимни сўкаётипти — меними, Шарофатними? Мени сўкаётипти. Ҳозир келиб шовқин солади, дилимни сиёҳ қилади. Ҳозир мен бунга қандоқ қилиб тушинтираман? Гапимга қулоқ солармикин?..“

Зокирота, нонхалтасини тутнинг каллакига қистириб, пешгирини белига боғлар экан Сидиқжонга қаради ва бир нима демакчи бўлиб икки-уч оғиз ростладию, айтмади. Унинг юзида ҳозир шовқин солишини ёки бирон қаттиқ гап айтишини кўрсатадиган ҳечқандай аломат бўлмаса ҳам Сидиқжон, худди „Жон ота, ҳар нима десангиз ҳам шовқин солманг“ дегандай, югириб унинг олдига борди.

— Канизакни кейин кўрдингми, дурустми, кўзига зиён қилмаптимми? — деди Зокирота мулойимлик блан.

Сидиқжон унинг бу хилда мулойимлик блан гапирини кутмагани учун даф’атан тушиналмади.

— Лаббай? — дедию кейин тушиниб жавоб берди: — дуруст, ҳечнима қилгани йўқ... бети салгина... тирмаланган...

— Бўлар иш бўлипти, энди ҳечкимга оғзингдан чиқарма. Бости-бости... У фалокатдан билиб қочган экансан-да, ўғлим, билиб қочган экансан. Болага, ўз боласига меҳри шу бўлса ундан бошқа нима умид қилгани яхши киши? Майли, болага меҳри шу бўлса ташлаб кетгани яхши бўлипти. Ташлаб кетгани кўнгли бўлган онанинг борию-йўғи! Шундақ эмасми?

— Менинг туриш-турмушимни кўрмасидан бурун „айланай-ўргилай“ деб ўлаёткан эди, кўрганидан кейин газак олиб шишиб кетди. Энди ташлаб кетаман деб мени қўрқитмакчи.

— Ташлаб кетиптику, тагин нима?

— Ҳали кетгани йўқ, кечаси Зиёдахон опам олиб кетган эдилар.

— Ие, ҳали хабаринг йўқми? Хотининг азонда жўнапти. Болтабой кузатиб қўйипти. Бола тўғрисида шунча гапиришипти, учтўрт киши шунча ўртага тушипти — унамапти... Нукул итвачча дер эмиш. Астафорулло, ўз боласини, ўзи туққан болани итвачча деса-я! Ўйламайдимики...

Зокирота сўкиниб ғўзанинг ичига кириб кетти. Сидиқжон гаранг бир аҳволда туриб қолди. Унинг кўз олдига йиғлаб-йиғлаб қолдан тойган ва уйнинг бир бурчагида ҳиқиллаб, мунғайиб ўтирган ўғли ва хуноб бўлиб жовдираб, дам-бадам кўча эшигига бориб келаётган Анзиратхола келди. Бу манзара кечгача унинг кўз ўнгидан кетмади; кечгача ўйлаб ўғлини Баҳрободга — онасига ташлаб келишга ва шу баҳона блан Баҳрободда бир-икки кун туриб бу можаронинг чанги бироз босилгандан кейин келишга қарор бердию шу тўғрида гаплашгани ишдан тўғри Ўрмонжоннинг олдига борди. Унинг гумонига кўра Ўрмонжон бу гаплардан хабардор бўлиб, бу маслаҳатни ма'қул кўриши керак эди.

Ўрмонжон ўша айвончада ёшгина, афтидан, шаҳарлик бир йигит блан хандон-хушон гаплашиб ўтирар эди. Бу йигит сўрашгани қўл берганида „агроном Иброҳимов“ деди. Сидиқжон агроном нима иш қилишини билмас, лекин агроном деганда кўз олдига ўзбекчани чала биладиган хушчақчақ рус — чол келар эди, шунинг учун, таажжублангандай, йигитга икки-уч қараб қўйди. Ўрмонжон Сидиқжонга жой кўрсатди, сўймакчи бўлиб турган қовуни блан пичоқни унинг олдига суриб қўйди, звонинг бугунги ишига доир бир-икки савол бериб жавоб олганидан кейин, қулогим сизда дегандай, Иброҳимовга қаради. Иброҳимов тўхтаб қолган гапини давом эттирди.

— Менинг нима талабим бўлар эди, Ўрмонжон ака, — деди Иброҳимов Сидиқжон пичоқнинг учига узатган ярим тилик қовуни олиб — мен халқнинг пулига, сизларнинг пулларингга ўқиганман. Мен бу ерга бирон нарса орттириш ниятида келганим йўқ, агар шундоқ ниятим бўлса Қўшчинорга келмас эдим. Қўшчинорнинг аҳволини менга Райижроқумда айтиб беришти.

— Баракалла, ука, раҳмат, — деди Ўрмонжон — минг раҳмат

сизга. Эл-юртни десангиз эл-юртдан кўрасиз. Дарахтни ер кўкартиради, одамни эл кўкартиради.

— Менинг мақсадим, Ўрмонжон ака, сизларга қўлимдан келганча, илмим етганча хизмат қилиш, ўқиганларимни амалда кўриш, тажриба орттириш. Ундан кейин Тошканга бориб яна ўқийман. Тошканда пахта илмини биладиган зўр олимлар кўп, мен шуларнинг бутун илмини қоқиштириб олишим керак. Бу тўғрида Ўртоқ Аҳмедовга гапирган эдим, у киши жуда хурсанд бўлдилар, агрономия илмидан анчагина хабарлари борга ўхшайди. Колхоз қишлоғига катта билимдон агрономлар керак... Ҳозир бир центнер пахта сизларга нечи меҳнат кунига тушади?

Ўрмонжон, бунга ҳечқачан ҳисоблаб кўрмаган бўлса керак, жавоб бералмай қизарди ва илжайиб:

— Куч кўп кетади, лекин экинлар ичида бундан даромадлиги йўқ — деди.

— Биламан, экинлар ичида энг даромадлиги пахта...

— Лекин меҳнат талаб қилади.

— Ҳа, меҳнат талаб қилади. Гап мана шунда. Пахта хўп сердаромад экину лекин меҳнатни кўп талаб қилади. Агар шу сердаромадлигига меҳнатни оз талаб қилса эди! Ўртоқ Аҳмедов „Иттифоқ“ колхозида ўткан йил бир центнер пахта ўн тўққиз меҳнат кунига тушди дейдилар. Ўн тўққиз меҳнат кунини! Агар шу колхозда бир центнер пахта бир меҳнат кунига тушса қандок бўлар эди? — деди Иброҳимов Сидиқжонга қараб.

Сидиқжон қовунни тез-тез карчлар экан кулди.

— Унда одамларнинг ит'ёлоғи олтидан бўлар эди-ку.

— Ҳа, олтидан бўлиши керак-да, бўлмаса колхозга нима деб кирдянгиз? Колхозчининг топкани қорнию уст-бошидан ортмайдиган бўлса колхоздан нима фойда? Ҳама гап шундаки колхозда бир центнер пахтани бир меҳнат кунига тушириш мумкин; мумкин-гина эмас, партия ва ҳукумат шундай қилмоқчи; шундай қилмоқчи-гина эмас, қилаётипти: Сталинграднинг тракторлари, Чирчиқнинг маданий ўғути, илмга сарф қилинаётган милён-милён пул... Шуларнинг ҳаммаси ўша ўн тўққизни бирга тушириш учун. Мен ҳам шунинг учун яна ўқийман дейман. Колхоз қишлоғига агрономлар, тобора зўр билимдон агрономлар керак бўлаверади.

Ўрмонжон унинг ишлаши, тажриба орттириши ва кейинчалик ўқиши учун зарур бўлган барча имкониятларни туғдиришга тайёр эканини билдирди; сўнгра Капсанчилар қишлоғи ва Қўшчинор колхозининг та'риhini, сунгги бир-икки йил ичида қилинган ишларини, район раҳбарлари, айниқса ўртоқ Аҳмедов Қўшчинорга айрим э'тибор қилишини, колхозчиларнинг келажакга қандай ишонганлиги ва қандай меҳнат қилишини, ниҳоят, бундан беш йил кейинги Капсанчилар қишлоғини ўзи қандай тасаввур қилишини сўзлаб берди.

Сидиқжоннинг бу ерга келишда оламни кўзига тор қилиб турган қайғуси ҳозир, Ўрмонжон одамларнинг қандай кун кўрганлиги, қандай оғир меҳнатларга бардош қилганлиги, бу қат-

тиқчилик ва оғир меҳнатнинг самаралари, келажак ҳаёт, бўлажак қишлоқ ва унинг уйлари, кўчалари, боғ-чорноғлари тўғрисида гапирётганида, кўзига анчайин, жуда тез ўтиб кетадиган бир кўнгилсизликдай кўриниб қолди. У Ўрмонжоннинг галига қулоқ солар экан миясининг бир чеккасида можаронинг бутун оқибатларини бартараф қилиб қўйди: Қўшчинорнинг одамлари мишмишу гийбат блан иши йўқ, ҳар нарсага фикру мулоҳиза блан қарайдиган одамлар; Шарофат бу ерда ҳечкимни уятга қўйгани йўқ, ўзини ўзи уятга қўйди, буни Канизак ҳам, Анзиратхола ҳам билади; бола ҳозирча Баҳрободда ўсади...

Иброҳимов оёғини ёзмакчи бўлиб ўрнидан турди ва айвоннинг пайгасига бориб қорайиб турган қамишзорга ва унинг нариги томонида оқаришиб кўринган дар'ёга қаради. Дар'ёнинг ўртасида чироғ милтиллар эди.

Бироз жи依ликдан сўнг Ўрмонжон чуқур нафас олиб Сидиқжоннинг елкасига қўлини ташлади.

— Ана шунақа гаплар, Сидиқжон, ана шунақа гаплар. Ўн тўққизни бир қилишимиз керак; бир, бир! — деди ва тўсатдан сўраб қолди: — Канизакга узур айттингми?

Сидиқжон унинг юзига бироз қараб турганидан кейин жавоб берди:

— Йўқ...

— Нега? чакки қилибсан, узур айтиш керак эди. У сендан қафа, ҳатто Анзиратхоланинг уйига қайтиб бормакчи эмас, Андрей бола-чақаси блан МТС-га кўчиб кетса ўшанинг уйида турмакчи эди.

Сидиқжон бўшашиб кетти.

— Шундоқми... Андрей кўчиб кетадиган бўлса унинг уйида мен турақолай бўлмасам. Канизак Анзиратхола блан тураверсин. Ёш нарса, ўзи ёлғиз...

— Йўқ, Канизак қайтиб боради. У уй ҳеч қайсингга ҳам тегмайди, уни ўртоқ Иброҳимовга берамиз. Канизак эртага қайтиб боради. У бормасдан бурунроқ узур айтгин. Хотин кишининг кўнгли юмшоқ бўлади, эрақ узур айтса ҳар қандай алам ҳам дарров кўнглидан чиқади.

— Энди бу гап жуда доврақ бўлиб кетар дейман, Ўрмонжон ака?

— Доврақ бўлишга ҳозир ҳам бўлди, лекин ҳамма, айниқса аёллар хотинингни қоралаяпти. Болани ташлаб кетгани ҳамманинг газабини келтирди. Зиёдахон, айтишиб қолган бўлса керак, кузатгани чиқмапти.

Сидиқжоннинг чеҳраси очилиб кетти.

— Болани Баҳрободга қўйиб келсаммикин деган эдим, Ўрмонжон ака.

— Онанггахи? — деди Ўрмонжон ва кулиб юборди. — Жуда эрка ўсган қизболага ўхшайсан: сал бир ғима бўлса дарров она деб қоласан; салгина иситма чиқарсанг ҳам Баҳробод — она, хотининг болангни ташлаб кетса ҳам Баҳробод — она! Ғим айтади сени қаттиқчилик куриб ўсган йигит деб! Онанг бечорага станг-

дан иккита сағир блан қолиб курган кунлари ҳам етади. Ҳн йил онанга қарамабсану энди бола боқиш керак бўлганда Баҳробод — онами? Қўлингдан ёрдам қилиш келганда ёрдам қилишинг керак эди, ҳозирча ёрдам қилалмас экансан ҳеч бўлмаса қўй, бечора-чилигини қилсин.

— Нима қиламан бўлмаса, Анзиратхолага ташлаб қўйиш ҳам инсофдан эмас. Мен у кишидан жуда хижолатда.

— Нега Анзиратхолага ташлаб қўясан? Унинг ҳам иши бор, невараси бор. Боғчага берасан. Мен Марусага тайинлаб қўйдим. Эртадан бошлаб боғчага бер. Ҳар куни ерталаб ишга кетаётганингда элтиб қўясан, қайтишда олиб кетасан. Шундоқ қилсанг ўзингдан бошқа ҳечкимга оғирлиги тушмайди.

Сидиқжон Ўрмонжоннинг олдидан одатдагича таби очилиб, ўзини ҳар ишга қодир ҳис қиладиган бир кайфиятда чиқиб кетди. У биринчи навбатда Канизакга узур айтиш учун йўлакай Андрейнинг уйига томон бурилди. Ертўланинг эшиги очиқ, ичкаридан хотин кишининг дам-бадам кулган товуши эшитилар эди. Сидиқжон орқа томонга ўтиб тепаликга чиқди ва ойна ўрнатилган туйнукдан ичкарига қаради. Канизак чироққа ёнини бериб икки қўллаб калава ушлаб ўтирар, Маруса бу калавадан тўпча ўрар, кимдир Канизакнинг чочини ўрар экан нима тўғридадир шавқ-завқ блан сўзлар эди. Сидиқжон синчиклаб қараб бу хотинни таниди: У Канизакнинг звено бошлиғи бўлишига норози бўлиб Ўрмонжоннинг олдига арзга борган аёллардан бири — дўнгпешана жувон эди. Сидиқжон буни кўриб „ҳа, шу хотинки кўргани келган бўлса Канизак тухматга қолганини ҳамма билар экан“ деб қўйди ва ҳозир унинг олдига киришни лозим кўрмай уйига қараб кетти.

Бола ухлаб қолган. Анзиратхола Сидиқжоннинг бемаҳал юришидан жиндай койиди, кейин боланинг бугун қилган шўхликлари, айтган гаплари тўғрисида кула-кула сўзлади. Унинг юзида ҳечқандай ташвиш ёки норозилик аломати кўринмас, аксинча, харкунгидан хуррамроқ кўринар эди.

— У касофат кетиб қолипти-ку, — деди Сидиқжон унинг қўлидан дастурхонга ўроғлиқ овқатни олаётиб.

— Ҳа, эшиттим, болам, ҳамманинг ла натиға қолди.

— Кимдан эшиттингиз?

— Канизакни кўргани борган эдим, Зиёдахон ўша ерда экан.

— Канизак мендан қаттиқ хафа эмиш...

— Ҳа, хафа бўлган экан, қайтиб бормайман деган экан Зиёдахон уришипти.

— Энди хафа эмасми?

— Билмасам, нукул кулади. Ҳўп кулишдик. Ўзи ҳам жуда қизиқ ишлар бўлди-да, болам.

— Канизак қачон келади?

— Келадиган эди, билмадим... Уяламан дейди. Эртага сен ишга кетганингдан кейин келар-да. Ҳа, болангни сўради, йиғламай ўтириптими дейди. Кун лим алланучук бўлиб кетди. Лудо умрини берсин, хўн жувон-да, боҳоси йўқ жувон!

Сидиқжон бола тўғрисидаги ўзининг аввалги мўлжалини ва Ўрмонжоннинг маслаҳатини айтиб берди. Анзиратхола нима учун Ўрмонжон шундай маслаҳат бергани тўғрисида гапириб боғчага кимларнинг боласи қатнашини, болалар кунни қандай ўтказишини, Маруса болаларга қандай қарашини сўзлаб берди. Сидиқжон бола тўғрисида жуда хотиржам бўлди, шундоқ кўнгли тинчидики Шарофат уни ташлаб кетмакчи бўлганида кўрққанига ва бутун кунни бўйи бу қадар ташвиш тортганига кулгиси қистади. Брок орталаб Анзиратхола кийинтираётганда боланинг ғашлик қилиб йиғлаганини, онасини йўқлаганини кўриб кўнгли бузилиб кетди: назарида боласининг бутун умри бундан кейин мана шу хилда йиғлаш, онасини йўқлаш блан, ўзининг умри эса мана шундай гурбатда ўтадигандай бўлар эди. Унинг кўзига ҳозир йиғлаб ўзини уёқдан-буёққа ташлаётган боладан бошқа ҳеч нарса кўринмас, хаёлига негадир ғарибликдан бошқа ҳеч нарса келмас эди.

У болани кўтариб қизилчойхонанинг муюлишидан ўтганида рўпарадан келаётган Канизакни кўриб қолди. Канизак кўк рўмолни томоғининг тагидан боғлаб олган, қўлида оқ тугун, ерга қараганича жадаллаб келар эди. Сидиқжон тўхтади ва у ўн қадмча яқин келганда.

— Канизакхон! — деди. Канизак бошини кўтариб уни кўрдию секин тўхтади ва яна бошини қўйи солди. — Канизакхон, мендан ҳарқанча ўтган бўлса... ўзингиз кўрдингиз... ҳамма билади... Энди мен сизга нима ҳам дейман... бир ғарибингизман...

Сидиқжоннинг товуши ўзгарди. Канизак унга ер остидан қаради. Тонг қоронғисида унинг юзи оппоқ, чўзиқ ва кўзлари ичига ботиб кеткандай кўринар эди. Бола унинг елкасига бошини қўйиб гиншвр эди. Канизак у блан бу яқин-ўртада гаплашмакчи бўлмаса ҳам унинг ранги-рўйини кўриб ва „ғарибингизман“ деганида ўзгарган товушини эшитиб кўнгли юмшаб кетти-да.

— Қаёққа олиб кетаётипсиз? — деди.

— Боғчага...

— Дўхтурга кўрсаттингизми?

— Йўқ.

— Аввал дўхтур кўриши керак, дўхтур кўриб қоғаз бермаса олмайди. Дўхтур чоршанба кунни келар эмиш.

Канизак шу гапни айттию йўлга тушди. Сидиқжон унинг кетидан қараб қолди. Канизак пастликга тушиб кетаётганида орқасига бир қайрилиб қаради. Сидиқжон болани қайтариб олиб кетти.

Чоршанба кунни Сидиқжон пахта пунктига кеттию болани докторга Канизак олиб бориши керак бўлиб қолди. У болани кўтариб чиқиб кетаётганида Анзиратхолага қараб илжайди.

— Хола, кўрган одам нима дейди...

Анзиратхола кулди.

— Нима дер эди, қизим, сен обормасанг мен оборар эдим... колхозчилик, кемага тушканини жони бир.

(Давоми бор)

М. ГОРЬКИЙ

ҚИЗ ВА ҰЛИМ

1892 йил

(Эртак)

Бу нарсга Гетевнинг «Фаустидан» куч-
лироқ (Муҳаббат Улимни енгади).

И. СТАЛИН

[Эртоқ Сталин Максим Горькийнинг «Қиз ва Ұлим» деган асарини ўқиб ўз таассуротини ўша китоб устига ёзиб қўйган. Бу китоб ҳозир Горький номли музейда сақланмоқда.

Максим Горький «Қиз ва Ұлим» эртакини 1892 йилда ёзди. Аммо уни чор цензураси босишга руҳсат этмаган. Фақатгина 1917 йилда (25 йилдан кейин), бостиришга муваффақ бўлди.

«Қиз ва Ұлим» эртакни дунё адабиётининг ғоятда кучли дурдоналаридан биридир].

1

Қишлоқдан ўтарди жангдан қайтган шоҳ,
Юрагида алам, кек дағдағаси.
Бутазор ичида жаранглар ногоҳ —
Қиз қаҳ-қаҳаси.

Малла қошларини чимириб ёмон
Депсинди подшоҳ отини урди.
Етди қиз устига мисоли бўрон,
Совутлар шарқираб, можаро қурди.
«Эй қиз, — деб бақирди қўпол, — нега сен
Тишингни иржайтиб, қаҳ-қаҳ урасан?
Ғалаба қозонди устимдан душман,
Меним аскарларим ер блан яксон.
Қўпи тушди асир бўлиб ўша дам,

Яна куч йиққали бораман элга.
Подшоҳнинг кулфатда, чекади алам.
Аҳмоқ кулишларнинг керакми менга?*

Очиқ ёқасини тузататуриб
Шоҳга жавоб берар қиз ўша замон.
— „Севгилим-ла бандман, суҳбат, айш қуриб,
Яхшиси — йўлингдан қолма, отахон“.

Севдингни, бас, писанд эмас шоҳлар ҳам,
Шоҳлар-ла суҳбатга ҳеч фурсат қолмас.
Ба'зан севги шундай ёнаркан илдам —
Меҳробдаги шам-да бундай ёнолмас.
Шоҳ ғазаб устида қалтираб кетди,
Содяқ қулларига фармойиш этди:
— „Қани қизни тезда зиндонга ташланг
Ё бўғиб ўлдилинг, қани тез бошланг!“

Шоҳнинг саислари, амалдорлари —
Хўмрайиб, бужмайтиб мақрли юзни,
Қизга ёлишдилар иблис сингари,
Ва ўлим қўлига бердилар қизни.

II

Ёвуз иблисларга доимо Ўлим
Хуш та'зим қиларди, аммо, ўша кун —
Кайфи йўқди, ахир, баҳор пайт-сўлим,
Севги ҳаёт гули ўсар бетиним —
Ўша кампирда ҳам. Зерикар эди у,
Доимо мурдалар бадбўй ҳидламоқ,
Турли касаллар-ла одам йўқ қилув —
Зериктирар ўлим соатин кутмоқ,
Ўлим ҳам лақиллаб юрмоқни истар,
Жонига текканди одамлар доди,
Ўлимни кўрганда қий-чув-фар'ёди.
Жонига текканди мотам-тобутлар.
Жонига текканди бесавоб ишлар.
Ердаги ифлослар, касал, беморлар,
Аммо ўлим билиб ўз ишин қилар.
Одамчи, Ўлимни ортиқча билар,
Бу эса Ўлимнинг жаҳлини қистар.
Аччиғини чиқарар одам подаси,
Ўлим ба'зан олар ёруғ дун'ёдан —
Йўқолур энг азиз одам боласи.
Қарри кампир — Ўлим иблисни севса,
Жаҳаннам ўтида нафас олсайди,
Иблиснинг жингалак олов сочлари —
Дардида йиғласа, севиб ёнсайдди...

III

Қиз Ўлим олдида дадил туради
Даҳшатли зарбани Ўлимдан кутиб.
Ўлимчи ачинди ва ғудурлади:
— „Ешгина қизсанку шоҳга не айтиб,
Уни хафа қилдинг, келди ажалинг,
Азоб еб ўласан етибди галинг“.
— „Аччиғинг келмасин, деди шунда қиз, —
Хафа қилғулик иш этмадим. Куркам —
Кўм-кўк бутазорда ёрла иккимиз,
Биринчи гал бўса оларди эркам.
Айтчи, кўринарми кўзга шоҳ шу вақт?
Нетайки қайтаркан урушдан хуноб.
Шоҳга айтақолдим мен ўша замон,
Яхшиси — йўлингдан қолма, отахон!
Ёмон гап айтмадим шекиллик, аммо,
Илож йўқ бошимга тушди бу бало.
Сендан қочиб, қайга дод деб борардим —
Ўламан шекиллик тарқамай хуммор.
Айланайин Ўлим, сендан сўрардим —
Рухсат қил, ўпишай ёр блан такрор“.
Бу Ўлимга қизиқ туюлди шу дам,
Бундай ўтинч қилмас ҳечким Ўлимга,
Ўйлар: ўпишмоқни тарк қилса одам —
Нетарман дун'ёда, керакман кимга?
Кўклам қуёшининг иссиғида жим,
Суякларин иситиб ўлтирган Ўлим —
Илонга кўз қисиб дер: „Бор ўпишгин;
Тун сеники, тонгда оларман жонинг“.
Тош узра ўтириб кутарди Ўлим.
Чолғусини ялар — заҳарлар илон.
Қиз эса йиғларди шодланганидан.
Ўлим ғудурлаб дер: „Борсангчи шу он!“

IV

Кўклам қуёшида исинган Ўлим,
Эскирган, тўзиган чоригин ечди.
Тошга ёнбошлади, ухлади мал'ун,
Ёмон тушлар кўрди, не ҳоллар кечди.

Гўёки Ўлимнинг отаси Қобил
Ва ўз эвараси Иуда блан
Тоққа тирмашармиш, бемадор Қотил,
Худди ўрмаловчи иккита илон.

Қобил қараб кўкка нурсиз кўзлар-ла —
— „Эй худол“ деб мунгли инграр шу замон.

Ёвуз Иуда ҳам ғамгин сўзлар-ла —
 — „Худо!“ дерди, ердан кўз олмас ҳамон —
 Тоғ бошида, алвон булут устида
 Ўлтирарди худо, ўқирди китоб.
 Юлдуз-ла ёзилган ҳамма бетида,
 Сомон йўли бир бет, кичкина бир боб
 Тоғнинг чўққисида турар Микоил,
 Унинг оқ қўлида бир даста чақмоқ.
 Сайёҳларга сўйлар қаҳрли ва зил:
 — „Кетинг! Қабул қилмас у сизни ҳеч чоқ“
 — „Микоил!“ деб Қобил қилар илтижо:
 — Биламан дун’ёда қилдим зўр гуноҳ,
 Мен ёрқин ҳаётнинг қотилин туғдим
 Мен разил Ўлимнинг отаси, эй-воҳ!“
 — „Микоил! Биламан“ дерди Иуда, —
 Қобилдан ҳам баттар менман гуноҳкор.
 Чунки мен у мал’ун Ўлимга сотдим —
 Худонинг қуёшдай дилини бекор“
 Ялишиб ёлворар ҳар икави ҳам:
 — Микоил! Айтгинки раҳм қилсин у,
 Бир оғиз сўз айтсин, биз учун шу дам,
 Ундан биз кечирим сўрамаймиз-ку.
 Микоил секин дер уларга қараб:
 — Ораунгни худога айтдим мен уч бора
 Жавоб бермади у менга икки гал,
 Энг сўнг деди чайқаб бош парвардигор:
 — „Ҳаётни зир бўғиб турганда ажал,
 Қобил, Иудага бўлмас кечирим,
 Ўлимни абадий енгар бўлса ким,
 Иккисин ўша куч кечирсин майли“.
 Қотил ҳам, Сотқин ҳам, шу чоқ қилди дод.
 Бир-бирин қучоқлаб юмалар тубан —
 Сассиқ бир кўл сари, кўзда ёш, фар’ёд...
 Кўлда эса жинлар, алвасти, шайтон
 Базм қилиб, хуррам, тортишиб ясов,
 Қобил, Иудага тупирар шу он
 Сассиқ кўлдан ботқоқ кўкимтир олов

V

Ўлим туш пайтида уйғониб турди,
 Атрофга қаради — келмабдику қиз.
 Ўлим уйқисираб мингғиллаб дерди:
 — „Озган қиз, тун қисқа бўлдими, эссиз!“
 У, четан ортидан узиб пиستاني
 Ҳамон ҳидлар эди, тўйиб боқарди.
 Қандай қилиб қуёш жонли нури-ла,
 Япроқни зар қилган унга ёқарди.

Күешга қаради Улим ва бирдан
Бошлади ёқимсиз куй билган ердан:

— „Аёв билмас одамлар
Яқин дўстин ўлдирар.
Кўмгандан сўнг куйлашар:
„Жойинг жаннатда бўлсин!“

Тушинмайман ҳеч нима
Золим янчар ва қувар
Бечораларни бўғар
Золим ўлса куйлашар
Айни қўшиқ, айни куй:
— „Жойинг жаннатда бўлсин!“

Яхшими ёки уғри
Балки номусли, тўғри,
Ғамли куйлашар бари:
„Жойинг жаннатда бўлсин“.

Аҳмоқу ҳайвон, подон,
Ўлдираман бе омон,
Лекин куйлашар ҳамон
Айни қўшиқ, айни куй:
„Жойинг жаннатда бўлсин“.

VI

Қўшиғин тугатар, қистар аччиғи,
Кеча, кундуз ўтди, вақт кечди брок
Қиз эса келган йўқ, бу не қилиғи,
Бу ёмон! Ўлимку ҳазилга нўноқ...

Тобора хит бўлиб, бўғарди жаҳли,
Чориг ва жандасин кийди у нотинч.
Ой чиққунча зўрға кутиб, аламли,
Йўлга тушди кузги булутдан қўрқинч.
Бир соатдан кейин кўрди ўрмонда,
Шудринг тушган ёнғоқ тагида гул юз
Атлас майсазорда, ой шу'ласида,
Кўклам парисидай ўтирарди қиз.

Эрта баҳор ери каби яланғоч,
Қизнинг оқ синаси, хаёсиз очиқ,
Ипакдай танида, гул юзида, оч —
Бўсаларнинг изи юлдуздай сочиқ.
Маммалари юлдуздай кўкрагин безар.

Кўзлар ҳам юлдуздай пир-пираб турар,
Осмонга, зангар соч тун сўқмоғига —
Сомон йўлларига тикилиб қарар.
Кўзлар остида кўкимтир халқа
Ёқутдай қип-қизил лабларнинг эти.
Унинг тиззасига қўйиб бошини,
Чарчаган қулундай мудрар йигити.
Ўлим кўрди, қуруқ, бўш чаноғида
Яллуғланган нафрат олови сўнди:
— «Қиз! Худодан қочиб бута тагида —
Яшринган Ҳаввога ўхшабсан, энди».
Ой, юлдузга сероб кўкдай тани-ла
Ёрини Ўлимдан қўруқлаб дер қиз:
— «Тўхта, шовқин солма, ўткир чолғи-ла!
Бечора ёримни қўрқитма шу гез,
Мени сўкма, ҳозир бораман гўрга —
Кираман, ётаман, ёрга тақилма!
Вақтида бормадим айтганинг ерга,
Мен гуноҳкор, ёрга ҳеч жафо қилма.
Ўйладим ўлимга узоқ эмас деб.
Йигитни яна бир қучоқлай-унай.
Ўйладимки: сенинг жаҳлинг чиқмас деб,
Ёрим мени севар уни бир қучай.
Қара, қандай яхши мард ўғил бола.
Кўриб қўй, юзимда, оқ кўкрагимда —
Не излар қолдирди — оловли лола —
Каби ўсар улар, шод юрагим-да.
Ўлим ҳаё қилиб куларди секин:
— Тўғри, ўпишибсан қуёш-ла, лекин, —
Ўзинг ўйлаб кўргин, сен битта эмас,
Мингларни ўлдирмоқ керак, вақт кутмас,
Иш кўпу вақт оз, қарридим энди —
Мен вақтга содиқ қиламан хизмат.
Ҳар бир минут учун куяман, бўлди —
Қани қиз тайёрлан, бас келди фурсат».

Қиз деди: — Ёр мени қучоқлаган найт —
На ер ва на осмон кўзга кўринар.
Дилга ҳам тўлади самовий қувват,
Дилда ҳам самовий нурлар мавж урар,
Тақдирнинг олдида кўрқмоқлик ҳам йўқ.
На худо, на одам бўлмайти даркор,
Шодлик бола каби шодланар ўзи,
Севги ҳам севгидан шундай миннатдор».
Ўлим тек ўйланиб қолди жиддироқ
Кўрди — қиз қўшиғи осон тугалмас.
Дун'ёда қуёшдан гўзал худо йўқ
Ва севги ўтидан гўзал ўт бўлмас.

Ўлим жим туради, қизнинг сўзлари
 Эритади ҳасад ўти суягин.
 Уни элтар гоҳ ўт, гоҳо муз сари,
 Жаҳонга не берар Ўлим юраги?
 Ўлим она эмас, ва лекин хотин,
 Унинг ҳам ақлидан юраги устун,
 Бордир Ўлимнинг ҳам шум юрагида
 Ҳам шафқат, ҳам нафрат, ҳам куртаги-да.

Ўлим кимни яхши кўрса ўшанга —
 Сукунатнинг улуғ наш'асин сўйлар —
 Ким дардида ёниб куйса ўшанга
 Меҳрла тунлари ўшанга куйлар...
 Ўлим деди: „Бўлсин му'жиза, майли!
 Сени улдирмайман. Яшайбер, яшай!
 Фақат, сен-ла бирга, сен бор туфайли —
 Севгининг ёнида бўлғум ҳамишай!“
 Шу палладан бошлаб бу кунга қадар,
 Севги Ўлим блан опа-сингилдай —
 Севгининг кетидан ажралмай юрар,
 Ўткир чолғи судраб, худди совчидай.
 Синглиси Муҳаббат сеҳрлагандай
 У блан ҳар ерда ўтказар вақтин,
 Тўю, азада ҳам, тузар ҳеч толмай
 Севгининг шодлигин ва Ҳаёт бахтин.

Ж. ШАРИФИЙ таржумаси.

ПАРДА ТУРСУН
ҲАҚ ИЎЛ*

(Повесть)

XVIII

Кунлардан бир кун районга борадиган катта йулда икки отлик пайдо бўлди.

Сийрак оқ булут орқасидан хираланиб кўринган қуёш ботаётган пайтда отлиқлар қишлоққа кияриб келиб, гузар ўртасида гўхтадилар ва ўзларини қуршаб олган одамлардан оқсоқолни сўрадилар. Меҳмонлар отдан тушиб, шу ерда турган йигитлар отларни боғлаш учун правления саройига олиб кириб кетган пайтда, Тожибой оқсоқол харсиллаб етиб келди. Икки қўлини баравар чўзиб меҳмонлар билан кўришди...

— Қани, буёққа ўртоқ Тўқсонов! — дегач, оқсоқол ўзи олдинга тушиб йўл бошлади.

Абдурасул, Тожибойнинг меҳмонларни кўп хушомад қилиб ўз ҳовлисига бошлаганини кўриб: „Оқсоқол мени хўп чақадигал оғулди, буларга!“ — деган фикрда кўнгли ғаш бўлди ва оқсоқол билан аразлашиб қолгани туфайли меҳмонлар орқасидан бормай кўчада қолаберди.

Бирнеча минутдан кейин оқсоқол яна гузарда пайдо бўлди, халқни гузарга тўплаш учун ҳар томонга одамлар юборди, ўзи яна меҳмонлар олдига шошилди.

Тўқсонов шу район ижроия кўмитасининг янги раиси бўлиб, қандайдир сабаблар билан ишдан олинган эски раис ўрнида иш бошлаганга ниҳоят икки кунгина бўлган ва ҳали бирор иш билан ўзини кўпчиликка танитиб улгирган эмас эди.

Вакиллар икки соат ҳордиқ чиқаришдан кейин, кўчага чиқдилар.

Тўқсонов, одамларни оралаб бориб правленияга кирди ва дарҳол Абдурасулни ўз ҳузурига чақиртирди. Унга, худди жиноятчига қарагандек хўмрайиб туриб дўқ қилди:

— Бу ерда колхоз тузишни сизга ким буюрди?

* Боши ўткан сонларда

— Ҳечким, — деди Абдурасул тамшаниб, — колхозни меҳнаткаш камбағаллар ўзлари хоҳлаб тузишди. Райком блан келишилган.

— Шошгансиз, ҳовлиққансиз... Натижада бутун ишни расво қилгансиз!... Бунинг учун сизни жавобгарликка тортдираман! — деди Тўқсонов ва ўрнидан туриб эшикка томон юрди. Абдурасул бўлса огзини очдию, гашираолмай қолаберди.

Тожибой унинг орқасидан эшикка чиқаётиб, худди қовоқ аридай гўнғирлаб та'на қилди:

— Кўп ҳовлиқманглар, шошманглар, „шошган қиз эрга ёлчмайди“ деб кўп ўргатдим буларга!..

Тўқсонов скамейкага ўтирди.

— Ҳалиги муаллимингиз қаёқда, оқсоқол, чақиртиринг уни бу ёққа! — деди у қаттиқ ва қўпол товуш блан.

— Хўп! — деди Тожибой ва уни чақириб келишни кимгадир буюрди.

Тўқсонов гўё бир кўришда ҳаммани синаб оладигандай йўғинни кўздан кечирди-да сўради:

— Советингиз бўйича неча хўжалик, оқсоқол?

— Уч юз эллик беш хўжалик, — деб Тожибой учун Алимқул жавоб берди.

— Қани рўйхатингиз!

— Обший рўйхатми? Мана обший рўйхат! — деди Алимқул, ва унинг олдига рўйхатни ёйди.

Тўқсонов рўйхат устига энди эгилган эдики, Холмурод етиб келди. Тожибой Тўқсоновга унинг келганини ишора қилди:

— Ҳа, сизми ҳали, муаллим? — деди Тўқсонов.

Холмурод Тожибойнинг бу кишига чақимчилик блан мурод ҳосил қилганини дарров фаҳмлади. Чунки у ўзининг бир ёқдан Абдурасул блан иноқлиги, иккинчи ёқдан Гулсумга майли борлиги туфайли оқсоқолнинг кўп жиғига тегиб юрганини яхши сезар эди. Тўқсонов блан кўришишга жур'ат ҳам қилалмай қолди.

— Ҳа, мен? — деди у.

— Нега чақирганда келмайсиз, ё сизга автомобиль юбориш керакми?

— Дарсни ташлаб чиқаолмадим!

— Бу киши шунақа, ўртоқ Тўқсонов, — деб тунғиллади Тожибой. — Илмим бор, кадрман деб бизниям назарга илмайди.

— Бунақа илмлик кадрларни йиғиштириб олиб бориб тиқиб қўйиш керак! — деди Тўқсонов ва ғазаб блан одамларни кўздан кечирди.

Холмурод тик тураверди, иссиқ қон унинг бошига югуриб, қизариб кетди. Аччиғи келиб сўради:

— Нима гап экан ўзи? Мен тушунмай ётибман. Хўш, мен нима гуноҳ қилибман?

Тўқсонов, бундай қаттиқ талабни сра кутмаган бўлса керак, бироз шаштидан тушди, кўзларини столдан олмай:

— Мана бу ерга ўтиринг, сиз блан кейин гаплашамиз, — деди:

Холмурод нимадир тўнғиллаб стулга ўтирди. Одамлар орасдан кулги эшитилди.

Тўқсонов гўё бир нарса чаққандай талвасада қолиб тўлғонди, кўзларини олайтириб Холмуродга ўқрайди. Сўнгра бурилиб Тожибойга қаради ва гўё бошқача гап тополмагандай сўради.

— Халқ, ҳаммаси йиғилиб бўлдимиз?

— Ҳаммаси, — деб рапорт берди Тожибой.

Тожибой мажлисни очди ва президиум сайлашни эсига ҳам келтирмай кўриладиган масалани э'лон қилди:

— Масала битта, аммо муҳим: „Колхоз тузиш“ ҳақида. Бу ҳақда доклад учун сўз ўртоқ Тўқсоновга!

Докладчи ўрнидан тез кўтарилди ва „Ўртоқлар!“ деб сўз бошлаб, мамлакатдаги ютуқлар ҳақида, партия ва совет ҳукуматининг тўғри сиёсати ҳақида кўпчиликнинг кўнглини хуш қиладиган гапларни тизиб кетди. Брок, гап колхознинг қандай бўлиши ва қандай бўлмаслиги масаласига келиб тақалганда (бу орада у, ўзбошимчалик блан нотўғри колхоз тузган, деб Абдурасулни сўз блан яна бир дўппослаб олди), жамоатнинг авзойи бирдан ўзгарди: ба'зиларнинг пешонаси тиришиб, кўзлари олайиб кетди, ба'зиларнинг қовоқлари осилиб, афти-ангори буришди, лаблари тўрсайди.

Халойиқ, бир нафасда худди шамол оралаган мажажўхори паядай шовуллади. Ола-ғовурдан ҳархил гаплар чиқабошлади.

Тўқсонов говур-ғувурдан гапиролмай қолди. Тожибой йиғинни тинчитолмай қичқира-қичқира бўғилди. Унинг бутун куйиб-пишиб қилган ҳаракатига қарши ҳар томондан „савол-савол“ деган товушлари эшитила берди.

— Тўхтанглар, азбаройи худо, битталарингга жавоб берсин, ахир! — деб қичқирди Тожибой.

Тўқсоновнинг кўзлари косасидан чиқди, ғазабдан титроққа келди, овозининг борича қичқирди.

— Ким гапирди, ким дейман?

Зокирхўжа қассобнинг ёнида бошига эски қизил белбоғини салла қилган, чақчайган кўзли бир кимса йиғиннинг олдига томон интилди. Бу киши Зокир қассобнинг укаси Болтахўжа деган бўлиб, хотинини ўлдириб камалган ва нечукдир, муддати тўлмай қутилиб келган эди. Давлатёрнинг бу киши тўғрисидаги ҳикоясини эслаб Холмуроднинг бадани жимирашди. У, „хотинининг ўн икки жойига пичоқ урган“ деган эди.

Болтахўжа кўкрагини очиб ўртага чиқди.

— Мен гапирдим, мана мен, нима қилмоқчисан? Қиладиганингни қилиб қўяқол! — деди у кўкрагига муштлаб.

Орқа томондан кимнингдир овози эшитилди:

— Эй, хотинини ўлдирган номард! Нега кўкрагингни яланғочлаб қолдинг?!

— Мана мен, — деди Болтахўжа.

Тўқсонов орқасида кўкқайиб ўзини кўрсатиш учун аллақачондан бери буйруқ кутиб турган Дадабойга жекирди:

— Олинг! Нимага қараб турибсиз!

Зокирхўжа қассоб йиғиндан талпиниб чиқиб Дадабойнинг олдини тўсди:

— Эй, кечагина авоқдан чиқиб келган одамни яна нима қилмоқчисизлар, ие, бу нимаси... Аста'фурулло!..

Дадабой қалтираган қўли блан тўппончасини қинидан чиқарди:

— Қани чиқ иккавинг ҳам буёққа!

— Чиқмайман, — деб ўшқирди Зокирхўжа қассоб, — Чиқмайман, колхоз ҳам бўлмайман. Молимни ҳам бермайман. Мана мени отасанми, Отсанг-от!

Дадабой булар блан овора бўлган вақтда йиғиндаги олағовур одамлардан иккитаси бир-бири блан муштлашиб кетди. Улардан бириси Болтахўжанинг қариндошларидан бўлиб ёнида турган йиғитнинг „хотинини ўлдирган номард“ деб қичқирганига орияти келиб олишиб кетибди. Икки одам ўртасида чиққан муштлаш, қўзишиб турган одамларга баҳона бўлди. Жанжал бир нафасда тарафкашликка айланиб жиққама-жиққа солишганлар кўпайиб кетди.

Тожибойнинг қанча қичқирғи ҳам, дўқ ва пўписаси ҳам кор қўлмади. Тўс-тўпалон муштлаш зўраяборди. Бундай аҳволда мажлис ўз-ўзидан ёпилди. Абдурасул, Олимкул ва бошқа активлар ҳай-ҳайлаб юриб, муштлашганларни ажратиб қўйишга киришдилар. Холмурод Олахўжанинг ўғли Ма'муржон блан бўғишиб турган Давлатёрни зўрға ажратиб олди.

— Қўйинг! Бундан нима чиқади, — деди Холмурод.

— Бунинг гапини қаранг: пешонасига мушук ҳам битмаган сёндақа қашшоқлардан бошқа ким колхоз бўлгиси келади, дейди-я қиззиғар. Сиз қўй демаганингизда оғзи-бурнини даб-дала қилиб, бир аламдан чиқай деган эдим. Азалдан кўп ёғнимга тегиб юрган эди, ўзи...

— Қўйинг, бунинг фойдаси йўқ, — деди Холмурод.

Тўқсонов бирнеча дўқ уриш блан ҳаммани ўзига бўйсундириб бутун кишиларни ёппасига колхозлаштириб ва шу туфайли обрўй ҳам ортдириб кетмоқчи эди. Иш чиқмади. Унинг асоссизравишда „Жамий хусусий мулкни умумлаштириш деган гап“ колхозга шубҳа блан қаровчиларнинггина ўтакасини ёриб қолмади, балки колхоз тарафдорларининг ҳам жиғига тегди. Энди у обрўй ортдириш бир ёқда турсин, „ур, ўлдир!“ каби товушларни эшитганда, рангидан қони қочиб, ўз жонини ҳар нарсадан ширин фаҳмлаб қолди. Тожибой оқсоқол блан милиционер Дадабойнинг ўртасида маҳкамага жўнади.

Юсуфали ота яланг оёқ ирғишлаб келиб, Тўқсоновнинг олдида тўхтади. Қўлини кўкрагига босиб, йиғлагиси келган кишидай куйиниб мурожаат қилди:

— Раҳбар ака, худо ҳақи, тушунолмайман? Ўзингиз айтингчи, ахир: бу елкаси офтоб кўрмаган, кетман сопини ушламаган номардлар колхозда нима иш қилиб беради? Худо ҳақи, ўзингиз инсоф блан айтингчи... ҳеч тушунолмай қолдим... Ё тепамизда гаврон кўтариб турадим булар?

Тўқсонон унинг ўзига ҳам, сўзига ҳам э'тибор қилмай, қули-ни силкиди, маҳкамага кирди. У, бу ерда бироз ором олмоқчи эди. Деразадан ҳамон давом этмоқда бўлган тўналонни кўриб, яна насвасага тушди, бу қишлоқда бир нафас туриш ҳам хавфли кўринди. Тожибойга буюрди:

— Айтнинг, отларни олиб чиқсин!

Бироздан кейин Тўқсонон блан Дадабой отга миниб рай-онга жўнашди.

XIX

Муштлан бостирилган бўлса ҳам одамлар тарқалмай, олағо-вўр давом этаберди. Шовқинлар орасида Олахўжа блан Зокир-хўжа қассобнинг хуноб бўлиб қилган дағ-дағаси айрим эшитил-моқда. Улар колхозга қарши ҳархил аччиқ-чучук сўзларни ва'з қилишга пайтни қулай топган ва ўз фикрларини тарқалинмай турган одамларга зўр бериб ма'қуллар эдилар.

Холмурод кўчадаги ола-ғовурдан боши айланаётгандай бўлиб ва юз берган бу хунук ҳодиса учун ўзини айбдордек ҳис қилиб кижолат пчида ҳовлига қайтди. У, бу ҳовлида тура бошлаганидан бери бутун „иссиқ-совуғини“, ҳовли эгаси, жонкуяр аёл Ойим-хон опаникида ўтқазиб келар эди. У, Ойимхон опага „Онажон“ деб муомала қилар, у ҳам, бунини „ўғлим“ дерди ва гап орасида „отам!“, „отажоним!“ деб қўярди. Овқат маҳалларида ҳеч тамом бўлмайдиган гаплар блан Холмуродни овунтириб ўтиради.

Ойимхон опа Қамишқападаги аёллар орасидан биричи мартаба совет жамоат ишларига аралашган, район ва ҳатто Тошкентда чақирилган қурултойларга делегат ҳам бўлиб борган. Шунинг учун ҳам у, Холмурод олди-да ўзининг совет ҳукуматидан мин-натдорлигини айтиб тугатаолмайди. Агар у ўтмиш ҳақида гапирса кўзлари ёшланмай қолмайди. Холмурод бир куни „қўйинг, йиғла-манг!“ — деб уни овунтирмоқчи бўлган эди, у бунга шундай деб жавоб берди:

— Бу советнинг мазлум парварлигини, етим-есирларга, оч-яланғочларга қилган ҳимматини ўйлаб туриб ўзимни тутаолмай-ман. Кўзларимдан мўлт-мўлт ёшим чиқиб кетади. Ҳукумат ҳам шундай мазлум парвар, шундай одил бўлар экан-а...

Ойимхон опага аёллар ўзларини жуда яқин ҳис қилардилар, аёллар у чақирган ерга борадилар. У, нима деса жон-дил блан тинглашади. Унинг уйига доим қидириб келиб турадилар. Ундан маслаҳат оладилар, ақл ўрганадилар, ҳасратлашадилар.

Холмурод, бугун паршон бир ҳолда ҳовли эшигидан кириш блан айвон ва айвон олди ҳовли саҳнини тўлдиришиб ўтирган турли кишим ва қиёфадаги аёлларни кўриб, ўзининг бехосдан кириб қолганига анча безовта бўлди. Ойимхон опа уларнинг ўр-тасига ўтириб олиб гапирмоқда эди: „Совет ҳукуматида зўрлик, қўрқитиш йўқ. Раҳбарнинг ўзидан ўтди. Одамларга тўппонча ўқталишга нима бор? Партия уни шундай зўрлик блан колхоз туз, деб юборибдинми?.. Ҳеч... Тағин ҳам одамларда инсоф бор...“

У, Холмуродни кўриб, гапини тўхтатди-да ўрнидан турди. Бошқа аёллар ҳам ўринларидан қўзғалишиб, муаллимдан ҳол ахвол сўрашди.

Холмурод неча мартаба кўрса ҳам исмини ва кимлигини билмай диган, лекин юзидаги майда сепкили блан таниш бўлган ўрта ёшлардаги аёл кулиб туриб айтди:

— Энди, бизни қачон ўқитасиз, афандим, ё бизнинг ҳали ҳам ҳаққимиз йўқми?

Холмурод ундан кўчадаги воқиа тўғрисида бирар савол кутиб нима деб жавоб бериш ташвишида эди. Бу кутилмаган саволдан мамнун бўлиб, жавоб ўрнида сўради:

— Ким сизларни ҳаққи йўқ дейди? Албатта, ўқишга ҳамма нақт ҳаққингиз бор! Нега, ахир ўқишга бормайсизлар, ўзларингиз?

Аёллар баравар кулишиб:

— Вой, айланай, эркаклар орасида қандай ўқиймиз! Бизни ҳазил-мазақ қилиб кўярмиди? — дейишди.

— Ҳа, буни ўйлаб кўриш керак экан! — деди Холмурод.

— Ҳай, ичкари кириб, айланай, кираверинг! — деди Ойимхон опа.

Холмурод айвон чети блан ўтиб бораётди. „Нега у кўриб майди“ деган фикрда ёни-верига кўз югуртди. Гулсумни шу топда жуда кўргиси келди. Уни қанча вақтдан бери кўрмаганга ўхшади. У салгина бўш қолса, ё кўнгли бирор воқиядан озор топса, унинг хаёли дарров Гулсумга кетар, сой бўйида момақалди роқ бўлиб турганда ўпганини эсга олиб, яна шундай бўлишини кўмсар эди. Гулсум ўша куни ўзининг нозик бели, кўкраги, ширин лаблари, иссиқ нафаси блан Холмуроднинг вужудида ҳеч эсдан чиқмас, жуда та’сирли ва жуда лазиз бир хотира қолдирган эди.

Аёллар тарқала бошлашди. Холмурод ичкари кириб курсида ўтирди. Ҳали ҳам унинг кўз олдида Тўқсоновнинг ўқрайган баъшараси тургандек, қулоқларига эса, унинг сердўқ товуши эшитилаётгандек эди. „Мунча кўпол, қаёқда та’лим олган одам ўзи?“, „Ойимхон опа тўғри айтади: у одам ўзининг кўполлиги пўписаси блан халқни хафа қилди. Натижада мана бундай тўпалон чиқди“ деб фикрдан кечирди. Кўп ўтираолмай яна ирғиб ўрнидан турди. Кўчага чиқди.

Кўёш қизил шафақларга ўралиб ботар, кўчадаги ола-ғовур ҳам эшитилмай қолган эди.

Кўчадаги ола-ғовурнинг тиниб қолишига сабаб шундай бўлди. Фақат ярим соатгина бурун ола-ғовур давом этиб турган пайтда райком Мавлонов гузарга кириб келди.

Мавлонов совет идорасида, қишлоқнинг бир-бири блан муросаси чиқишмай қолган икки обрўйли — Тожибой блан Абдурасулни идора столининг икки томонига ўтқазиб қўйиб, юз берган воқиянинг тафсилатини суриштираётган пайтда Холмурод кириб келди. У блан чаққон кўришиб, сўнг дераза олдида ўтиб ўтирди.

Мавлонов дам оқсоқолга, дам Абдурасулга воқиянинг қандай бўлгани, ким нима дегани, кимлар муштлашгани тўғриларида

устма-уст саволлар берди. Уларнинг жавобларини, зўр диққат блан тинглади. Кейин бошини кўтариб, Абдурасулга тикилди. Уни, омма орасида пухта иш олиб бормаи, бундай хунук аҳволнинг юз беришига йўл қўйганликда айблади. Сўнгра кўзини олайтириб оқсоқолга қаради ва заҳарини сочабошлади:

— Сизнинг ишингиз ҳаммавақт шунақа, оқсоқол. Бу нима тамоша? Нима машмаша? Қани менга бир тушунтириб берингчи! Бундан ниманинг ҳиди келади?..

Тожибой жавоб тополмай тамшанди:

— Тўқсонов... ўртоқ Тўқсонов... — деди.

— Э, Тўқсоновни қўйинг, мен Тўқсоновни билмайман. Тўқсонов районга кеча келган одам. Мен сизни биламан... Сизнинг қишлоғингизда яширин мажлисда бўлган гап ётларнинг қўлоғига етиб турса, ётлар кўчада ғалва кўтариб активларга ҳужум қилса, бунга ким жавоб беради? Тўқсоновми? Сизнинг қўл остингизда қўй терисига бекиниб юрган босмачи бир колхоз активини ўлдириб қочиб кетса, бунга ким жавобгар? Тўқсоновми? Йўқ! Менга сиз жавоб берасиз! Ҳа, оқсоқол, билиб қўйинг, сиз!..

Оқсоқол миқ этмай бошини эгиб қолди. Мовлонов кўзларини эшик томонга тикиб, қандайдир фикр ичида бир нафас индамай турди-да, сўнгра тез Холмуродга ўгирилди. „Оббо, худо урди, сўкиш эшитмоқ навбати энди менга келди“ деган фикр Холмуроднинг кўнглидан ўтди.

— Хўш, дўстим, — деди Мовлонов кулимсираб.

Холмурод унинг овози ва кулимсирашида ёмонлик аломати йўқлигини сезиб енгил тортди.

— Ҳали бизда, ўзлари ҳуш'ёрлик тўғрисида оғиз кўпиртирсалар ҳам дўст блан душманни бир-биридан ажратаолмайдиган одамлар кўп. Босмачининг сирини очишда сиз ташаббус кўрсатган экансиз, бу ана шундай кўрларнинг ҳаммасига ҳасса бўладиган иш... лекин... лекин... афсуски — деб Мовлонов уҳ тортди. Тожибойга яна бир қараб олиб, жаҳл блан ўрнидан турди.

У, яна қаёққадир шошилмоқда эди. Абдурасул саройдан отни олиб чиқди. Мовлонов, отга миниш олдидан унга ҳозирги пайтнинг жуда кескинлигини, партия йўлини бузиш учун душман ҳечнарсдан тоймаслигини, шунинг учун камбағал, ўрта ҳол деҳқонларни душманга қарши маҳкам уюшган куч қилиб қўйиш зарурлигини уқтирди.

— Тўқсонов бизнинг колхозни бекор қилиб кетди-ку. Энди иш нима бўлади? — деб сўради Абдурасул.

Мовлонов қамчи тутган қўлини силтаб жавоб берди.

— Ҳеч парво қилманг. Ишни давом этдираберинг. Колхоз учун мен жавобгар!

Отга минди ва уёқ-буёққа қараб олиб, от устидан эгилди-да, пичирлаб сўради:

— Ҳалиги газандани қидираётибсизларми? Ҳеч шарпаси эшитилай дейдими?

— Ҳа астайидил қидиртираётибман, — деди Абдурасул.

— Ҳа, бундай пайтларда газандаларга жон киради-я, уни тезроқ тутиш керак, ахир!..

XX

Холмурод пешинда мактабдан қайтиб, бораётиб совет олдида Тожибойнинг қора чарим тун кийган бир шапкалик одам блан сузлашаётганини кўрди-да, дарҳол унинг кўнглидан „бу ким бўлди экан“ деган хаёл кечди. Қўлларини ҳархил мақомга солиб нимадир уқтирмақда бўлган Тожибой, Холмуродни кўриб чақирди:

— Ҳой, домла, бу ёққа!

Холмурод уларнинг олдига борди ва Тожибойнинг гунглардек қўл ҳаракати блан „моя-твоя“ қилиб русча гаплашаётганини эшитиб ҳайрон бўлди.

— Қани, бу блан бир гужурлашиб кўрингчи! Ким экан, қаердан келибди бу?

У Холмуроднинг қўлини маҳкам сиқиб кўришар экан:

— Алексей Михайлов — деб ўзини танитди ва сўради: — Сиз муаллим бўласизми?

— Шундай.

— Мен райкомдан чиқдим. Бу ерда колхоз тузишда бўлган ҳангомадан хабарингиз борми?

— Ҳа, бор! Бу ерда Тўқсонов деган келиб даг-дага қилиб одамларни кўрқитиб кетди, халос, — деди, Холмурод ва қувониб атрофига қаради.

— У бунинг учун тегишли жазосини олмай қолмайди. Масаласи муҳокамага қўйилган, — деди Алексей. — Биз бу ерда сиз блан тушинтириш ишлари олиб бориб, ўша Тўқсонов бузиб кетган ишларни тездан тузатишимиз керак. Бизнинг вазифамиз колхозни тиклаш...

Ҳечнарсанга англай олмай ёш бола каби шубҳали назар блан гўлайтиб, дам руснинг, дам Холмуроднинг оғзига қараб турган Тожибой сўради:

— Нима дейди? Нима иш блан келибди? „Колхоз“, „Тўқсонов“ дейдими?

— Ҳа, совет ишига ёрдамлашар экан!

Тожибой ажабланди:

— Худоё тавба! Қандай қилиб менга ёрдамлашар экан! Ким юборибди ўзини? Қаердан келибди? Райкомда бундақа одам теги йўқ эдию... бир сўрангчи!..

Холмурод Алексейнинг тўла жавобини олиб, оқсоқолга, гаранга гапираётгандай тушинтирди:

— Москвадан келибди. Йигирма беш мингчи ишчилардан экан!

Абдурасул бутунлай ёйилиб илжайганича келиб янги рақбарга қўлини чўзди.

Холмурод унинг ўзи блан биринчи мартаба гапхонада кўришганида ҳам шундай самиймий кулиб кўришганини эслади.

Бир жонда бир нарсанинг ҳиди чиқса бир пастда қишлоқнинг у бошидан бу бошига тарқала қолади. Олахўжа ўғли Ма'муржонни Мамасайднинг қизи Ойношшага уйлантирмоқчи бўлгани тўғрисида аллақачонлардан бери одамлар оғзида гап юрар эди.

Фотиҳа ҳақиқатан ўқилган, ноҳ ушатишган, лекин жаллоб блан аллоб ўртасида, энди, ба'зи бир чакана, олди-берди жан-жаллари қолган эди.

Катта қизини икки мартаба сотиб еб, ундан сўнг ота етим бўлиб қолган жияни Гулсумни ҳам бир карра пуллаб мазахўрак бўлиб қолган Мамасайд пишиқликда ва қуримсоқликда ҳечкимни олдига туширмас эди. У Олахўжанинг биринчи келишида тўй харажатида бўлак йигирма минг сўм сўради. Олахўжа „ўн минг“ қилди. Мамасайд бошини чайқади. Олахўжа қўл силтаб қайтиб кетди. Орадан уч кун ўтказиб яна келди ва уч минг ошди. Мамасайд беш минг тушди. Олахўжа яна қайтиб кетди ва бир ҳафтадан кейин келди. Бир минг ошди. Мамасайд: „Сигир эмас сути йўқ, ўғил эмас кучи йўқ. Энди беш-олти кунлик ош-қатиққа нафи тегмаса нима деб ўстирдим буни?“ — дедида оёғини ерга тираб туриб олди. Олахўжа яна қайтиб кетди ва шу бўйича келмай қўйди. Мамасайд энди хавфда қолди. Шундай замонда унинг қизига ўн беш минг берадиган „бели бақувват“ топилармикан? Яна бир гап ташласа бир-икки минг пастга тушадиган, кўнса-кўнди, кўнмаса „бор барака топ“ қилиб юборадиган бўлди. „Қулоқларнинг мол-мулки колхозга олинар эмиш“ деган гаплардан кейин Мамасайд Олахўжадан ҳам ортиқроқ васвасага тушди. Бордию Олахўжадек „бели бақувватлар“ йўқ бўлиб кетса, у қизини кимга сота олади? Ким унга минг сўм бераолади? Ўзи бориб Олахўжага „Сизнинг айтганингизоқ бўлсин!“ деб қўяқолай деса „қизи борнинг нози бор“ деган жиндак орийат йўлини тўсди.

Олахўжа Мамасайднинг олдига биринчи келишдан кейин қайтиб келмаган, фотиҳани бузган бўлар эди. У сўнгги келишдан кейин ўғлини бошқа бировга кўндираман деб кўп уринди. Вақт бекор кетди. Ҳечнарсга чиқара олмади. Толтанглаб ўсган арзанда: „Онам хотиним бўлсин, ўшандан бошқани олмайман!“ деб туриб олди.

Энди бутун мамлакат бўйлаб кўтарилган колхоз тўлқини Олахўжани шошириб қўйди. Ундан қутилиш йўқлигига ақли етди. Ўғлини тезроқ уйлантириб, ўзини қулоқ хўжалиги қилиб турган мол-мулкнинг ярмини унга бўлиб бериб, шу блан қулоқликдан қутилиб „ўрта“ деҳқон рўйхатига кириб олишни мўлжал қилди. Масалан, беш ҳўкиздан бир қўшни, боғли ерларнинг ярмини ўғлига ажратса, унинг юки анча камаяди. Абжувоэ бўлса, майли, бир гап бўлар. Тоғдаги ошналарига бўлиб ташланган молларнинг бўлса боши омон бўлсин, билган билади, билмаган йўқ...

Мамасайд оиласи блан энди кечки овқатга ўтирган эдики

ҳовлидан Олахўжанинг овози эшитилди. Мамасайд ўрнидан иргиб туриб унинг қаршисига югурди.

Ойпошша, Олахўжанинг овози эшитилиши замон ит қувлаган мушукдай бошқа уйга қочиб чиқди. Уни ўринли-ўринсиз ссмондаги ой блан тенглаштириб кеккаядиган чечан онаси Ўлмасойим меҳмонга кўрпача тўшади.

Олахўжа дастурхон тепасига ўтирди. Қўлларини ёйиб фотиҳа ўқиди.

Ўлмасойим эшик орқасида юзини бекитиб туриб хушомад қилди.

— Хуш келибсиз қуда!

Олахўжа жавоб беришдан олдин бир „ух“ тортиб олди ва кейин дам Мамасайдга, дам эшик олдидаги Ўлмасойимга қараб айтди:

— Энди ўйлаб турадиган замон қолмади, қуда, ўғил блан қизнинг бошини қўшайликда, бу дун'ёнинг қарзидан қутулайлик. Сиз ҳам, энди, оёғингизни ерга тираб туриб олманг, бироз инсофга келинг. „Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ“ деганлар...

Мамасайд жавоб берди:

— Хайр, нима қиламиз энди, тақдир битишган бўлса... Қўшақарисин!..

Олахўжа Мамасайднинг кутилмаган равишда, инсофга келганидан хурсанд бўлди.

— Мана энди ўзингизга келдингиз, — деди у, — агар тирик бўлсак яхшилик қочиб кутилмайди. Пешанамга битган беш-олти-та мол туфайлидан Олахўжа эмас, Олабўжи бўлиб турибман. Ниятим шу молдан уч-тўрттасини ажратиб бериб, ўғлимнинг уй-жойини бўлак қилиб қўйиш. Қани кейин нима бўлар ёканмиз? Яна қулоқми ё бошқами?..

— Колхозиям шу блан бости-бости бўлиб кетар, худо хоҳласа, — деди Мамасайд.

— Ақлим етмайди, қуда. Бу сиз блан менинг ақлимиз блан бўладиган иш эмас, — деди ва секин овоз блан бўғилиб ўқтирди:— бугун Москвадан бир рус келибди. Тамошага келмаган бўлса керак албатта, ҳа!

Олахўжа Мамасайд блан гапни бир жойга қўйиб, жўнаш олдидан унинг қўлига, „аванс“ тариқасида беш минг сўм босиб қайтди. Ҳар икки томон ҳам шу бугундан бошлаб тўй тараддудини кўрадиган бўлдилар.

— Ойпошша қаршидаги қоронги уйга кириб олиб кўз ёши блан юзини ювар, унинг бўғиқ ва изтирсбли йиғи-фигони эшитилар эди.

— Ҳа, йиғламай кўзинг тешилсин! — деди Ўлмасойим, — илгариги замон бўлса бундай хўжабўйлар сендай „ўртанинг“ қизини ўғлига олиб беришга ор қилар эди. Энди замони келиб, ўз оёғи блан эшигинга келиб ўтирсаю, яна ноз қилганинг қолдими?!

— Бой бўлмақ тугил худо бўлсин, мен унинг ўғлига тегмайман! — деди Ойпошша кўз ёши блан бўғилиб.

Мамасайд тўрга чиқиб чордона қурди ва лабларини номоз

уқигандагидай пичирлатиб пулларни астайидил икки-уч санагандан кейин ҳамёнга жойлади. Сунгра гурур овоз блан чақирди:

— Ойпошша кел буёққа!

Отанинг оиладаги ҳукмрон товуши қизнинг қўрқоқ юрагига даҳшат солди. У, терак япроғидай қалтиради. Рўмолини кўзининг устига тушириб секингина ота олдига борди!..

— Утир! — деди ота ўшандай ваҳшатли товуш блан.

Қиз утирди.

— Нима, ўлгинг келиб юрибдими? Агар ўлгинг келмаса эртага азонда районга жўнайсан. Куёвинг Ма'муржон блан ЗАГСнинг никоҳ паттасини оласизлар. Эшитдингми?

Қиз ўзини унитиб, ўз ихтиёридан, ўз хоҳишидан ташқари боши блан „ма'кул“ ишораси қилди ҳам шу кеча тамом ухлай-олмай, кўз ёши блан юзини ювиб чиқди. Ен-верида хуррак товушлари эшитилгач, у секингина ўрнидан турди, юраги пўкиллб, нафасини ютиб ташқарига чиқди. Дарвоза олдига бориб, кўчага мўраллади. У ўзи чин кўнгил бериб савган йигити келмаганми-кан? Йўқ, у келмаган эди. Ойпошша у блан бугун ва'далашмаганига ва ўзининг янглишганига иқрор бўлди. Унинг бутун томир-томирлари бўшашиб кетди. Энди, нима қилсин!... Уйга қайтиб киргиси келмай дарвоза олдида ўтирди ва ўйлади...

Бу кутилмаган иш бўлди. Йигит унинг блан ҳар учрашганда „Сен хавотир бўлма, бу қулоқ ўғлига сени олиб бергунча ўзи йўқ бўлиб кетади“ — деб ишонтирар эди. Мана, энди, нима бўлди? Нега, букун учрашишни танин қилмадилар экан? Ҳа, айтгандай, қайсибир кунги кўришганлариди: „Энди, биратула иш бир ёғлик бўлгунча сал камроқ кўришмасак бўлмайди. Одэмлар оғзида: „Бир-бирига шундай ошиқ бўлишибдики, кўришган жойлариди шайтонлаб қолишар эмиш“ деган гап тарқалибди. Жуда бўлмаса ёз келиб ҳаво исиб кетгандан кейин бир куни „хайт деб шаҳарга қочамиз, кетамиз!“ деб ва'далашган эдилар.

Ойпошша азонда туриб йигитнинг дарвоза олдидан от суғоришга ўтишини пойлайдиган ва унга бир оғиз гап блан: „Менинг орқамдан районга бординг!“ деб ишора қиладиган бўлиб ўрнидан турди ва уйга кириб ётди. Эрталаб дарвоза олдига чиқиб улгурмаёқ, паранжисини қўлига олган, кўзлари бегухтов алангловчи пакана ва тўнғакка ўхшаш думалоққина бир аёл кириб келди. У қирқ беш ёшлар чамасида Райхонбиби номли бир аёл бўлиб, унинг „иситмачилик ва совутмачилик“ ҳунарига эга булгани тугрисида сўзлашар эдилар. Бу товламачи аёл айниқса тўйлрда янғалик қилишга, ўз ихтиёридан ташқари эрга берилгучи қизларни алдаш ва қўрқитиш блан йўлга солишга элчил эди. Иши тушганлар унинг бу элчиллигидан фойдаланар эдилар.

— Кийин қизим, дарров кийин онажонгинам, арава қараб турибди, жўнаймиз, — деди Райхонбиби ва қизни куз ёшини тўқдириб ўзи кийинтиришга тутинди.

Ярим соатдан кейин улар аравада жўнадилар.

Ма'муржон улар орқасидан отда қувиб етадиган бўлди.

Райхонбиби йўл-йўлакай қизга доктор олдида, кейин никоҳ

патта беручи аёл олдида ўзини қандай тутмоғи ва қандай сўроққа нима деб жавоб бермоғи лозимлигини пишиқтирди. Ойпошша йиғлади ва унинг қистови билан секингина бошини лиқиллатиб қабул қилишга мажбур бўлди.

Районга келдилар. Арава уларни бир-бирига жиплашиб кетган уйлар, кооперативлар, гуж-гуж одамлар орасидан олиб кетди. Ойпошша бундай қизгин ҳаётни умрида биринчи марта кўриши эди. У аланглаб атрофига қаради. Қани энди, шу одимлар орасида йигити пайдо бўлиб қолсаю, „қутқар мени, жоним, олиб кетаётibdилар!“ деб қичқирса қиз...

Доктор уз ишини қилди. Қизнинг балоғатга етганини тасдиқлаб қоғоз берди. Райхонбиби қизни ЗАГСга судради.

Ма'муржон улар билан орқама-орқа ЗАГСга кириб борди.

Ойпошша руйхатчи аёлнинг столи олдида, „Ёрим мени қутқаришга келиб етмадимми?“ деган хаёл билан атрофига қаради. Унинг кўзлари ўз мақсадига етаётганидан ғурурланиб кулимсираган Ма'муржоннинг совуқ кўзлари билан биринчи мартаба тўқнашди ва танига муз босгандай сесканиб пастга қаради. Шу топда унинг кўнглига: „Бу йигитни мен севмайман, мени зўрлаб бераётibdилар!“ деб руйхатчи аёлга арз қилиш келди. Аммо бундай қилишга куч ва ирода етмади, қўрқди. Райхонбибининг: „Ўялма, айтавер, нега уяласан?“ деб туртиши ва қистови орқасида руйхатчи аёлнинг саволларига жавоб берди.

Райхонбиби ишнинг эсон-омон битганидан енгил тортиб ёйилди ва руйхатчи аёлга тушинтирган бўлди:

— Бизнинг қишлоқ қизлари уятчанг бўладилар. Ўлақолса юрагидагини ёрилиб айтай демайди.

Райхонбиби никоҳланучилар номидан никоҳ қоғозини олиб қўйин чунтагига суъди.

— Қонуний никоҳларингиз қутлиқ бўлсин! — деди руйхатчи аёл, қиз ва йигитга қараб кулимсираб.

Ойпошша бирдан кўз ёшини тўкиб юборди.

— Нега йиғлайсан, — ё эрга тегишга норозимсан? — деб сўради аёл ўрнидан туриб.

— Қуйингчи айланай, — деб дарров жавоб берди Райхонбиби. — Қиз бўлгандан кейин йиғлайди-да. Ҳаммамиз ҳам йиғлаб-йиғлаб эрга текканмиз. Қиз боланинг йиғлагани ноз қилгани, — деди ва қизни эшикка томон ундади. — Қани юр қизим, кеч қолмайлик.

Ойпошша унинг сдига тушиб, эшикка чиқди.

Аравага тушиб жўнадилар. Ма'муржон ишнинг муваффақиятли битганлигидан суюнчинин қарми-қариндошларига тезроқ етказиш учун отини йўрғалатиб олдин кетди.

Райхонбиби ҳам, энди, ташвишдан тамом қутилиб суюнчи ва „янга пуллари“ ундириш туғрисида ўйлай бошлади.

— Ҳечкимнинг уз дегани бўлмайди, қизим, — деб сўз бошлади у, райондан чиққанларидан кейин, — фақат пешанада нима ёзилган бўлса шу бўлади. Сенга ухшаш пишган олмадек қиз вақтин эди. Ўлардек шўхман. Менсиз на туй, на қизлар мажлиси қизийди. Кўрган йигит босган изида телва бўлиб қолади.

Ўзди полвон деган чавандоз бир ўйинимни кўрибди-ю, ошиқ бўлибди, қолибди. Кўрган жойда гап отади, кўз қисади, ўзи полвон десанг-полвон. Қўтсдек йигит. Бу атрофда унинг блан бел олишадиган азамат топилмади. „Шунинг қучоғида ҳузур қилсам“ деб меннинг ҳам кўнглим кетди, ҳе-ҳе-ҳе... Менам кўз қисдим, қош қоқдим. „Оламан“ деди. „Тегаман“ дедим. Лекин тақдир битмаган экан, унга эмас, бошқага тегдим...

Ойпошша бу ҳикояни тинглар экан кўз олдида, — унинг ўзи ёри блан сўзлашганлари ўйнаб турди. Ҳаяжон ичида нафасини ололмай сўради:

— Нега ундай қилдингиз, ахир?

— Билсам бор бисотида битта ўзию, битта оти экан. Мен бўлсам қоёққа бурулмай ўнта харидор „қулингман“ деб қўл қовуштириб турибди. Оламан деб совчи юборганнинг сони йўқ. Мен ўша гадоёга тегиб кўчада қолибманми?!

Ойпошша қаттиқ бир энтикди ва ҳечбир ўйламасдан гапирди:

— Унга тегишга отангиздан ҳам кўрққандирсиз, ахир? Ишқилиб ким нима тиласа шу бўлмас эканда...

— Бу дунёнинг иши шу ҳизим, — деди Райхонбиби. — Тақдирингда битилганини кўрасан, халос!

Ойпошша эндигина, дунёнинг эскидан ҳукмронлик қилиб келган бу сиртмоғи бугун ўзининг ҳам бўйнига тушганига ишонди.

XXII

Тез кунда, йигирма бешмингчи Алексейнинг ҳамма тилак ва уриниши барчага равшан бўлиб қолди. Уни Москварецкий тўқимачилик фабрикасининг ишчилар коллективи колхоз қурулишини мустаҳкамлашга юборган эканлар. Энди у, кеча-кундуз тинимни билмай, чарчаганини ҳам, қорнининг очганини ҳам сезмай дам идорада, дам янгидан қизгин иш бошлаган колхозчи кетманчилар ёнида, дам қўшчилар олдида, ҳар ишга ўз танининг бир бўлагидай қараб жон куйдириб юрса — бу ўша ўзини, тўрт минг километр наридан ишонч блан юборган ишчилар коллективининг топшириғини бажариш, ўзининг коммунистик бурчини адо этиш, миллий республика халқларини ёруғ ҳаёт йўлига — социализмга бошлаш учун эди. Одамлар унинг бу мақсадини тушиндилар. Шунинг учун ҳам унга кўнгли, муҳаббат қўйдилар. Унинг сўзини тез тинглайдиган, айтганини бажо келтиришга шошиладиган бўлиб қолдилар.

Алексей, биринчи навбатда оқсоқолни нишонга олди. Чунки райкомда ўртоқ Мовлонов бу қўлоқлар думини фош қилиб советдан тезроқ кўтариб ташлаш лозимлигини ўқдириб юборган эди. Шунинг учун Алексей активлар блан узаро гаплашган вақтида Тожибойнинг кирди-корига сид гапларга кўп аҳамият берди. Одамларнинг фикрини тўплаб, масалани пиширишга киришди.

Алексей Тожибойнинг ўзи блан анча совуқ муомалада бўлар эдики, бу нарса ҳам бошқаларга сезилиб турар эди.

Унинг, бутун қишлоқда фақат бир ўзи, Тожибойни „сенлаб“ гапириши — Мелиполвонга кўп манзур булар, у бу ҳақда кулиб гап қилар эди. У бир кунни Алексейнинг Тожибойни одамлар ўртасида бошлаб танқид қилганини эшитган ва уни шерикларига кула-кула сўзлар эди:

— ...Аризани оқсоқолнинг қўлига бердим. Ўқий олмадида, котибга берди. Алексей қараб турган экан, „Нима, айт, билмай-санми, ҳали“ деб қолди. Оқсоқол „йўқ!“ деди. „Ўй — ўй! оқсоқол! Нега шу вақтгача савод чиқармадинг“, „Ҳа, қўл тегмади!“, „Нима қилдинг, ўзинг, — бақириб-чақириб юришдан қўлинг тегмади-ми! Ўй—ўй, оқсоқол-оқсоқол, ярамайди!“ деди. Юзига гап блан шарт-шарт уриб тоза болади, азамат!

Ҳақиқатан, саводсиз Тожибойнинг Советга раис бўлиб туриши Алексейни жуда ташвишга солди. Масалани тезроқ ҳал қилиш керак, деган фикрга келди.

— Бунга чидаб туриш мумкин эмас, сра мумкин эмас, — деди у, бирнеча активлар ўртасида. — Бу патриархни совет ишидан бутунлай четлатиш керак. Бизнинг ишимизни бўтқа қилади... бу!..

Соддароқ биров гўё уни „қандай қилиб ўрнидан қимирлатиб бўлади“ дегандай қилиб:

— Саккиз йилдан бери раислик қилиб келади-да! — деган эди.

— Қўйиб берсанг саккиз йил эмас, ўттиз йил ҳам советни занг бостириб ўтираберади, — деди Алексей. — Лекин биз советни бундай кишилар блан занг бостиришни истамаймиз. Бизга ишлайдиган, сергайрат, пишиқ, қисқаси халқ иши учун жон куйдирадиган киши бўлиши керак.

— Ўзингиз бўлиб қўяқолинг-да, — дейишдилар, унинг сўзини бўлиб.

— Йўқ, менинг ўз ишларим етарлик. Бу ишга сизнинг ўз ичингиздан чиқариш керак.

— Ким эплай олади?

Алексей папиросини тортиб тутунини пуфлади-да секингина салмоқлаб айтди:

— Ҳалиги, аёлни—Ойимхонни кўтарсак нима дейсизлар?

Активлар бир-бирларига ҳайронлик блан қарашиб олиб, ўз фикрларини баён қилдилар:

— Аёл киши, эплай олармикан?

Алексей бошқаларда ишонч туғдириш учун қаттиқроқ товуш блан жавоб берди:

— Кўтарамиз, ёрдамлашамиз. Аёл кишидан совет ходими етказамиз! Тайёр раис осмондан тушмайди, албатта!

Алексейнинг плани шундай амалга ошди: камбағаллар ва ўрға деҳқонларнинг умумий мажлисида советнинг ҳисоботи қўйилди... Тожибойнинг пала-партиш докладыни тингланди. Кейин ора-орадан аччиқ-аччиқ саволлар туша бошлади. Сўнгра қандай қилиб қулақларга ён босилгани, қандай қилиб меҳнаткашларнинг манфаати сотилгани тўғрисида музокаралар бошланди. Сўзлар тўқмоққа айланди.

Шундай қилиб Тожибойнинг раислик шуҳрати тамом бўлди.

Ойимхон унинг чўнтагида саккиз йил носқовоқ блан урушиб юрган совет печатини қабул қилиб янгидан махсус тикилган кўкрак чўнтагига солди. Аёл, Тожибойсиэ ҳам совет ишининг тўхтаб қолмаслигини исботлашга киришди.

XXIII

Олахўжа бу атрофда, кўпдан бери ҳечким кўрмаган катта тўй қилиб, элнинг махтовига сазовор бўлиш, қолаверса, айни, шундай қалтис пайтда, ба'зи бировларнинг оғиз-бурнини мойлаш блан ўзига меҳр уйғотишни истади. Тўйга катта тайёргарлик кўрди: Хўжанд ўригидан, Ўратепа майизидан, тоғдан сўқим мол келтиртирди. Ҳафталаб шоли оқлатди. Камида икки кун юртга ош тортишни чамалади. Тўйдан илгари ўз одамларига тайинлади:

— Дуст-душман ҳаммасини айт, келганига тўкиб-чочиб едиравер, Олахўжа ош-сувини юртдан аямайдиган эҳанини билиб қўйсин бу халқ!

Биринчи галда унинг ҳовлиси атрофига қишлоқнинг оч ва дайди итлари тўплана бошлади, улар ариққа яқин ерда сўйилаётган сўқим моллардан, катта ариқ сувини булгатиб, ичак-чаваклар ювишга киришган аёлларнинг қўлидан кўзларини олмай ва ўзларига чиқинди ирғитилишини кутиб ариқ бўйларида, гўнг тепа устида икки оёқларини олдинга узатиб чўзилишиб ётар эдилар.

Шўх болалар ва бекорчи йигитларга эрмак топилди. Улар мол туёғини ирғитиб итларни бир-бирига олқишлаб урунтиради ва уларнинг талашганини завқланиб қийқиришиб тамоша қилишади.

Анчадан бери кўринмай қолган Бозорбой ҳам мана энди шу ерда пайдо бўлиб қолган. Бир икки лақма унинг блан астайидил суҳбатлашмоқда...

— Қаерда эдинг Бозорбой?

— Шаҳарда тоза гуляйт қилиб юрдим...

— Оббо... курғур-эй...

Кичкина эшикдан чиқиладиган ҳовли ташқарисидаги майдончанинг бир томонидан ўчоқлар қавланиб қаторасига бирнеча дошқозон осилди. Атайи райондан чақириб келтирилган ошпазлар қозонлар яқинида ўтириб, бири сабзи, бири гўшт-пиёз тўғраб, бири зангланган қозонларни ювиш блан машгул бўлдилар.

Уч хил даражадаги меҳмонлар келишини кўзда тутиб жой тайёрланди: гилам ва кўрпачалар солинган уй-жойларда, айвонларда бўлак юртлардан чақирилган ошналар, уруғ-авлодлар, ҳам юртнинг катталари, обрўйли кимсалар ўтириши, ҳовли ва ташқарига тўшалган шолча ва кийгизларда эса яна шундай иккинчи даражадаги, усти-боши ва юриш-туришидан ялтираброқ кўринган махси-ковушли одамлар, қуруқ похоллар тўшаб қўйилган ерларда эса ямоқ тўн ва чориқ судраганлар ўтириши керак эди. Ун-

дан кейин Тожибой кабиларга ҳам „майхона“ номда алоҳида бир уйни ажратилди.

Ҳаммаси муддаодагидай бўлди. Пешиндан кейин Олахўжанинг ичкарисиси ва ташқарисиси ғуж-ғуж одам блан тўлди. Дарвозадан ким кирган ким чиққанини ажратиб бўлмай қолди. Бировлари ариқда қўлларини бир чайиб олиб ичкари кирса, бировлари лабларидаги мой ва гурунч юқларини суртиб ичкаридан чиқар эдилар.

Олахўжа пешонаси ялтираб ҳовлида юрар, одамларига унбуну буюрар, келган-кетганларнинг усти-бошига қараб „хушма'зур“ қилар эдилар. Шу блан бирга: „Менинг оёғимга болта урмоқчи бўлган душманларимдан тўйга ким келар экан“ деган фикр ҳам унинг эси-хушини банд қилиб турди. Чунки у, ўзининг фе'ли кенглигини кўрсатиш учун дўст-душманни айирмай ҳаммани тўйга айтдирди, ахир... Мана энди, нафас сайин дарвозага қарар, ёмонликни ният қилганларнинг ҳам тўйга келишини истар эди.

Қоронғи тушган пайтда ҳеч қутилмаган меҳмонлар: Абдурасул, Алексей ва Холмурод, Мелиполвон, Ойимхон кириб келишди. Уларни кўрган Олахўжа гўё ҳовлиқишдан узини йўқотди! Нима гап ўзи? Балки, шу блан ёмонлик унутилар!..

— Қани, буёққа, буёққа! — деб ҳовлиқди Олахўжа ва нариги томонга қараб: — „Меҳмонларга жой, меҳмонларга дастурхон!“ деб шовқин солган ҳолда семиз гавдасини енгилгина қимирлатиб меҳмонларни, гулхонни қуршаган одамлар орқаси блан, ҳовлининг ичкарисисига томон бошлади.

Бир ёпиқ эшик олдида тўхталиб секингина сирли товуш блан таклиф қилди:

— Қани, тобларинг қалай, буёққа кириб қўяқолинглар... марҳамат! Жиндак... ҳалигида... ҳе... ҳе...

Шу вақт эшик ичкаридан тарақ этиб очилди. Тожибой ичкаридан бошини чиқариб меҳмонларнинг ким эканини билди-да, яна эшикни тарс этиб ёпди. Бу ма'лум даражадаги кишиларнинг кўнглини топиш учун ажратилган уй, я'ни „майхона“ эди.

Меҳмонлар турли мақомда бош чайқаб Олахўжанинг таклифини рад қилдилар:

— Йўқ, йўқ, ташқарида ўтирмасак бўлмайди!

Улар меҳмонхона олди, музика чалинаётган ерга ўтиб ўтирдилар.

Боғ-боғ қуруқ шох ўтинларнинг гулхони қизғиш ёлқинли тилдан осмонга олтин зарлар пуркаб қоронғини ялайди, катта ҳовлини гир айлантириб олган одамларнинг юзларини ва том бўғотларини ва том устларида ғуж-ғуж бўлишиб ўтиришган болалар ва аёлларни қизғиш шу'ла блан ёритади. Одамларнинг кузлари ва эс-ҳушларини ўртада гулхон ёруғида „қашқарчага“ мақом қилучи, беқасам тўн устидан икки-уч хилма-хил белбоғ боғлаган қорақош йигит тортган. Шўх йигитлар ўйинчига хушомад қилар, кекиртаклари йиртилгудек бўлиб қичқаришар эдилар.

Улар олдиларига қўйилган паднусдан мева чуқилаб, уйин ту-
габ, музиканинг танафбус қилишини кутиб ўтирдилар.

Ўйинчи йигит четга чиқиши блан қош ва киприкларини сурма
блан бениҳоят чаплаган, бодом қовоқ, йуғон бир жувон ўртада
пайдо бўлиб, белини ҳар томонга майиштириб йўрғалай бошлади.
„Ола, Майрамхон, ола!..“ дейишиб қичқиришди йигитлар. Бу жу-
вон юқори томондаги қишлоқдан бўлиб, бу теваракка ўзининг
ўйинлари блан танилган, энг катта тўйлар унинг ўйинисиз қизи-
мас эди. Олахўжа ҳам уни э'тиборсиз қолдирмади. Атайлаб одам
юбориб тўйга чақиртириб келди.

Гулхон устма-уст ташланган шохлардан том бўйи кўтарилди.
Ба'зи бировлар овозларининг борица, бириникини-бири авжланти-
риб қичқиришдилар. Майрамхоннинг ўйинида кишининг диққатини
тортарлик сан'ат ё ижод кўринмас, у фақат ҳарқандай уқувсиз
кимса ҳам қила олиши мумкин бўлган бир мақомда, бодом қовоқ
кўзларини сузиб, тўла гавдасини ҳовлининг бир ёғидан иккинчи
ёғига йўрғалатар эди. Илгари қайсидир мингбошининг кичик хо-
тини бўлиб, энди бу ақволга тушган ва ўзининг енгил табиати
блан танилган бу аёл шу тобда ба'зибир кўзлари қизарган таш-
на одамларнинг хушомадларига ва қичқириқларига сазовор эди.
Ҳатто унинг бема'ни лапанглашини чаккасига пул қистириб тақ-
дирилган „тантиллар“ ҳам бўлиб турди.

Машшоқлар узоқ тўхтовсиз машқдан кейин ўзларини чарча-
ган ҳис қилишиб, танафбус қилдилар: гижжакчи уюшган оёқла-
рини зўрга босиб, талтанглаб ташқарига чиқиб кетди. Қолганла-
ри асбобларини ёнларига ётқизиб қўйиб, чой ичишга тутиндилар.

— Давай, начинай (қани бошла)! — деди Алексей.

Абдурасул ўрнидан турди.

— Ўртоқлар! — деди у қаттиқ ва қандайдир қувончдан дарак
беручи товуш блан. — Биз бу ерга сизларга бир хушxabар
келтирдик—ўртоқ Сталиндан ҳозиргина жавоб келди. Ҳақ гапга
қулоқ солинглар. Ўртоқ Дўсматов ўқиб эшитдиради!

Ҳамма хушxabарни тезроқ эшитиш иштиёқида жим бўлиб
қолди. Ҳаркимнинг чеҳрасида: „Қани, нима дебди у улуг одам?“
деган фикр аломати пайдо бўлди.

Кимдир айвон олдига осилган катта фонарьни меҳмонларнинг
олдига олиб келди ва уни қўлида баланд кўтариб турди. Хол-
мурод, чопачопа қора терга ботган отда ҳалигина райондан кел-
тирилган „Қизил Ўзбекистон“ни қўйнидан олди ва унинг араб ва ла-
тин ҳарфлари блан чипарланган саҳифасини фонарь ёруғига тутди.

— „И. Сталин. Ютуқлардан эсанкираш. Колхоз ҳаракатига
доир“ — деб ёзилган йирик хатларни кўп завқ блан ўқиди
Холмурод. Сўнгра ортиқ берилиши ва ҳаяжон ичида Сталин
мақоласини қандай ўқиб тамомлаганини ўзи сезмай қолди. Ўз
ше'рини муваффақиятли ўқиб эшитдирган шоир ёки та'сирли
нутқ сўзлаган нотикдай ҳаяжон ичида ўқиб бўлди. Доҳининг колхоз
тўғрисидаги сўзларини нафасларини ютиб, зўр диққат блан тинг-

лаб турган одамлар орасида кучли ғовур бошланди. Сталин сўзларининг мағзини ҳарким ўзича чақа бошлади:

— Ўртоқ Сталин колхозга кириш ихтиёрий, дебди.

— Колхозни зўрлик блан тузулмасин, дебди.

— Колхозга киришни хоҳламаган деҳқонларни қўрқитилмасин, — бу душманнинг иши бўлади, дебди.

— Колхозга фақат ер, от-улов, машина-асбоблардан бошқани олинмайди, дебди.

— Ерингни трактор блан ҳайдаб берса, солиқни енгиллатса, уруғдан ёрдам берса, яна нима керак? Колхоз бўлавер!

• Бировлар колхоз қурушга келган Тўқсоновни эсга олиб сўкар эдилар:

— Оббо, қизталақ тулки телпак, бутун ишни пачаяя қилиб кетган экан-да!

— Душманнинг ишини қилиб кетган экан...

Қулоқлар ва уларнинг думлари ҳам ўзларича:

— Яна колхоз!.. Тўйдаям колхоз!.. Тўйниям тўй қилмадилар булар!—деб тўнғиллар эдилар.

Кутилмаган меҳмонлар ўз ишларидан мағрур бўлиб, индамай дарвозадан чиқдилар. Мелиполвон бир ёйилиб энтикди-да, гўё бу қилинган ишларнинг ҳаммасига яқун ясаб айтди:

— Ҳақиқат синмайдиям, букулмайдиям, деган гап асл гап ўзи... мана ҳақиқат енгдида, ахир!..

Улар муйилишга келишганда кўчанинг нариги бошидан аёлларнинг қий-чуви эшитилди:

Ҳаводаги юлдузни,

Отган отам ёр-ёр.

Ўз қизини танимай,

Сотган отам ёр-ёр.

Аёллар маш'ал кўтариб, чилдирма чалиб, ғуж бўлиб келар эдилар.

Такчадаги қайчини,

Занг босибди ёр-ёр,

Чиқаётган бу қизни,

Ғам босибди ёр-ёр.

Аёлларнинг ҳарбир ёр-ёри Холмуроднинг юрагига жаз-жаз тегаберди. Айтгандай, бу аёллар қайси қизни узатиб бораётирлар? Давлатёр бўлса, суриштириб билар эканман деб, юраги ачишиб ёни-верига аланглади. Айтгандай унинг „бир қошиқ сув блан ютқудай“ деб мақтагани шу эмасмиди? У қаёқда? Нима қилиб юрибди? Нега у сўнги кунларда Холмуроднинг олдига келмай қўйди? Қани Давлатёр? Ҳа, айтгандай, акасининг аламида Мадминни қидириб, аллақаёқларда юрган бўлса керак.

Шалдир-шулдир қамишга

Сирғам тушиди ёр-ёр,

Синамаган йигитга
Синглим тушди ёр-ёр.

Холмурод блан Алексей йўл четида, бир уя асаларидек гуж бўлишиб ва солмоқ блан чертилаётган чилдирмага мунгли қўшиқни жўр қилиб ўртага қамраб олинган келинчакни узатиб бораётган аёлларга қараб туришди.

Келин узатучиларнинг қий-чуви орқасида бир ёш аёлнинг ғам ва ҳасрат блан тўлган „ёр-ёри“ алоҳида эшитилиб, одамнинг кўнглини жуда бир бўшаштирмоқда эди. Ёш аёл бор товуши блан куйлайди.

Синглим берган узуги
Майишади ёр-ёр
Синглим учун қовурғам
Қайишади ёр-ёр.

Холмурод аёллар блан қамраб олинган ва қопга солингандай қилиб духоба паранжига ўралган келинчакка тикилаётиб, синглисининг дарди-фироғида ғам-ғусса қўшиғини булбулдек наво қилаётган ёш аёлнинг Гулсум эканини таниб, унинг шу қадар хушовоз эканига тонг қолди. „Мени кўрдимикин, кўрмаган бўлса, менинг қараб турганимни кўрсин“ деган фикрда кўчанинг дўнглик бир ерига чиқиб, кеккайиб турди. Сўнгра қайтиб, ўзини кутмоқда бўлган Алексейнинг олдига келди.

— Нима бу, куйлайдиларми, ёки йиғлайдиларми? — деб сўради Алексей.

— Нима деса бўлади: куйлайдилар деса, йиғиси бор, йиғлайдилар деса, қўшиқ, — деб жавоб берди кўнгли ғаш Холмурод.

XXV

Бу тун яна тинчсиз бўлди. Олахўжанинг ҳовлиси атрофига тўпланган итлар хилма-хил товушлар блан қишлоқни бошларига кўтардилар.

Холмурод кўчадаги дупур-дупурга уйғониб кетди ва қоронғи уйда қимирлаган нўхатдек чўғ юлдузга кўзи тушди. Келгандан бери унинг ҳужрасига шерик бўлган Алексей дераза олдида туриб папирсс чекар ва кўчага қарар эди.

— Нима гап ўзи ўртоқ Алексей?— деди Холмурод бошини кўтариб.

— Бир-иккитаси югиришиб ўтиб кетди... Мен, қулоқлар биздан ўч олгани келаётибдими, деб чўчиб кетдим,— деди Алексей, чўғ юлдузи яна ҳавсда ўйнади, — ҳа, бўлиши ҳам мумкин. Ҳали бу синфий душман блан кўн олишишга тўғри келади. Ўч олиш учун келишлари мумкин!..

Холмурод тўхтовсиз вақиллаб, ҳуриб ётган ит овозларига ваҳима ичида қулоқ солиб караватда ўтирган жойидан деразага қаради, лекин Алексейнинг қорасидан ва дам ёришиб, дам хираланиб туручи ўйноқи чўғ юлдузидан бошқа ҳечнарсга кўрмади.

— Чёрт с ним, келишса келиша берсин. Текинга ўладигав аҳмоқ йўқ... ётинг ухланг! — деди Алексей ва ўрнига қайтиб, тўппончасини шиқирлатиб ўқлади-да ёстуғи сстига қўйиб ётди.

Холмурод эрталаб бўйнига чочиқ солиб ариққа ювинишга чиқди. Қайтиб келаётиб, тугин кўтариб йўлдан ўтаётган ўйинчи Майрамхонни учратди. У Холмуродга жуда қизиқиб қарай-қарай ўтаберди.

— Ҳа, қайтингизми, тўй-тамоша бўлдимиз?— деди Холмурод. Майрамхон тўхталиб:

— Ҳа, тўй-тамоша бурундан чиқдику, афандим,— деди.

— Ҳа, хўш?

— Эшитмадингизми, ҳали, тўй қилган Олахўжа бувамнинг уйига ўт тушди!— деди Майрамхон.

— Ажаб! Ким ўт қўйибди?— деб сўради, ҳайрон бўлиб Холмурод.

— Ҳалиги яшамагур, келини қочди-кетди.

— Ҳа, шунақа денг, мен чинакам уйига ўт тушибди-да, деб ўйлабман. Қизиқ қилибдию!

Майрамхон куюнди:

— Қанча мол, қанча пул сарф қилиб кўзининг оқи-қораси бўлган бирдан-бир ўглини уйлантирса-ю, уни бир юксиз, куёвиги тирноқ тегдирмай олиб кетса — бу уйига ўт тушмаганими?

— Ҳа, айтагандай, ким олиб қочибди?

— Ҳечким билмайди. Биттаси олиб қочганда...

— Рсст, рсст!— деди Холмурод юзига жиддий тус олиб,— чиндан ҳам уйига ўт тушибди. Қайвақт, қандай қилиб қочибди?

— Мен ўша ерда эдим. Тўй тарқалгандан кейин ярим тунда никоҳ ўқишга эсгачакўз домла поччам келди. Домла поччам энди никоҳ ўқиб қиздан рзилик сўрай бсшлаб эдики, қиз беҳузур бўлиб тўлганиб, ташқарига чиқаман деб йиғлай берди. Янгаси Райхонбиби эгачим қизни ташқарига олиб чиқиб кетди. Ўлмасой холам қизнинг қилигидан уялиб ер ёрилса ерга киргудай бўлди-да домланинг сўроғига қизи тилидан жавоб бериб қолди.

— Ҳали никоҳ ҳам ўқилибди-да... Хўш, ундан кейин нима бўлди?— деди Холмурод.

— Шундан кейин ҳали кутамиз, ҳали кутамиз, қиз қайтиб кирмайди. Ҳовлига чиқдик. Чиқсак, янгаси Райхонбиби эгачи айвон олдида мусичадай мушшайиб ўтирибди.

— Келин қани?

— Ҳа, келин, ана хожатхонада. Чиқмаётибди.

Бориб чақирдик:

— Ойпошшаой!

Жим-жит. Яна чақирдик:

— Нима бўлди сизга? Нега бунчалик?..

Жим-жит. Гугурт ёқиб қарасак, йўқ. Чироғ келтириб қараймиз, йўқ. Бостирмани қараймиз, йўқ, отхонани қараймиз, йўқ, сомонконани қараймиз, йўқ. Ўн-ўн беш эркак тўрт томонга югуриб, кўчаларни қарайди—йўқ, қўшниларининг дарвозасини қоқиб сўрайди—яна йўқ, жувонмарг янгиасини алдаб айвон олдида ўтқазиб қўйибди-да, қо-о-чибди—кетибди. Тўй хўп тўкис бўлди-ю, лекин қиз сотган ҳам, қиз олган ҳам соқолини юлиб қолаверди-да... уҳ!

— Аҳа,—деди Холмурод ва бу қизик ҳангамани Алексейга етказиш учун шошилди.

(Давоми бор)

ТУРСУНЗОДА

ХАЗИНАЛАР ПОСБОНИ

Йиллар бўйи мудрар эдинг, тожик юрти-Кўҳистон,
Хазиналар эшигида гўё тилсиз посбон.
Бошинг узра парвоз қилиб келса ногоҳ бирор қуш
Қанотлари куяр эди. Туман эди осмон.

Хатто сўқмоқ солалмади силсилангда бирор зот,
Хатто қадам босалмади чўққиларга одамзод,
Бир зўр тоғинг Кафтаргузар деб аталган бўлса ҳам,
Ўтолмасдан кабутарлар толиб кўкда солди дод.

Этагингда кўп гиёлар ўсар эди яйрашиб,
Учар эди какликларинг кеча-кундуз сайрашиб,
Ким биларди, қанча аср, қанча йиллар қоронғи—
Бағринг узра оқар экан бу чашмалар ўйнашиб.

Юзларингни безар эди баҳорларнинг лоласи,
Шаршаралар эди гўё сочларингнинг толаси,
Йироқ эди сендан ҳаёт, ўлим эди улфатинг,
Келар эди фақат хуштор оҳуларнинг ноласи.

Меҳнат қўли бир силташда тебратди зўр томингни,
Еруғ кунга айлантирди қора тунинг, шомингни,
Бу қахрамон халқ қудрати, ғайратини кўр энди,
Чўққилардан ҳам баландроқ қилди шуҳрат, шонингни.

Кучоғингни чаман қилди дар'ёларнинг тўлқини,
Эл қийқирар сайилгоҳда—будир ҳаёт жўшқини,
Чунки очдик тилсимингни, бошин эгди халқинга,
Болгамизнинг зарбасидан учди тошлар учқуни.

Хазинаингни очиб яшна, озод ўлка, жонажон,
Қудрат олиб Ватан бўлсин яна улуғ паҳлавон,
Товланиб ҳарбир заринг чўққидан сочганда нур,
Еришиб яшнар яна водиларда бўстон.

Апрель. 1946 йил.

Тожикчадан Аширмат таржимаси.

Социалистик меҳнат қаҳрамонлари

Н. ОХУНДИЙ

ЗАМИРА

1946 — йилнинг баҳори.

Кизак ва жияklarининг рангини офтоб кўтариб, анчагина ури-
виб қолган пистоқи дўппи тепасидан қоратуруқ сочларини маҳ-
кам чандиб олган, устига бодом гулли қирмизи кўйлак ва йўл-
йўл кўк беқасам нимча ҳамда сёғига оддий сахтиён этик кий-
ган, ўн етти ёшлар чамасидаги қиз, атрофлари паҳса девол блан
ўралган ҳовлига шошилганича чопиб кирди-да, биқирлаб қайнаб
турган декча қозоннинг ёнига бориб тўхтади. Одатда қобил,
мўмин бу қизнинг бугал бугдой юзлари ранглар, шахло кўз-
лари паришон ва қора қошлари найзадек киприкларига яқин-
лашиб, солинган қовоқлар даҳшатини яна кучайтирар эди.

Кун бўйи далада кезиб, қорни оч қолса ҳам унинг думоғига
кичкина қозондан иштаҳани карнай қилиб юборадиган хуштам
ҳидлар гуркираб уриб туришига сра э'тибор қилмас, у қандайдир
оғир бир ташвишда эди. Унинг пок ва ма'сум, комсомол қалбига
нимадир ором бермас эди. Шу чоқ бир шоксса лим-лим девзира
гурунч кутарган жонкаш она нариги уйдан бепарво чиқиб келди.
Тўрт қора кўзни катта қилган Ачагул ҳозир узининг пазандалиги
блан уйдаги меҳмонларни қойил, эрини мамнун қилишдан бошқа
нарсани уйламас эди. У ўчоқ орқасидаги айвоннинг устунига
суяниб турган қизининг авзойини пайқамади.

— Эна, дадам қаёқдалар? — деб сўради ҳаяжонли овоз блан
қиз ва бирдан бўтадай бузлаб юборди.

— Вой ман улай, болам, ҳа, сенга нима бўлди? — Ачагул шо-
косани ўчоқбошига кўйиб, ҳалпиллаганча қизининг олдига югур-
ди ва унинг бошини бағрига маҳкам босиб, гап сўради. Қиз ўп-
қасини тутиб ололмайди, аммо онанинг бағри олдида ҳечқандай
малҳам бас келалмайди. Оз ўтмай қиз ўзини тутиб олди-да,
онасининг кўксига ёшлари тўхтаган кузларини сурта-сурта:

— Дадамнинг олдиларида кимлар бор? — деб осойишта сўради.

— Меҳмонлар бор, нима бўлди қизим, далада бирон фалокат бўлдимми? Ёки майлисида...

— Йўқ, онажон, ахир, қандай қилиб юзларига қарайман? Кўрмаяписизми ахир? Мен ҳозир уларнинг олдига кирман.

— Кимни юзига, нимани кўрмаймэн? Қиз бошинг блан уялмай, нега меҳмонларнинг олдига кирасан? Дадаи...

— Уят ҳам ўлсин, менга ҳам ор-номус керак. Эртага халқ олдида нима деймиз?!

— Вой қизим, эсингни еб қўйдингми? Нима гап, ахир?

Қиз меҳмонлар ўтирган уйга шахтам югуратуриб:

— Кўрмаяписизми, „қиш“ қайтиб келаётир ахир?! — деди ва даҳлизга кириб, меҳмонлар ўтирган катта уйнинг эшиги олдида ахтиёрсиз бир зум тўхтаб қолди.

Онасининг „Қиз бошинг блан меҳмонлардан уялмайсанми?“ деган сўзи қизнинг қулоғида ҳамон жаранглар эди. Аммо колхозда уч йил пайдар-пай стахановчи бўлиб ишлагандан сўнг, 1944 йилда колхозчилар йиғилишиб, уни колхознинг бир звеносига бошлиқ қилиб сайлаганларида берган ва'даси, комсомолларнинг умумий мажлисида вэтани, хяяқиға қандэй садоқат блан ишлаши ҳақида ёд қилган қасами ҳамда Ўзбекистон илғор пахтакорлари қурултойида иштирок қилган вакиллар қаторида ўртоқ Сталинга ёзилган мактубга қўл қўяётган чоқда қилган аҳди қизни тўхтатиб турлмади. Шунинг учун у, меҳмонлар ўтирган уй эшигининг тутқичини маҳкам тортиб юбәрди. Эшикнинг икки табақаси ҳам ланг очилиб кетди. Қиз уйга кириб меҳмонларга салом берди.

Қурқ ёстиқни кўрғигига қўйиб, қашқарча гилам устига бағрини берганичи дастурхон ўрнида ёзилиб турган ер қарталари суратидан кўзини олмай ястанган, агроном колхоз раиси, партия ташкилотининг секретари, айниқса ўзининг ёнига яқин ёлдошлаб олган ҳосилот совети раисига аяланичаларни жон куйдириб уқтирар, алланималардан қаттиқ ўлкалар эди.

Ҳаммадан тўрда оплоқ нуроний соқолларини тароқ ўрнида бармоқлари блан тараб, агрономнинг гапларига рази сөлиб, одоб блан чордона қуриб ўтирган тажрибакор чол, қизнинг саломини қабул қилди. Бу кекса пахтакорнинг Замирага йил буйи берган та'лими натижасида қиз 1945 — йили ҳар гектар ердан 90 центнердан пахта ҳосили олиб, бутун Ўзбекистонга донғи кетган эди. Қиз уйга кирганда, ўзгарининг лоқайд ўтирганидан ийманган агроном ва унинг орқасидан бошқалар ҳам қоматларини кўтариб, чўкка тушиб ўтирдилар. Қизнинг кутилмаган бу одатидан ҳайратда қолган ота, безэвталанди. Лекин агроном дарҳол ўридан туриб, унинг блан қўл бериб кўришди. Бошқалари оғзаки саломлашдилар.

Орада бир лаҳза жимжитлик ҳукм сурди. Сўнгра Мутал ака қизига „Нега беақт кирдинг?“ дегандек қаради. Аммо қизнинг жафа ва тараддудли кўзларидан алланималар пайқаб:

— Дастурхон ёзмоқчимисан, қизим? — деб сўради.

Қиз токча тагидаги стулга утиратуриб:

— Дадажон, бу сафар ўзимнинг дастурхонимни ёзмоқчиман. Сра чидаб тураолмадим. Ахир, мен комсомол а'зосиман, сиз бўлсангиз партия а'зссисиз. Мен қурултойда ўртоқ Сталин номига ёзилган хатга қўл қўйганман. Уша қурултойга ўзингиз ҳам борган эдингиз, энди қандай қилиб уларнинг юзига қарайман. Далага чиқсам юрагим орқага тортиб кетади.

— Ҳа, нима гап, нима можаро, қизим? — деди Мутал ака пинак бузмай.

Меҳмонлар ва отасининг саловати босиб турса ҳам, комсомол қиз дадил гапираверди.

— Ўзларингиз жуда яхши биласизлар, еримни ўтган йил кузда барвақт ҳайдаб, оқкесак қилиб қўйдим ва унга керагича гўнг, эски девор ҳам тупроқ солдим, звено а'золарим блан уйма-уй юриб, қаерда жиндак гўнг кўрсак қириб олиб, ерга сепдик, қиши блан тинмадик. Эрта баҳорда уватларни тозалаб, зарарли ҳашаротларга йўл қўймадим. Қочқинди сувлар йиғилиб қолиб, гўзалар захлаб қолмасин учун 500 метрча зовур қазидик. Куздагисига қаноат қилмай баҳорда яна ерга трактор тушиш олдидан бир сидра текис гўнг ва тупроқ сепдик, ҳар гектарига ярим тоннадан суперфосфат солдик. Ерга солинган бир сиқим гўнг ва ўғутнинг кучи ҳавсга учиб кетишига йўл қўймадик. Март ойида НАТИ трактори блан бўйига ҳам энга икки мартаба ҳайдатдик. Трактор тишлари ер бағрига 30 сантиметрдан кам қиргани йўқ. Воҳоб Саторов кеча-кундуз ухламай плугни идора қилди, ўзим ер бошидан кетганим йўқ. Еримнинг паст-баланд ерларини тузатдим. Тракторга тиркалган тирмадан ташқари яна от блан ҳам барана қилдик. Ернинг бурчаклари, чекаларини кичкина трактор ва қўш блан икки-уч мартаба пишиқ ҳайдадик, увотларни кетман блан тақир қилиб қирдик.

Қизнинг гапини кекса тажрибали пахтакор чол, бошини қимирлатиб тасдиқлар-кан, сўнг агрономга қараб:

— Дарҳақиқат куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда деганларидек, қизим, йигим-теримни олиб бўлганидан сўнг дарҳол ерни пишитиб олган эди. Шундан бери омон бўлгурлар, жуда товулашиб, меҳнат қилаётир.

Қиз гапида давом этди:

— Ўзингиз ҳам кўрган эдингиз, агроном ака, одамнинг кафтидай ернинг бир парчаси ҳам безланган эмас, қатқалоқ босмаган. Ичидан муштдек ҳам кесак тополмайсиз.

— Ҳуш, нима бўлди Замирахон? Биламан, ерингиз жуда пухта пиштирилган эди.

Замира агрономнинг саволига жавоб бермай, унга юрагидаги ҳамма гапни тўкишни давом этдираберди.

— Ерим юмшоқлик қилиб, трактор ботиб кетадиган бўлганидан чигит экиш олдидан бир сидра қўш блан тахта мола босдик. Ер бағридан чигит ялчиб унсин учун ерни шамоллатишга қўймадик. Ҳайдашнинг сифатига қандай э'тибор қилган бўлсак, молалашга ҳам шундай қарадик. Сўнгра чигитни тоза бўйралар блан

ўралган махсус ўрада ивйтдик. Уни формалин блан дорилаб бир соатча ўраб қўйдик.

Сўнгра экиш бошланди.

Сеялка тепасига тажрибали пахтакор ўтирди, чигит бир-бирига ёпишмай ерга дона-дона бўлиб тушсин учун, сеялкада ўралиб, чигитхонадаги гилдирак уни янчиб юбормасин учун чигитни кулга беладик. Шунинг блан бирга еримиз ўгитланар ҳам эди.

Трактор сеялкаси чигитни сув оқар томонга қараб, текис экди. Ернинг бирон жойида сув кўллаб қолмайдиган бўлди. Қисқасини айтсам, ўртоқ агроном, муддатидан 7 кун олдин яъни 15-мартда чигит ерга тикилиб бўлди. Сўнгра сув равон юрадиган қилиб, ўқ ариқ олдик. Ўқ ариқ уватлари ва унинг атрофидаги ерларнинг ғўзалари онда-сонда бўлиб қолмасин учун кўл блан экиб чиқдик.

Замиранинг ҳикоясини жонқулоғи блан тинглаб ўтирган тажрибали пахтакор чол, „ўлма қизим“ дегандек унга бир қараб, ўрнидан кўзғалиб ўтирди. Қизнинг арзи чўзилиб кетганидан бироз ташвишланган отаси Мутал Қайюмов агрономга қаради. Брок, қизнинг ҳикоясига ҳаммадан кўра ҳам жиддий қулоқ солиб ўтирган агроном, Мутал акага „тўхтанг“ дегандек имо қилди. Мутал ака тиззаси блан кўкраги ўртасига қовуштирилган кўлларини босганича энкайиб ўтираберди. Қиз ҳикоясини давом этдирди.

— Сўнгра апрель ойида ҳам хотиржам бўлиб ўтирганимиз йўқ. Ердан чигитлар қийғос униб чиқабошлади. Ҳозир еримизнинг ярмидан кўпидидаги чигит қоматини кўтариб қолди. Брок, энди нима қиламиз? Ўтган кунги жала ва ундан сўнгги қатқалоқлар етмагандай бу изғирин блан қор учқунини кўринг! Бу офатни қандай даф қиламиз? Эки ерга чигитни бекор эрта тикиб қўйдикми?

Замира теразадан эшикка қараркан, кўзларига жиққа ёш тўлди. Мутал ака блан ҳосилот советининг раиси ўрнидан сачраб турди-да, тераза ёнига бориб, уни ланг очиб юборди. Осмонга узоқ тикилишиб қолишди.

Чол ўрнидан турмай, салобат блан:

— Энди, болаларим, ҳут ўтди, ҳамал ҳам чиқиб кетди, чоғдан совур бошланди. Яқин орадаги бирон тоққа қор тушди шекилли, бу совуқ ўшанинг совуғи, изғирин ўша қорларнинг учқунини ҳайдаб келаётир, эҳтиёт қилмасангиз шунча меҳнат, машаққатларингиз беҳуда-хабата бўлиб кетади. Ҳавонинг фе'ли бузуқ кўрйнади — деди.

Агроном чолнинг гапларини диққат блан тинглагандан сўнг:

— Ҳавонинг бузилишини 5 кун бундан олдин марказдан маълум қилган эдилар. Район раҳбарлари ҳам дарҳол ҳамма колхозларга маслаҳат берган эди. Бу офатни даф қилиш учун ҳамма колхозлар чора ва тадбирларни кўриб қўйдилар. Брок, шу тайёрлик сизларнинг колхозларингизда қандай эканлигини текшириш учун бугун ўзим келдим. Қани раис ака, чигит экишнинг сифати ва янги очилган қуруқларга эккан экинларингиз масаласини узил-

кесил гаплашиб олайлик. Сўнгра ерларнинг тепасига чиқамиз — деди агроном.

Ҳаммалари яна ўз жойларига ўтиришиб, колхоз ерларининг сурати қарта-қарта қилиниб, турли рангда чизилган қоғозга тикилдилар.

Замира ўрнидан туриб, кетаётган эди, агроном унга:

— Ерларингизнинг тепасига етарли гўнг ва похол уйганми-сиз? — деб сўради.

— Ҳа, ҳозир ҳам ташияпмиз. Гўнг-похол, звенолар ўртасида талаш. Хийла чиқариб қўйдик. — Жавоб берди Замира.

— Чириган сомон, хашак бўлса ҳам чиқараверинглар, ўзим ҳам ҳозир чиқиб бўрман. Бу совуқ хамирнинг учидан патир. Қора совуқни ҳали соат 5 лардан сўнг кўрасиз. Лекин шомманг, қўрқманг ва саросимага тушманглар. Жойи келганда табиат билан ҳам курашиш ва албатта уни енгиб чиқиш керак. Бу соҳада халқимизнинг тажрибаси кўп. Айниқса сизларнинг колхозларид-гизда бундай ҳурматли тажрибакорлар етарли, шундай эмасми отахон? — чолга қаради агроном.

Чол агрономнинг гапини ма'қуллади.

Замира, тепасида қор учқунлари ғувуллаб турган 5 гектар ерни қандай илтиб олишига чунон ақли етмаса ҳам агрономнинг берган далдаси билан узини тетик ҳис қилиб, яна далага қараб жўнади. У, катта дарвозга яқинлашганида онаси Ачагул:

— Овқатингни еб кетмайсанми, Замира? Мана, дам еб қолди, ҳозир сузаман, — деди.

— Иш бошида иссиқ овқат тайёр, ўша ердан ерман, тезроқ меҳмонларга овқатни сузиб бериб, ўзингиз ҳам ишга чиқиб бering! — деди онасига қиз ва орқасига қарамай катта дарвозадан чиқиб кетди.

Агроном бошлиқ тажрибали пахтакор чол, колхоз раиси, партия ташкилотининг секретари, ҳосилот советининг раиси, бу йил ҳар гектар ердан 100 центнердан пахта ҳосили беришга ваъда қилган Замира Муталова бошлиқ звенонинг ерига етиб келганларида соат кеч 5 га яқинлашган эди. Кўкнинг ложувард юзларини булутлар ўраган, тоғ томондан ғувуллаб турган телба изғирин яғана қилиш олдида турган ғўзанинг яшил баргларини аччиқ тиллари билан ялаб кетар, бэхор қуёшининг роҳатбахш, иссиқ нурларини қўмсаган ғўзалар, ер юзига шошилиб чиқиб қолганларига пушаймон қилгандек бошларини ғамган тебратар ва ялағоч танларини жизиллатиб, қорайтириб бораётган бемаҳал пайдо бўлган совуқдан койиб, ер бағрига бурканар, илжи бўлса ернинг илиқ қўйнига қайта кириб, жон сақлагулари келар эди.

Ғўзаларнинг бу аянч ҳолига шу он ёрдам бериш учун дунёда қуёш ва одамдан бошқа нарсанинг ҳаммаси ожиз эди. Ҳатто бундай пайтларда қуёш ҳам мағлуб бўлиб, одам олдида ип эшмай қолади.

Табиатни забт этиш, инсонни бахтиёр, оламни чаманзор қилиш ялмини яратган ва бу илми қаҳрамон халқимизга ўргатган, ўргатаётган доно устозларимиз кўрсатган йулдан шахтам, деди

қадам ташлаб бораётган совет қишлоғининг олими агроном, эгатлар атрофида гир айланиб, похол ташиб юрган комсомол а'зоси Замирахон олдиға етиб келди.

Кенжа пахтакор унинг юзига нажот кутгандек қаради.

Колхоз раиси блан партия ташкилотининг секретари агроном блан хайрлашиб, бошқа бригадаларға кўмак бергани шошилдилар. Ҳосилот советининг раиси ҳам бир томонга қараб югуриб кетди.

— Қани бошланг! — деди агроном звено бошлиғига.

— Нимани бошлайман? — деди Замира агрономнинг буйруғига тушунмай.

— Шамол томондан гўнг ва похолларға ўт қўйинг! — деди аввал тоғ томонга, сўнгра кўкнинг шимол ва шарқ томонига тикилиб агроном.

Звено бошлиғи ўз а'золари—Ўлмасхон, Хайрихон, Зиёдатхон ҳамда Воҳоб Сатторовларға агрономнинг буйруғини такрор қилди.

Беш гектар ернинг атрофиға бирнеча кундан бери уюлган гўнг ва похол тутатилди. Ундан секин, вазмин, биқсиб кўтарилган нафармон тутун, дала бетини қоплаб, совуқ изғиринга қалқон бўлди. Гўнг орқасидан тутаётган похоллар гоҳ-гоҳ ўзининг олов найзаларини бемаҳал келган „қиш“нинг муз танига санчиш учун кўкларға кўтарилди. Баланд тоғлардан ўтаётганда дуч келган совуқ юзли, бемаҳал сафарға чиққан ҳамроҳининг акс ишларидан ранжиган баҳор ели ўзининг ёқимли эпкени блан Замиранинг ерларида эркин кўкрак кўтарган чақалоқ ғўзаларнинг дириллаган танини мовит тутунлар блан ўрар ва кулранг гиламларни ерларға ёяр эди.

Замиранинг ерларини сийпаб учаётган бахмал тутун тун зулматига қўшиларкан, уч қадам ердан звено а'золари бир-бирларини кўралмас эдилар. Фақат тажрибакор чол ва звено бошлиғининг буйруқ беручи овози тез-тез эшитилиб турар эди.

Агроном вазиғани амалда муфассал тушунтиргандан сўнг, орта блан келиш шарти блан қўшни колхозларға ўтиб кетди. Звено а'золари туни блан ғўзалар устиға гўнг ва похол ёпдилар. Беш гектар ернинг ҳоврини чиқариш, тиимай давом этдирилди.

Кечқурун, саҳар палласи ва тонг отарда ёвуз табиат блан одамлар ўртасида айниқса шиддатли жанг бўлди. Звено а'золари бир дақиқа ҳам мижджа қоқмадилар. Ниҳоят совуқ орқасидан саҳарда кутилган қиров Замиранинг ериға ўз захрини сочалмай қуюқ тутун қучоғида эриб кетди. Нонуштаға қадар беш гектар ернинг ҳоври сўлка кўтарилиб турар эди.

Кексалар айтганидек эшак ўлдирад офтоб, онда-сонда йилт этганда учқун сочиб келган изғиринга қарши ўз вақтида кўрилиб қўйилган тараддуднинг натижасидан хурсанд бўлган. Пахтаобод қишлоқ советидаги „Ильич“ колхозининг 100 центнерчи звено а'золари совуқнинг янги ҳужумиға тайёрланиш учун эгатлар устиға ҳамон гўнг, похол, чириган сомон ва хашак ташир эдилар. Бу аҳвол бирнеча кундан бери ҳамма бригада ва звеноларда ҳукмрон эди.

Апрель ойининг 15 ларида ғўза юзига ёпйлан похол гўнг очилди. Совуқдан жонсарак бўлиб қолган ғўзаларнинг тагига тупроқ тортилди. Унинг орқасидан ғўзаларни дарҳол бикирлаш (қаторлаш) учун чуқур қилиб чопиқ ўтказилди. Унинг кетидан бир йўла яхшилаб ягана ўтказилди. Ғўза текис икки қулоқ бўлганда 20 сантиметр чуқурликда трактор культивацияси ва бир-неча кундан сўнг 14 сантиметр чуқурликда от культивацияси қилинди. Буларнинг ҳар қайсисидан сўнг кетман бўйи қилиб чопиқ ўтказилди. Ҳаммаси бўлиб олти марта культивация ҳам олти марта чопиқ ўтказилди.

Звено а'золарида ҳамон тиним йўқ. Уларнинг ҳар бири улуғ Сталинга ёзилган мактубдаги шартларни бажариш учун самимий ва жиддий ишлар эдилар. Доҳига берган ва'дани бажариш орзуси уларга куч ва қувват бағишлар; кун сайин, соат сайин ғалабага олиб борар, пахтадан юқори ҳосил олиш учун бўлган кураш йўлларини ҳамон равшан ёритиб турар эди.

Ўз илмини меҳнат севар халқимизнинг ҳазина-ҳазина тажрибалари билан яна бойитиб, такомиллаштириб юрган ўрта бўйли, қотмадан келган, қоратўруқ, чекаларига бир—икки оқ тушабошлаган сочларини тус дўппи билан бостириб олган, оқ кўйлак устидан галифе шимнинг йўғон қайишини қисиб боғлаб олган, бризент этик кийган, юлдузи иссиқ агроном йигит бу гал Замирахон звеносининг пахта далалари тепасига май ойининг охирларида келганда, унинг ғўзалари ҳар қандай балого бардош берадиган бўлиб қолган эдилар.

Замира ғўзаларни оралаб юрган агроном билан колхознинг ҳосилот совет раисига кўзи тушди-да, улар олдига югурганича етиб келди.

— Салом Замирахон — деди агроном кўл узатиб,

— Салом, ўртоқ агроном, келинг.

— Келдик. Сиздан рухсатсиз ғўзаларингизни текшириб юрибмиз, бемалолми? — деди агроном.

— Раҳмат. Ўзингиз бўлмасангиз ҳам соянгизга кўрпача солиб юрибмиз, ўртоқ агроном.

— Ҳа, тузук, олов отишадиган бўлиб қолибсизку...

— Ғўзамизнинг баҳри қалай ўртоқ агроном? — деб сўради Замира.

— Агар бундан сўнг ҳам билак шимариб, ишлайберсангиз, ўша совуққа қарши курашган кунларингиздек курапсангиз, марра сизники. Чунки чигирткалар, ҳашаротлар пиёдалашиб қоладиган вақти келди. Аммо ғўзаларингиз, — Замирахоннинг юзидан ўталмайман — деб турибди — деди қаҳ-қаҳ уриб агроном.

Агроном ва тажрибакорларнинг маслаҳатини қулоғидан чиқармаган Замира Муталова ёз бўйи ғўзанинг ичидан чиқмади. Ғўза оби-тоби чоғида кечалари шарбат қилиб сув берди, вақтида чопди, азот сочди, уватларини текислади, ҳашаротларга қарши курашди, ғўзанинг ризқига суқланиб, бош кўтармоқчи бўлган ҳар қандай ўтти таг-томири билан юлиб ташлади. Энига ҳам бўйига қараб икки мартаба чеканка қилди. Буларнинг ҳаммаси ғўзанинг эрта гулга

киришига сабаб бўлди. Шулар натижасида ғўзалар шиға кўсаклади. Ҳатто кўсакларга ғўза тубларининг бандаклари чидаш бералмай, ерга эгилди. Улар ҳаччалар блан кўтарилиб қўйилди. Ҳар туб ғўза 30 дан тортиб, 200 гача кўсак тугди.

Эрта экилган пахта, эрта очилади. Кеч экилиб, куз ёмонроқ келиб қолса, ортиқча ташвишга сабаб бўлади. Замиранинг пахталари август ойининг охирларида ёппасига очилиб берди. Пахталар шундай сергўш эдики, икки кўсакнинг пахтасини бир ҳовуч қилиб бўлмас эди.

Терим бошланиб кетди. Кундуз қуёш нурлари, тунда ой нурлари блан рақобат қилучи оқ олтин даласида кунитунитун иш авж олди. Шунча машаққат чекиб, шунча меҳнат қилиб вояга етказган пахтанинг бир шонаси ерда ётса бўладими, кўзинг қиядимиз? Албатта йўқ. Унинг ҳарбир граммини кўз қорачуғидай асраб, териб давлатга топшириш керак. Замиранинг ерида барака қайнаб кетди. Кўкка етадиган пахта хирмонларининг сони-саноғи йўқ.

Шу йилги мавсумда Замиранинг ўзиёқ 14 тонна пахта терди. Улуғ бир дostonнинг ғўзал қаҳрамони бўлажак, Ленин комсомол этиштирган Замира Муталова, ўзининг тенгқурлари — звено а'золари блан тонгдан ой чиққунгача пахта денгизи ичида сузиб юраркан, уларнинг юрагидаги буюк муҳаббатни куйламасдан бўладими?

Пахтадан юқори ҳосил олиш учун Ўзбекистонда бошланган умумий халқ юришига қўшилган 100 центнерчи Замирахон звено а'золари 1945 йилда ҳар гектар ердан давлатга 101 центнердан юқори нав' пахта беряб, ўртоқ Сталинга берган вадаларини а'ло даражада бажардилар. Бунинг блан улар топшириқни пайдар-пай якки йил бажардилар.

СССР Олий совети пахтачиликни юксалтиришда Замиранинг кўрсатган фидокорона хизматларини тақдирлаб, минглаб пахтакорлар қаторида уни ҳам „Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун“ медали, „1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида „Шавкатли меҳнати учун“ медали, „Ҳурмат белгиси“ ва „Меҳнат қизил байроқ“ орденлари блан мукофотлади.

Замира Муталова қишлоқ хўжалик а'лочисидир. Унинг 13067 рақамли гувоҳномасига 1945 йил 3 июльда шахсан ўртоқ А. Андреевнинг ўзи қўл қўйган. Бу Улуғ мукофотлар Ленин комсомолининг а'зоси Замира Муталова бошлиқ звено а'золарини янги ғалабаларга қанотлантираётир.

* * *

1947 йилнинг баҳори барвақт келди. Апрель ойининг иккинчи ярмида эса, ҳаво бузилиб, ўтган йилнинг машаққатлари яна такрорланди. Броқ бу гал табиатга қарши курашга Замиранинг ўзи бош бўлиб, уни енгиб чиқди. У ҳар гектар ерига 20 тонна гўнг-тупроқ солди. 700 килограмм суперфосфат сепди. Табиатнинг кутилмаган ҳар қандай инжиқликларининг олдини олиб, яна 20 тонна майда гўнгни ер тепасига ташиб қўйди.

Бу йил мамлакатга бир миллион 600 минг тонна пахта бериш учун республикамизда қизиқ кетган социалистик муссбақага қўшилди. У ўзининг ҳар гектар еридан давлатга 120 центнердан пахта бериш учун курашаётир.

Ахир, мусобақадан мурод фақат ўзинг илғор бўлиб олиш эмаску, мусобақадан мурод кейинда қолганларни ҳам ўзингга тенглаштириб, ҳамма баробар юксалишга эришмоқдир. Шунинг учун Замира Муталова бу йил ўз колхозидаги Қантаева ва Мирзабековаларни юз центнерчиликка ўргатаётир. Булардан ташқари қўшни „Чкалов“ колхозида яна бир юз центнерчи звено ташкил қилиб, унга мутасадди бўлди.

Ўзбекистоннинг псевсиз пахта далаларида чигит экиш айни авжга чиққан кунлар эди. Москвадан радио карнайлари ва газеталар ўзбек халқига шундай хуш хабарни етказдилар:

СССР Олий Совети Президиумининг фармони:

1946 йилда юқори ҳосил олганликлари учун қуйидаги кишиларга социалистик меҳнат қаҳрамони унвони берилсин ва Ленин ордени ҳамда „Ўроқ ва болға“ олтин медали топширилсин:

Муталова Замира — Ўзбекистон ССР, Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги „Ильич“ номли колхознинг звено бошлиғи; 5 гектар ердаги пахтанинг ҳар гектаридан 101 центнердан ҳосил олган“.

Ленин—Сталин комсомолининг а'зоси, кенжа пахтакор Замира Муталованинг кўкрагида порлаган Ленин ордени блан „Ўроқ ва болға“ли олтин юлдуз бутун ўзбек халқининг фахридир. Юқори ҳосил олганликлари учун социалистик меҳнат қаҳрамони унвони олган қишлоқ хўжалик илғорларига шон ва шарафлар бўлсин!

„Ильич“ колхозини

РАМЗ

ОРОЛ

Состав келиб тўхтади чўлда,
Олидан кўк денгиз кўринди.
Пастга тушдим — чойнак бир қўлда,
Иссиқ шамол юзга урилди.
Бир замонлар эл қон йиғлаган,
Бу ерларда ўсмаган гиёҳ,
Кечқуруну-азон йиғлаган,
Шевченконинг кўз ёши гувоҳ.
Бир замонлар қадди эгилиб
Абай ўтган қора тунларда,
Аччиқ ситам қалбини тилиб,
Не кўрмаган оғир кунларда.
Ким эди у нуроний Жамбул,
Тоёқ синмасмиди бошида?!
Саодатни топаолди ул
Фақатгина кекса ёшида!
Энди бу эл бахтиёр, шодмон,
Нақадар мавж урипти толе'.
Сигдиралмак эди бир замон
Бундай бахтни шоир хаёли.
Овулларда ёнади гулхан,
Қирларида пода юради,
Қозоқ айтган ўйноқи ўлан
Узоқлардан келиб туради.
Денгиз эса гўзалликка бой,
Ялт-ялт этар тилларанг тоши.
Бамисоли ёзининг қўёши,
Излаб юрар сув тагидан жой.
Чексиз саҳро, ложувард Орол,
Бор бисотин қилади кўз-кўз,
Қараганча турар эдим лол,
Сигнал бериб қолди паровоз.

Тошкент.—Москва, 1947 йил.

КОРНЕЛИЙ ЗЕЛИНСКИЙ

А. А. ФАДЕЕВ

Ҳозир Александр Фадеевнинг номи минг-минглаб китобхонларнинг тилидан тушмай қолди. Фадеевнинг „Еш гвардия“ деган ажойиб романи совет кишиларининг туйғуларига бениҳоя чуқур таъсир қилди. Совет Иттифоқининг тамоми бурчакларидаги завод клубларида, қироатхоналарда, мактаб ва кутубхоналарда „Еш гвардия“ романига ва шу муносабат билан Фадеевнинг ижодига бағишланган кечалар ўтказилмоқда. Фадеевнинг номига ва романи босиб чиқарган нашриётга китобхоналардан сон-саноксиз хатлар келиб турмоқда. Бу хатларни комсомоллар, студентлар, ўқитучилар, офицерлар, ишчилар, колхозчилар ва рўзғор иши билан банд бўлган аёллар ёзмоқдалар. Бундай хатлар Ватанимизнинг барча бурчакларидан келиб турибди. Санъаткорнинг моҳир қалами билан тасвир этилган қаҳрамонларнинг фикр-ёвлари бири-бирига қандай мустаҳкам боғланган бўлса, бу хатларни ўқиган кишилар ҳаёт билан адабиёт ҳам бир-бирига нақадар мустаҳкам боғланган эканлигини кўрадилар. Бу роман одамларда большевиклар партияси билан совет ҳокимияти тарбиялаган энг яхши туйғуларни уйғотади, китобхонларни янги ва янги фидокорликларга илҳомлантиради, „Еш гвардия“нинг қаҳрамонлари сингари уларнинг қалбини соф ғоявий ва соф ахлоқий нур билан ёритади.

„Еш гвардия“ тўғрисида бепоён Ватанимизнинг турли томонларидан келган ана шу хатларни ўқиганингда М. Горькийнинг 1911 йилда ёзган „Йироқдан“ деган мақоласи беихтиёр эсингга тушади. Горький бу мақоласида бир маҳал қўлига жуда нафис ёзилган бир китоб тушганини ва уни ўқиганида бутун қалбини маъюслик босганини ҳикоя қилади. Қалбни маъюслик босганининг боиси шу бўлганки, бу китобни ёзган кишилар Русияни жонсиз ва руҳсиз қилиб, аҳолисини эса заиф ва ижодчилик фикрига ноқобил қилиб тасвир этганлар. Шунда Горький: „Янги китоб ҳаётга қандай таъсир этиши мумкин?“ деб ўз-ўзинга савол беради-да, унга жавобан, китобнинг Русияга тарқалиш манзарасини кўз олдига

келтиради. Маданиятдан узоқда бўлган ўлканинг қоронғи бурча-гида яшовчи врач, ўқитучи, ёнги саводли деҳқон блан сер-ҳавас ишчи бундай китобни кўриб, унга очкўзлик блан ёпишиб олади.

„Бундай ма'юсона китобни ўқиган кишилар, — деб ёзаяди М. Горький, — унинг „ширин“ захарини секин-аста ичларига ютадилар... Китоб ҳам ўқиб чиқилди энди, лекин ундаги бема'ни ва аянч манзаралар ўқучининг қалбига оғир юк бўлиб тушди. Китоб-хон бурчакка ма'юсона тикилади, ўтмиш ҳаётини ва ишларини эсига туширади, ҳаёт унга аллақандай зулмат ва ғам-ғуссалик бўлиб кўринади, уни орқага тортади“¹.

Ана шунинг учун ҳам совет халқи, совет кишисининг образи-ни камситган Зошченконинг ярамас „асарлари“га қаттиқ нафрат блан қараб, уни рад қилиб ташлади. Горькийнинг ана шу таҳлит-даги ёзучилар тўғрисида: „Бизларни паст одамларсиз деб айтучи кишилар ўзларининг пасткашликларини ўзларининг ва'злари ор-қасига яширадилар. Ҳаёт блан одамларни севган киши ҳаётда севги йўқ деб айтмайди“² — деган сўзларини эсга келтирмай бўл-майди.

Ана шу сабабдан ҳам халқимиз Фадеевнинг „Ёш гвардия“ де-ган романига беихоҳ ҳавас блан меҳр қўйди. А. Жданов „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари ҳақида қилган докладида „Яхши асарни ютилган жангга қиёс қилса бўлади“ деган эди. Бу сўзлар шак-шубҳасиз Фадеевнинг янги романига тааллуқли дейиш мумкин.

Ёзучи бу жангда қандай ғолиб чиқди экан? Бунинг сири ни-мадаю, манба'и қайерда экан? Ниҳоят, тажрибаси сан'атига асос бўлган Фадеевнинг ҳаёт тажрибаси қандай экан?

Ёзучининг инқилобий пролетар кураши соҳасидаги ҳаёт тажри-баси қандай тўпланган ва кейин бу тажриба бадний образларга қандай татбиқ этилган экан деган саволга жавоб бермоқ учун, олдин Фадеевнинг энг бошлаб та'сирланган манба'ларига тўхтаб ўтишга тўғри келади. Кейин унинг ижодий таржимайи ҳолини ҳикоя қилиб берамиз.

* * *

Фадеев 1901 йилда инқилобчилар оиласида туғилди; болалик чоғларидан бошлабоқ инқилобий муҳитда яшади. Фадеевнинг отаси Александр Иванович Фадеев, Ирбит уездининг Покровка қишлоғилик деҳқонлардан бўлиб, ўзи ма'рифат ортдирган қишлоқ ўқитучиси эди. Бу одам ҳали инқилобий назарияси пишиб етил-маган қишлоқ ис'ёнкорларидан эди. Онаси эса Антонина Влади-мировна Александр Иванович Петербургда қамоқхонада ётганида у блан танишган эди. Аммо Фадеевнинг ҳақиқий мураббиси Вильно шаҳрининг темир йўл касалхонасида фельдшерлик қилучи Глеб Владиславович Свитич деган ўғай отаси бўлган эди. 1905 йил революциясига қатнашучи Г. В. Свитич социал-демократ ва Вильно

¹ 1905—1916 йилги мақолалар, 135 бет.

² Ўша жойла.

ҳарбий ташкилотининг а'зоси эди (партиядаги лақаби Григорий эди). А. В. Фадеева 1905—1906 йилларда РСДРП нинг Еильнсдаги яширин ташкилти блан алоқада бўлиб, чет мамлакатлардан Русияга яширин равишда қурол ва большевистик адабиёт юбориб турар эди. А. В. Фадеевнинг вокзал бўйидаги уйи қурол ва яширин адабиёт жўнатиб туриладиган жойга айланган эди. А. В. Фадеева (1905 йил революцияси мағлуб бўлгандан кейин) чет элларга кетаётган ўртоқларга ёрдам беради, уларга кийим-бош ва паспорт тўғрилаб беради. Ана шундай яширин ишлаш даврида Фадеева блан Свитич учрашиб қолишадилар. Г. В. Свитич (1917 йил 28 апрельда урушда вафот бўлди) машҳур инқилобчи—халқ эркчиси, 20 йилдан ошиқ умрини Кареда каторгада ва сургунда (Якутияда) ўтказган В. С. Свитич-Илличнинг ўғли эди.

Фадеевнинг ёш болалик даври онаси блан Русиянинг ҳархил шаҳарларига кўчиб юриш блан ўтади. Ахири бутун оила блан Жанубий-Уссурий ўлкасининг (темир йўлдан 100 километр наридаги) Чугуевка деган қишлоғида туриб қолишади. Фадеевнинг онаси блан ўғай отаси ўша қишлоқдаги аҳолини кўчириш идорасида фельдшерлик пунктида ишлаш бошлайди. Свитичга ер ажратиб берилади у фельдшерлик блан бирга деҳқончилик ҳам қилади.

Жанубий-Уссурий ўлкасига кўчиб келганида Фадеевнинг ёши ҳали еттига ҳам кирмаган эди. Бу ерда, у ўз тенг-тушлари—деҳқон болалари блан бирга Чугуевкада ўқийди, кейин уни ота-онаси Владивостокдаги савдо мактабига беришади. Рус тили ўқитучиси С. Пашковский Фадеевнинг ўша мактабда қўлёзма шаклида чиқаётган журналдаги ишларига қараб, келгусида адиб бўлажанини айтган эди. Унинг айтгани рост чиқди.

Қишда Фадеев Владивостокдаги Мария Владимировна Сибирцева деган холасиникида турарди. Сибирцевлар оиласи Фадеевга бошлаб большевистик та'сир ва кейинчалик ёзучилик руҳини синдиришда муҳим ўрин тутди ва шу блан бирга бу оила Узоқ Шарқда совет ҳокимияти учун кураш тарихида шонли саҳифалар қолдирди, — шунинг учун бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Антонина Владимировна Фадеевнинг опаси бўлмиш Мария Владимировна Сибирцева ҳам Октябрь революциясидан кейин совет ҳокимияти учун курашга қатнашади. Ақллик, иродалик ва хили ма'рифатли бўлган бу аёл Всеволод ва Игорь номли иккита ажойиб ўғил ўстирди. Кейинчалик булар граждандар урушининг қаҳрамонлари ва саботли большевик бўлиб етишдилар.

Мария Владимировна бошда партия сафига кирмаган бўлса ҳамки, лекин Владивосток „Ёш гвардияси“нинг қалби деб ҳисобланади. Япон, Колчак, Розанов, Меркулов ва бошқа шу сингари Жосудслар қувғинига дучор бўлган яширин инқилобчилар Мария Владимировнанинг уйида паноҳ топар, ҳар донм ўз дўстлари блан кўришишга муяссар бўлар, совуқ маҳалларда исинишар, қорин тўйғазишар ва керак бўлган алоқаларни қилиб туришарди.

Узоқ Шарқда партия ташкилоти ва партизанлар ҳаракатининг раҳбарларидан бири бўлган М. И. Губельман шу сатрларни ёзучи блан бўлган суҳбатида шундай деб ҳикоя қилади:

— Мария Владимировна ниҳоятда ажойиб аёл эди. Унинг ўртоқлари бўлмиш матрослар, ишчилар ва ёшларга бениҳса меҳрибонлиги, самимий ғамхўрлиги ва одамгарчилиги кишини ҳайрон қолдиради эди. Подшо малайлари, оқлар ва интервентларга эса нафрат блан жирканиб қарар эди. Мария Владимировна ёшларни севар, улар блан узоқ-узоқ суҳбатлар ва ўйин-кулгилар қилар эди. Ёшлар ҳам уни жон-дилдан севардилар. Мария Владимировна ёшларни Ватанимизнинг келажаги ва инқилобий шон-шавкати дебгина севар эди.

Японлар паровоз ўтхонасида куйдирган Сергей Лазонинг ҳалокатидан кейин бир йил ўтгач, 1921 йилда, Чита шаҳрида босилиб чиққан „Этиборсиз қолдириб бўлмайдиган сатрлар“ деган тўпланда „Она“ сарловҳали очерк бўлиб, бу Мария Владимировнага боғишланган эди. Унинг Всеволод Сибирцев деган катта ўғли, Луцкий деган ўртоғи ҳамда Сергей Лазо, учови бирга куйдирилган эди. Фожиона ҳалок бўлган бу большевикнинг онаси рус аёлининг олижаноб образини ифода этади.

Фадеев уларникига биринчи келганида аллақачон гимназияни тамом қилган Всеволод Сибирцев 1913—1914 йилларда, я’ни Петербург Технология институтида ўқиган вақтдаёқ большевикларга қўшилган эди (Сергей Лазо ҳам ўша институтда ўқир эди). Ўша институтда Сибирцев блан бир вақтда ўқиган Алексей Толстойнинг кейинчалик ёзишига қараганда, ўша вақтда бу институтда анчагина актив социал-демократ ташкилот тузилган экан. Всеволод Сибирцев, 1920 йилнинг 4 апрельдан 5 апрельга ўтар кечасигача, я’ни японлар босиб олгунгача, Узоқ Шарқдаги Денгиз бўйи ўлкасининг большевиклар ташкилотида раҳбарлик ишларида ишлаб келар эди. Унинг укаси Игорь Сибирцев Фадеевдан икки-уч ёш каттароқ бўлиб, унинг жонажон дўсти ва устоди эди. Фадеев ўсмирлик чоғидаёқ, я’ни Буюк Октябрь Социалистик Революцияси Денгиз бўйи ўлкасига эндигина етиб борган вақтдаёқ, Игорь Сибирцев блан инқилобий ҳаракатга бел боғлаб киришиб кетган эди.

Ҳозир бу узоқ ўтмишни эсга олганда ўша вақтдаги совет ёшларининг ҳаёти ва кураши Краснодардаги „Ёш гвардия“ қаҳрамонларининг ҳаракатини кишининг кўз олдига келтиради.

Аммо 1918 йил июнь ойларида Денгиз бўйи ёшлари яширин ишлаш усулига кўчишга мажбур бўлдилар. Краснодар ёшлари сингари улар ҳам, партиянинг амри блан халқимизнинг манфаати учун ўз жонларини аямасдан, йигит-қизлар катта бир жамият ташкил қилдилар.

Фадеев бу жамиятнинг энг ёш а’золаридан бири эди. У, ўн олти ёшдалигида ота-онасининг қарамоғидан кетиб, ўз кунини ўзи кўра бошлади. 1918 йил сентябрь ойида Фадеев большевиклар партиясига кирди. Бошда у оддий ишларни бажарарди: варақалар ёпиштирарди (бу варақалар, рус тилида ва япон тилида ва Владивостокдаги ажнабий солдатларга мурожаат қилиниб инглиз тилида босилиб чиқарилар эди), алоқачи бўлиб юрар, мажлис бўладиган жойга бошлаб борар, „паспорт фабрикаси“да ишлар эди.

Фадеев, 1937 йилда босилиб чиққан „Сергей Лазо“ деган очеркида большевик Дельвигни „Митя амаки“ деб юритилучи темир йул ишчисиникига (я’ни шаҳар четидаги станцияга) бошлаб борганини, унда ўзи ҳам билмасдан большевикларнинг Узоқ Шарқ ўлка комитети (1919 йил январь ойида) мажлисига дуч келиб қолганини ва Сергей Лазони у ерда биринчи марта кўрганини ҳикоя қилади.

Фадеев комсомоллар блан баравар ҳаёт кечирарди, ёшларга топширилган ишларга кўп қатнашарди. Бундай ишлар орасида партия комитети томонидан Сучан, Анкучино ва бошқа шунингдек партизан районларига ва Хабаровск, Забайкальга жўнаётган ўртоқларни ҳархил ҳужжатлар ва паспортлар блан та’мин этиш вазифасини ҳам бажарар эди. Халқ Уйининг саҳнаси остига жойлаштирилган „Паспорт фабрикаси“ яхши йўлга қўйилган эди. Алоқада бўлган босмахона ишчилари ҳужжатларни ўзига боп ҳарфлар блан босиб берар эдилар. Воситачилар орқали полиция участкаси ва шаҳар бошқармаси блан алоқа қилинарди, ундаги янги ва эски паспортлар „ўғирланарди“. Бир гуруҳ ёшлар саҳнада ўйин қилишаркан ва худди ўша пайтда бошқа бир груҳи саҳна остида „ўз ишини“ қилар эди.

Бир маҳал шаҳар деворларига, комендатуранинг махсус пропускасиз шаҳардан ташқарига чиқилмасин, деган буйруғи ёпиштирилди. Эртасига эса, бирқанча ўртоқлар станцияга чиқиб поездда жўнашлари керак эди. Ўша пропусканинг нусхаси топилди ва кўп қийинчиликлар блан босмахоналарнинг бирида унинг нусхаси бостирилди. Броқ бундан ташқари печать босиш, пропускарларни ёзиб тўлдириш ва ниҳоят учта (комендант, полиция амалдори ва секретарининг) имзонинг нусхасини олиш ҳам зарур эди. Бу иш Фадеевга топширилди. У, пропускар ва имзоларни тайёрлаш учун бел боғлаб ишга киришди. Дастлаб янги пропускарларни синamoқ учун Фадеевнинг энг яқин ўртоқлари (жумладан Саша Бородкин ҳам) жўнаб кетишди. Иш кўнгилдагидек бўлди. Поездда ҳужжат текширучи офицер, азаматларимизни ўтказиб юбориш бирёққа турсин, ҳатто бирининг пропускасини қўлига олиб, буйруқдан беҳабар бўлганидан шаҳардан пропускасиз чиққан бир тўда деҳқонларга уни кўрсатиб: „Ҳозир мана шу станцияда тушингларда, шаҳарга қайтиб, мана бу адрес блан комендатурага боришлар. Мана шундай пропускар олинглар, кўраяпсизалрми?“ — деди-да, Фадеевнинг „маҳсулоти“ни кўрсатди.

Бородкин, Владивостокка яна қайтиб келганидан кейин, ўзи блан бирга борган ўртоғига шундай деди:

— Аттанг, биродар, деҳқонларга Булиганинг адресини айтиб бермапмизда. Комендатурага бориб нима қиларди, бизларники яхшироқ-ку...

Булига — Фадеевга қўйилган лақаб эди. Партизанлар ҳаракатида большевикча раҳбарликни мустаҳкамлаш тўғрисида партия комитети чиқарган қарорга мувофиқ Фадеев ҳам Сучандаги партизанлар ва кончилар олдига жўнаб кетишга тайёрланмоқда эди.

Фадеев 1919 йилнинг май ойида Сучан ёнидаги Фроловка қишлоғига етиб келди. Буерда партизанлар отрядининг штаби жойлашган эди.

Фроловкага кўп-кўп Владивосток ёшлари, матрос, ишчи ва ўқучилар ҳам келди. Бу вақтда Владивостокда кўплаб қамоққа олишлар ва оқ гвардиячиларнинг ур-йиқити авж олиб кетган эди.

Фроловкага турли-туман йўллар билан ва кўп маҳал тайга ўрмонларидан оралаб, Сибирцевлар теварагидаги кўп-кўп ёшлар ҳам келди. Бу ўқучи ёшлар келгач ташвиқот-тарғибот ишлари жуда кўчайиб кетди (кўпинча оғзаки). Бу ишга Сергей Лазо жуда катта аҳамият берар эди. У, маданий ёшлар энг биринчи галда омма ўртасида большевиклар партиясининг сиёсатини тушунтирсинлар, деган масалани инқилобий штаб олдида қувватлар эди.

Адабиётга интилучи ёшларнинг партизанлар штаби томонидан Фроловкада босилаётган „Партизанлар даракчиси“ газетаси атрофига тўпланишлари табиий бир ҳодиса эди. Бу газета бошда машинкада ва кейинчалик гектографда босилиб, партизан отрядларига тарқатилар эди.

Ёшлар орасида ва „Партизанлар даракчиси“ газетасида ишлаш келгусида адиб бўлучи Фадеевга анчагина таъсир қилди.

Фадеевнинг университети, яъни унинг партизанлар курашига қатнашув тарихи, ана шу тарада бошланди, Фадеев ярадор бўлди, ер тўла ва кулбаларда яшади, ҳужум қилди ва яширинди, разведкага борди, топшириқлар билан шаҳарга қатнади, яна тоғлар ва ўрмонлар орасига кириб кетди. У, оқларга қарши, интервентлар ва биринчи галда японларга қарши урушди. У, партизанлар ҳаракатининг барча даврларини бошидан кечирди. Партизанлар ҳаракати вақтинча тор-мор бўлиб, буни яна илгариги ҳолига келтириш мумкин бўлмагандай кўринган пайтлар ҳам бўлди. 1920 йилнинг март ойида Булига — Фадеев Узоқ Шарқ большевикларининг Никольск-Уссурийск (ҳозирда Ворошилов)да бўлган конференциясига Спас-Иман ҳарбий районидан вакил қилиб юборилди. 1920-1921 йилларнинг қиш мавсумида атаман Семёновнинг бандитларига қарши курашмоқ учун Фадеев Забайкальеге юборилди...

Булига — Фадеевнинг бутун мамлакатдаги дўстлари, комсомол ўртоқлари (ва шу жумладан ҳозирда донғи чиққан ёзувчилар) Октябрь ғалабаларини оқ бандитлар ва интервентлардан сақлаб қолиш учун ўша йилларда ҳаммаси қўлига қурол ушлади. Фадеевдан уч ёшгина кичик бўлган ўн беш ёшлик Николай Островский ҳам, худди ўша вақтларда мамлакатимизнинг нариги чеккасидаги Шепетовкада эндигина инқилобий комитет тузилиб, Совет байроғи эндигина тикилган пайтда энг биринчи комсомоллар қаторига кирди.

„Ёш гвардия“ билан „Пўлат қандай тобланди“ романларининг келажакдаги авторлари ҳам бир-бирларини танимас эдилар. Улар бир-бирларидан минглаб километр узоқда турар эдилар. Аммулар иккови ҳам совет адабиётига асос туғдирган, унга ғоя, образ,

сюжет ва луғатлар берган инқилобий мактабни халқ блан бирликда бошларидан кечирган эдилар. Улар ўз қаҳрамонлари сингари (Павел Корчагин Олег Кошевойнинг энг севган қаҳрамонларидан эди), бир-бирлари блан адабиёт соҳасида учрашдилар.

* * *

1921 йил февраль ойида Булига — Фадеев Узоқ Шарқ большевикларининг ҳарбий конференциясида партиянинг X с'езидига вакил бўлиб сайланди.

Фадеев Москвага 1921 йил март ойида келди. Ўша замонда ҳарбий коммунизм давридаги Москва жуда оғир бир аҳволда, кўчалари қоронғи, қор босган, кечалари эса кўчаларда патрульлар қатнаб турар эди. Аммо гражданлар уруши ҳамма фронтларда ҳам ғалаба блан тугаган эди. Партиямиз янги иқтисодий сиёсатни амалга ошира бошлади. Броқ синфий душман қўлидан қуроллини ташламас эди. Сибирда, Тамбов ва Украинада оқлар — эсерлар қўзғолони бошланди. Худди партия с'езиди олдидан оқ гвардиячилар Кронштадтда ис'ён кўтардилар.

1921 йил 8 март кунни Кремельда X с'езд очилди. С'ездни очётган Ленинни Фадеев ўшанда биринчи марта кўрди.

10 мартда Фадеев миллий масала ҳақида ўзининг тарихий докладыни қилаётган ўртоқ Сталинни ҳам кўрди.

С'езд бўлаётган кунларда Кронштадтдаги оқ гвардиячилар, чет мамлакатдан мадад келиб қолармикан деб, умид қилар эдилар.

X с'езднинг Кронштадтни штурм қилишга жўнаган вакиллари янчида Фадеев ҳам бор эди (штурмга с'езд вакиллариининг учдан бир қисмчаси жўнаган эди). Бу можарода Фадеев оёғидан қаттиқ ярдор бўлди, ундан кўп қон кетди. У ёзи блан Петроград госпиталида ётиб, фақат сентябрьдагина Москвага келди. Узоқ Шарқда гражданлар уруши ҳамон давом этишига қарамасдан, Фадеев ва унинг аввалги ўртоқлари ўқиш учун Москвада қолдирилди.

Булига миллиқ блан тайга гулханларидан ёзув столига кўчди ва ёзучи Фадеев бўлиб қолди. Аммо лекин бирданига эмас: Фадеев икки ярим йил Тоғ институтида ўқиди ва шу блан бир вақтда партия ишини ҳам бажариб келди. 1924 йилда у, институтни тамомлаганидан кейин, Шимолий Кавказга (Краснодар ва Ростовга) партия ишига жўнайди. Фақат 1926 йилдагина, я'ни „Тор-мор“ асари ёзилиб бўлгачгина, Фадеевнинг асосий машғулоти адабиёт бўлиб қолади.

* * *

Фадеевнинг энг аввалги мукамал бадиий асари 1922-23 йилларда Тоғ институтида ўқиган вақтда ёзган „Тошқин“ деган асари эди. Кейинчалик автор ўзининг бу асарига салбий баҳо берди ва уни „ғайри жиддий“ бир асар деб атади.

Ундан кейин „Оқимга қарши“ деган ҳикояси босилиб чиқди, аммо Фадеевга бу ҳам ёқмади, шундан кейин у аллақачондан

бери мўлжал қилиб юрган катта асарини яратишга киришади. Фадеев янги совет давлати учун курашувчи ва уни қуручи янги большевик одам ҳақида ўзининг бадий сўзини айтишга ошиқади. Инқилоб қилиш учун большевиклар орқасидан борган халқ омассининг кимлиги ва буюк социалистик қурилиш ишини бир чекада фақат тамоша қилибгина туручилар кимлиги ҳақида ҳақиқатни айтиб бергуси келар эди.

Ана шу янги сўзларини Фадеев ўзининг „Тор-мор“ деган романида айтиб берди.

Фадеевнинг „Тор-мор“ деган романи совет адабиётининг шундай бир асари эдики, пролетар инқилобининг ғоявий мазмуни ҳақидаги саволга унда бадий образлар воситаси билан ғоят чуқур маъноли жавоблар берилган эди. Бу романда унинг бош қаҳрамонларини тўсадиган ҳечқандай „табiiй ҳодисалар“ мавжуд эмас. Романда Денгиз бўйи ўлкасидаги партизанлар ҳаракатининг худди интервентлар ва биринчи навбатда ялонлар томонидан вақтинча тор-мор этилган даври тасвир этилган. Ана шу „Тор-мор“ деб ном берилган бу романда Улакин водисини ишғол қилган япон аскарларининг ҳужуми туфайли Левинсон қўмондонлигида бўлган партизанлар отрядининг тайгага, Тудо Вако тоғлари орасига жўнагани ҳикоя қилинади. Бу отряд оқ казак аскарларининг пистирмасига дуч келиб қолади-да, ун тўққиз кишидан бўлаги ҳаммаси ҳалок бўлади. Романининг мазмуни ана шу.

„Тор-мор“даги кишилар аниқ ва мукаммаллаштирилган образда ижобий ва манфий қаҳрамонлар тарзида берилган. Кишиларнинг руҳий ўзгаришлари Фадеевнинг „Энг охирги удэге“ деган романида берилган. „Тор-мор“да эса, халқнинг илгор отряди бўлган большевиклар партияси бошчилик қилган тақдирдагина инқилоб қилиш ва халқни қайтадан тарбиялаш мумкин, деган ва халқнинг руҳий тараққиети учун зарур бўлган тарихий мавзу Левинсон образида тасвир этилган.

Ниҳоят „Тор-мор“ асарида ўзига хос Горькийча яна бир хусусият бор: у ҳам бўлса — уруш, кураш, қурбон, азоб-уқубатдир. Булар ҳаммаси курашаётган халқнинг маъсад ва идеаллари соясида ёритилган.

Фадеевнинг ҳамма романларининг сюжети ҳам чуқур фожиали бўлишига, қурбонлар билан тўла бўлган инқилобий кураш, Ватан учун кураш йўлларини тасвирлаган бўлишига қарамасданбу асарларнинг ҳаммаси ҳам уларни ўқиган кишиларда келажакда қувноқ ҳаёт бўлиш умидини мустаҳкамлайди.

Левинсоннинг ҳарбир б. сган қадами қийинчиликларга бардош беришдан иборатдир. Фадеев Левинсонни хусусий эмас, умумий образ қилиб кўрсатади, унинг ҳаётга қарашини психологик йўл билан очиб кўрсатади. Масалан, Левинсонни партизанлар отрядининг командири вазифасидагина эмас, балки завод ёхуд совхоз директори деб ҳам кўз олдига келтириш мумкин. Руҳий томондан у Шульга ёнки Вальконинг акаси бўлади. Бу ажойиб большевик образининг умум инсонлик ҳақиқати ана шундан иборат.

Левинсон образининг инсонийлиги ва ишонарлиги яна бир

муҳим хусусият блан қувватланган. У ҳам бўлса; Левинсоннинг идеал ва э'тиқодлари ҳаёлий эмас, китоблардан кўчириб олинган эмас, Левинсон — чин демократик киши, у халқ учун фидокор, одамларнинг роҳатда яшашини истайди. „Миллион-миллион одамлар, — деб ўйлайди Левинсон, — қадимги, ибтидоий, аллақандай аянч ва қашшоқ аҳволда яшашга мажбур бўлиб турган пайтда янги ва ажойиб киши тўғрисида қандай қилиб ўйлаб бўлади?“. Халқни шундай севиш туфайли Левинсонда сохта романтикага, „чиройлик қушча ҳақидаги сохта масал“га қарши нафрат туғилади. Левинсоннинг одамларни бундай чин қалбдан севиши натижасида унда „Ҳақиқий бор нарсани ўзгартириш ва вужуддаги ва вужуд бўлиши лозим бўлган нарсани яқинлаштириш учун ҳамма нарсага ўша борлик ҳолатида назар қилиш керак“ деган машҳур қоидаси вужудга келади. Шу блан бирга Фадеевнинг „Тор-мор“ асаридаги реализм программаси ҳам шундан иборатдир.

Бу роман босилиб чиқиши блан ҳаммага ма'қул бўлди ва катта муваффақиятга эришди. Асар китобхонларнинг энг севиб ўқийдиган китоби бўлиб қолди, СССР халқларинигина эмас, балки бирқанча кўп чет эл тилларига ҳам таржима қилинди.

Йигирманчи йиллардаги совет адабиёти „Тор-мор“ романи чиққандан кейин бутун бир поғона юқори кўтарилди. Социалистик революциянинг мазмунига қандай усул блан чуқур кириб бориш кераклигини Фадеев ўрнак қилиб кўрсатиб берди.

Энди ҳозир, „Тор-мор“ романининг пайдо бўлганига йигирма йилдан ортиқ вақт ўтгандан кейин, бу роман ўз даврининг синовидан ўтгандан кейин, унинг бир камчилиги малум бўлди: ундаги қаҳрамонларнинг ички ҳаётини тасвирлаш блан, тарихий шариоит тасвири бир чеккага чиқарилиб қўйилган.

Энди эса бунинг сабаби равшан: ўша давр адабиётида жонли кишиларнинг сбрази коммунистлар образига қарама-қарши қилиб қўйилар эди. Масалан, „Тор-мор“даги одамлар сиёсат тўғрисида сўзлашмайдилар. Ҳаттоки партизанлар Лениннинг номини тилга ҳам олияшмайди. Ҳақиқатда эса бундай бўлмаса керак. Ўша йилларда Уссурий тайгасидаги одамлар сиёсат блан яшар ва „Партизанлар даракчиси“ни ўқир эдилар, сиёсий вуждан ўз қишлоқларини ташлаб тайгага жўнар ва қўлларига қурол олар эдилар.

Романининг аҳамиятига қоқилмасдан бу ҳодиса шунини кўрсатадики, совет адабиёти ҳаётнинг барча томонларини ўз ичига олиб тўғри ва текис силжимасдан, қарама-қарши муҳитда тараққий қилибди. Фадеевнинг „Тор-мор“ романи блан янги кишининг ички руҳий ҳаётини очиб бериш соҳасида ғалаба қозониши совет адабиётини юксалтириш ва совет ҳаётидаги қаҳрамоннинг янги образини яратиш учун шунинг ўзиёқ ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Чапаев, Давидов („Очилган қўриқ“), Павел Корчагин („Пулат қандай тобланди“) ва бошқалар блан бир қаторда Левинсон ҳам совет китобхоналарининг энг севикли бадий қаҳрамонларидан биридир.

Аммо Фадеев „Ёш гвардия“ асаридаги қаҳрамонларининг ички ҳаётини тасвирлаш принципини бирданиге ўзгартириб юборди, ҳа-

қиқий ҳаётга мувофиқлаштириб унга сиёсий масалалар киргизди, гоҳ жойларда эса, сиёсий масалани асосий мавзу қилиб кўрсатди. Масалан, Шульга блан Валько ўлдирилиш куни олдида немислар турмасида айтган ажойиб сўзлари шунга боғлиқ. Совет кишиларининг мардона руҳи мислсиз қаршилик кўрсатиш қобилиятида ифода этилиши блангина чекланган эмас (масалан, вахтмайстер Балдер сўроқ қилаётган пайтда немислар блан муштлашиш манзараси,— бу эса рус мардона эпосини беихтиёр хотирага солади). Совет кишиларининг руҳий салтанати ва мардлиги уларнинг энг охириги суҳбатларида янада ойдинроқ кўринади. Фадеев бу суҳбатни ҳарқандай „кундалик ҳақиқатлар“дан озод қилибди, тор ва шахсий куюниши ва хаёл суришларига, шахсий азоб чекишларга, турма ичининг тафсилотига ва бошқа шу сингариларга илтифот қилмабди. Аммо лекин Фадеев ўз қаҳрамонларининг руҳини халқ кураши ғоялари ва бутун ҳаётимиз нури ичида шундай ажойиб ёритадики, бундан буёқ Шульга блан Валько бизнинг хотирамизда дсим тирик бўлиб қоладилар.

* * *

Фадеев „Тор-мор“ни ёзиб бўлганидан кейин „Энг охириги удёге“ деган катта романи бошлади. Бу асарнинг биринчи боблари 1930 йилда „Октябрь“ журналида босилиб чиқди. Автор ўзининг бу романини йигирма уч йилдан буён ёзаётгани, мўлжалланган олтига бобдан энди тўрттасигина босилгани, бу боблар турли вақтда айрим-айрим китоб бўлиб чиққани ва ниҳоят романининг боши ва дастлабки икки қисми янгилангани ҳамда қайтадан ишлангани сабабдан ҳали тамом қилинмаган бу асарни тушуниш ва унга тўла баҳо бериш анчагина оғирдир.

Бу давр ичида совет мамлакати мутлақо ўзгариб кетди. Совет халқларининг кўп миллатли совет адабиёти ҳам, „Тор-мор“ романи босилиб чиққан йиллардагига нисбатан ғоятда ўсиб кетди. 1943 йилда Фадеев ҳам „Энг охириги удёге“ни тамомлаш мақсадида яна астайдил ишга киришган эди. Брок бунда яна бир „монумент“ пайдо бўлди ва „Энг охириги удёге“ни вақтинча яна орқага сурди. Бунга: „Еш гвардия“ романи сабаб бўлди.

* * *

„Еш гвардия“ романининг тарихи ўзига алоҳида бир аҳамиятга эга, чунки худди бизнинг социалистик мамлакатимизнинг адабиётдаги юксалиш хусусиятлари бу тарихда очик-ойдин кўриниб туради. Горький ўзининг мақолаларида (ва ёзучилар с‘езидаги нутқида ҳам) уқтириб ўтардики, совет давлатида ёзучиларнинг меҳнати қўшимча коллектив тажрибаси блан бо‘итилган, буржуазия мамлакатларида эса бундай эмас. 1937 йилда Алексей Толстой Англиядаги СССР дсўтлари конгрессида, совет ёзучиси ўзига ва асарига китобхонларнинг дўстона қарашини ҳамда рағбатини ҳар қадамда кўриб туради, деб уқтирган эди. Бизда китобхонлар

ёса миллион-миллион. Ҳаёт, ёзучиларни (масалан, китобхонларнинг хатлари ва талаблари всситаси блан) ўзига тортади, гоҳ вақт уларнинг ижодий ишларига аралашади ва унга таъсир қилади.

Худди шу сингари бу ерда ҳам ҳаёт Фадеевнинг планига аралашди, унга янги мавзу берди. „Ёш гвардия“ романининг қандай вужудга келганини энг бошидан бошлайлик. Бунинг учун дастлаб Краснодар шаҳри немислардан озод қилингандан кейин битта ҳарбий мухбир томонидан комсомол Марказий Комитетига юборилган телеграммага тўхталамиз. Бу телеграммада Краснодар шаҳрида яширин иш олиб борган ёшлар ташкилсти бўлганлигидан дарак берилади. Уша соатдаёқ бор аҳволни текшириш учун Краснодар шаҳрига (1943 йил февраль ойи ўрталарида) комсомол Марказкоми томонидан махсус комиссия юборилади.

Уша кунларда Краснодар шаҳри ҳамон фронт халқаси ичида эди, ундан бирнеча километр нарида жанг борар эди. Худди уша маҳалда „уточка“ деган совет аэроплани шаҳардан берирокдаги чулга қўнди. Уша аэропланда учиб келган кишилар орасида Краснодар шаҳридаги комсомолларнинг бошқинчиларга қарши қаҳрамона яширин кураш қилгани тўғрисидаги саҳифаларни дастлаб топиб олган, бу саҳифаларни дастлаб ўқиган ва уларни мукамал китоб қилучи киши ҳам бор эди.

Москва вакили раис бўлган бу расмий комиссияда Москва вакили, Украина комсомол Марказий Комитетининг секретари, Ворошиловоград область комсомол комитети, Краснодар комсомол комитетларининг секретарлари ва ўн беш-йигирмата бошқа ўртоқлар иштирок қилди. Бу комиссия Краснодарда немислар ҳукм сурган даврда нима ишлар бўлганини игнасида-ипигача текшира бошлади. „Ёш гвардиячилар“ ҳақида нимани билса шунини айтиб берадиган юздан ортиқ гувоҳлар сўроқ қилинди. Булардан бири Ваня Земнуховнинг қамоққа олинишини кўрибди, иккинчиси у блан бирга гестапо қамоғида бўлган экан, унинг турмада нима ишлар қилганидан хабардор экан. Учинчи бировлари „Ёш гвардиячилар“ томонидан тарқатилган мурожаат варақаларини эҳтиёт қилган экан ва ҳоказо, ва ҳоказо. Шундан кейин „Ёш гвардиячилар“ни сўроқ қилган терговчи қўлга туширилди. Немислар даврида гестапода қамоқда бўлган барча кишилар сўроқ қилинди. Ровеньки шаҳридаги биродарлар мазарида ётган Олег Кошевойнинг жасади топилди. Бу шаҳарга уни, „Ёш гвардиячилар“нинг бошлиғи бўлгани сабабли генерал Клернинг шахсан сўроқ қилиши учун обкелишган экан.

Ана шундай қилиб ҳақиқат очила бошлади, материаллар тўпланди, из бора-бора Краснодар комсомолларининг раҳбари бўлган Олег Кошевойнинг уйига борди. Комсомол Марказкомининг комиссияси уч ойча ишлади. Комиссия раиси иш якунини Москвага олиб кетди. Краснодарда бўлган воқияларнинг муҳиятини қисқача қилиб тасдиқлайдиган варақага қўшимча қилиб тўплам-тўплам ҳархил ҳақиқий материаллар юборилди. Биринчи тўпланда бир юз элликтдан ортиқ кишиларнинг гувоҳлиги, иккинчи

тўпланда эса „Ёш гвардиячилар“нинг фаолиятини тасвир қиладиган ҳужжатлар, ҳархил варақалар, комсомол билетлари, турмадалик маҳалда юборилган ба'зибир хатлар, мактублар, кундалик дафтарлар, полицияда топилган ҳужжатлар ва бошқалар бор эди. Ниҳоят, учинчи тўпланда „Ёш гвардиячилар“нинг, уларнинг қовмқариндошларининг, гувоҳлар ва улар яшаб турган уйларнинг ҳамда улар иш қилган жойларнинг фотографияга олинган расмлари кўрсатилган эди.

Бу ишлар яхшилаб текширилиб унга қатнашган айрим кишиларнинг тутган роли пухта аниқлангандан кейингина ҳозирда бутун совет халқига малум бўлган бешта „Ёш гвардиячилар“га ўлимидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини бериш тўғрисидаги ҳукумат қарори э'лон қилинди. Бу қаҳрамонлар: Олег Кошевой, Сергей Тюленин, Иван Земнухов, Ульяна Громова ва Лябовь Шевцова, бу тўғрида СССР Олий Совети Президиумининг фармони чиқди. Аммо „Ёш гвардия“нинг (элликтадан ортиқ) бошқа иштирокчилари ҳам фидокорона ватанпарвар эдилар ва Ватанимиз йўлида жонларини фидо қилдилар. Ана шу муносибат блан комсомол Марказкомиди „Ёш гвардиячилар“нинг қилган ишлари ва ҳаёти тўғрисида халқимизга ҳикоя қилиб беришни ёзучилардан бирига топшириш фикри туғилди.

Бу материал ўзининг табиий фожияси, олижансблиги ва ёш қаҳрамонларнинг кучли характерда бўлиши блан кўлгина ёзучиларни қизиқтирар эди ва шу блан бирга ўзини мукаммал бадиий қилиш қийинлиги блан уларни „чўчитар“ эди. Фадеев ўзининг барча ишларини бир чекага йиғиштириб қўйиб, бел боғлаб ишга киришди. Брок, Фадеев кўп ҳужжатларга қаноат қилмади. У, яна Краснодарга бориб, унда бир ой турди. Ёзучи ундаги тирик кишилар блан суҳбат қилди, „Ёш гвардиячилар“нинг қариндош-уруғлариникига борди ва одамлардан ёзучиларга хос жавоблар олди.

Образларни яратиш учун сан'аткорга жонли кўзатишдаги яққол материал керак ва ёзучи бу материаллардан бемалол фойдалана олиши шарт. Сан'аткор қуруқ та'кидловчи бўлмаслиги лозим. Фадеев нима жиҳатдан бемалолу ва нималарга боғлиқ экан — „Ёш гвардия“ асари совет кишиларининг ва хусасан совет ёшларининг руҳини чуқур ва қаттиқ та'сирли образлар блан ифода этиш блангина чекланмайди. Фадеевнинг романи ўзининг яратилиш усули жиҳатидан ҳам, совет сан'аткори ўз олдига қўйилган масалани қандай ечганлиги нуқтайи назаридан ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Бу масаланинг қандай ечилганини тўғридан-тўғри айтиб бера қоламиз: ишнинг ҳақиқий томонига келганда Фадеев ҳужжатларга боғлиқ, шуларга қараб аниқ иш қилади; „Ёш гвардиячилар“нинг ғиявий ва руҳий ҳаётларини тасвирлаш масаласига келганда сан'аткор сифатида Фадеев бемалол иш қилаолади. У, ўзининг бадиий қалами блан „Ёш гвардиячилар“ни худди тирикдай кўрсатди. Албатта, бунда ҳам кундалик дафтарлар, ўкув дафтарлари, хатлар ва бошқалар ёзучига ёрдамчи материаллар хизматини утайди. Шундай қилиб, ҳужжатлар из солган йўлдан бориб роман ёзиш биринчи қарашда „ссондай“ кўринади. Бу

шундай бўлсин. Аммо комсомол Марказкоми мана шу ерда ёзувчининг ишига совет жамоатчилиги ва совет давлатининг иштирок этиши фойдали эканлигини кўрсатди ва кўмаклашди. Лекин шу блан бирга ҳужжат ва фактларга қараб иш қилиш зарурияти (айниқса, тарихий бўлмаган, балки ҳозирги замон материали ҳақида гап бўлаётган бўлса) сан'аткор учун ҳаят катта қийинчиликлар туғдиради.

Мамлакатимизда сталинча бешйилликлар даврида тикланган янги социалистик муносабатлар тушунчаси ва туйғуси совет кишиларининг онгига жойлашиб, сингиб қолганлиги „Еш гвардия“да жуда моҳирлик блан ифода этилган. Гражданлар уруши давридаги ёшлар эса социалистик давлатни фақатгина хаёл қилар эдилар. Земнухов блан Кошевой ва Серёжа Тюленин блан Жора Арутюнянц—булар совет тузумининг ёшларидир. Бу ёшлар совет мактабида тарбия олишган, янги ўқув китобларидан ўқишган, озошликда ва ижодий орзулар муҳитида яшаган. Фадеев бу туйғуларни жуда усталик блан ифода қилади.

* * *

Табиийки, комсомол ёшлар романнинг энг асосий қаҳрамонларини ва Краснодондаги „Еш гвардия“ ташкилотининг фаолияти—романнинг сюжетини ташкил қилади. Аммо қаҳрамонларнинг сони романнинг сюжетига нисбатан ошиб-тошиб кетган. „Еш гвардия“—бутун совет жамияти, совет кишилари, уларининг Ватани ва улар барпо қилган алоҳида совет давлати ҳақидаги романдир. Романда совет жамиятининг ҳамма табақалари бор: ишчилар ва зиёлилар, кончилар ва врачлар, партия ва хўжалик ходимлари, ўқитучи ва ўқучилар, солдат ва офицерлар, пенсионер ва уй ишидаги аёллар ҳам қатнашади. Ниҳоят, романда совет жамиятини ташкил қилучи кишиларнинг бирнеча авлоди кўрсатилган. Ҳали чор Русиясини эсда яхши тутучи ва дунёнинг аччиқ-чучигини татиган қари „бобойлар“ блан қари „кампирлар“ ҳам романда иштирок қилади. Ҳатто мамлакатимизнинг қариялари ҳам қандайин чуқур ва табиий бир суратда совет тузумига қўшилганини, уларнинг ҳар-бири қўлидан келган қадар умумхаёт қуриш ишига қатнашганини, ўзлари ҳам совет Ватанининг ажралмас бир қисми эканликларини онглаб, бунга фахрланишларини Фадеев ўзининг романида жуда равшан қилиб кўрсатади. Масалан, Кошевойнинг қариндошларини олиб кетаётиб, кейин совет қўшинлари келиш олдидан Иван Фёдорович Проценко блан учрашган „бобой“ ҳам, ёинки Германияга ҳайдаб обкетилаётган молларни немислардан тортиб олиш учун пистирмада ўтирган Кошевой блан Туркеничга дуч келучи мўйсафид чўпонлар ҳам ўша „қария“лардандир.

Кўп гапдан кўра романдаги кичкина бир манзара ҳам бир овла бўлиб уюшган каттаю-кичик совет кишиларининг ватанпарварлигини кўрсатиб беради.

Романнинг энг бир ма'ноли образларидан бири Кошевойнинг

бувиси „Вера буви“ бўлиб, бу кампир ёши ўтиб қолганлиги туфайли немис босқинчиларга бўлган нафратини тўппа-тўғри босқинчиларнинг юзига айтаберади.

Қариялардан кейин ота-оналар авлоди келади. „Ота-оналар“ мавзуи романнинг бошидан охиригача ўзига хос тарзда ўтади. Бир томондан улар ўзларининг болалари билан „ота-оналарча“ низолашадилар, болаларини севадилар ва шунинг учун уларнинг эсон-омон бўлиши тўғрисида ҳам ейдилар.

Иккинчи томондан, ота-оналарда болалари билан ғоявий бирлик ва ёш қаҳрамонлари учун ватанпарварликнинг чексиз туйғуси ўйнайди. „Ёш гвардия“даги оталар — граждандар урушининг жангчилари, партизанлар, бешйилликларнинг қаҳрамонлари ва халқнинг асосий кучларидир.

Романнинг фазилатларидан бири шундан иборатки, унда тарихий истиқбол ва совет кишиларининг тарихий чуқур ватанпарварлиги кўрсатилган. Халқ ўзининг жонажон совет ерини қон тўкиб қўлга киргизди, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ интервент галаларидан сақлаб қолди, шундан кейин уни ўзининг беҳад қаҳрамонона меҳнати билан йўлга солди ва гуллади. Миллион-миллион кишилар ўзларининг ҳаёт-мамотини совет даври билан боғладилар. Ана шунинг учун ҳам, худди ўлим олдидан бутун бошидан кечганларини хотирага оладиган киши сингари, эртасига қатл бўладиган куни Матвей Костивеч билан Андрей беихтиёр бутун мамлакатимизнинг тарихини эслаб ўтадилар.

Яна такрорлаймизки, Фадеевнинг романида ана шундай ажойиб совет кишиларидан кўплари китобхонларнинг кўз олдида ўтади. Булар орасида ҳархил вазифадаги, ҳархил ёшдаги кишилар ва ҳаттоки „мимит“ Люся сингари ёш болалар ҳам бор, лекин ёш бўлсалар ҳам, уларнинг ҳақиқий совет кишилари эканлиги равшан кўриниб туради.

Фадеев ўзининг романида илгарилари совет идеалларини ўзларига фақатгина ниқоб қилиб оллучи (ҳўинлардан бўлган Соликовский билан Игнат Фомин сингари) ёхуд совет идеалларини ўзларига „вақтинча кийим“ қилиб олган (ичи қора ва шунинг учун аслда совет тупроғида туғилганликларидан дарров бўйин товловчи пасткаш мешчанкалардан бўлган Вирикова билан Лядскаялар сингари) ярама одамларни ҳам намоён қилади. Жазолаш пайтида ўз ўртоқларини тутиб берган „Ёш гвардия“ штабининг собиқ аъзоси Стахович инсоният нуқтасини назаридан анчагина мураккаб шахсдир.

Фадеев уни „Тор-мор“ романидаги Мечикка бироз ўхшатади, яъни уни „ёмон сифатли кишилар“ мавзуига киргизади. Фадеев Стаховичнинг илгарилари (душманга таслим бўлиб ҳонлик қилишга қадар) демократиясизлигини, ҳақиқий ғояси йўқлигини, яъни бошқаларнинг қалбида бўладиган ҳаётий совет идеаллари йўқлигини кўрсатиб ўтади.

Юқорида айтганимиздек, Краснодар „Ёш гвардиячилар“ининг қаҳрамонона образлари Фадеев романининг бош қаҳрамонларини

ташкил этади. Шундайин шўх ва довурак, хилма-хил ва шу блан бир вақтда бир-бирига ўхшаш бундай азаматлар романда жуда куп. Улар хилма-хил қилиб ифода этилган-у, лекин нима жиҳатдандир бир-бирларига ўхшатишган. Бу ўхшашлик авторнинг уларни бениҳоя севиб ва шоирона сўзлашидан пайдо бўлади.

Улар бир-бирлари блан суҳбатлашган тақдирларида ҳам гуё осмонда парвоз қилиб юргандай бўладилар: одамзод яратган ва болаларнинг кўзига кўринган ҳамма нарсалар уларнинг хаёлидан бир-бир ўтар эди — деди Фадеев Олег Кошевой блан Нина Иванованинг суҳбати ҳақида.

Бу гапларни беихтиёр авторнинг ўз романида қаҳрамонлари блан қилган хаёлий суҳбатлари жумласига киргизгинг келади.

Китобхон ёшликнинг олийжаноблигини, латофатини ва ҳарбир одамнинг турмушга йўловчи битмас-туганмас умидларини доим ҳис этиб туради. Душман томонидан совет кишиларига зўрлаб тақилмоқчи бўлган тавқла'натларнинг ҳаммасини Фадеевнинг қаҳрамонлари бутун вужудлари блан ҳис этишга ва ундан жирканишга Фадеев ўз романида уларни кўп марталар мажбур этади.

Фадеев совет кишиларининг софлиги ва донолигини ўзининг ёш қаҳрамонларининг „гўдаклик“ туйғуси орқали кўрсатиш блан, уларнинг бошқа тарбиявий томонларини, я'ни уларнинг ёшлик чоғлариданоқ етилиб қолганликларини ҳам кўрсатмоқчи бўлади. Воқиянинг бу жиҳати романда жуда гўзал этиб тасвирланган.

Масалан Олег Кошевойнинг обрўйи бунга яхши мисолдир. Унинг образи — ақлли йигитнинг образидир, олийжаноблик, мардлик ва халқ ишига садоқат, ма'навий нафссати, жисмоний гўзаллигига табиий мис тушган йигитнинг образидир. Бу одам зўр ҳаёт ва катта ишлар учун совет мамлакатида тарбия топган, совет ёшларининг образини гавдалантиручи ажойиб бир йигитдир.

Ўн олти ёшлик болада катталарнинг кўп йиллар ичида ҳссил қилган бунчалик бсй тажрибалари тўпланганига ҳамма ҳайратда қолади.

Фадеев „Ёш гвардия“ романида ўзининг кўп маҳоратли сан'аткор эканини кўрсатди. „Ёш гвардия“ романи унинг бошқа романларига қараганда шоирона ёзилган, совет тузуми псэзиясидан, одамзод табиатининг олий ифодаси бўлган совет ғоясидан баҳра олган романдир. Совет псэзияси, совет кишиларидан гўзаллик унда доим қатнашиб туради, совет кишиларини бир азамат оилага бирлаштиручи олижаноб орзу ва тилаклар ҳар қадамда зуҳур этади. Романнинг биринчи саҳифалариданоқ псэзия ҳиссиёти бошланиб то схиригача тинмай давом этади. Фадеев оддий меҳнат ҳаёти ва ўз болаларининг гамхўри бўлган онанинг улуғворлигини тасвир этганда бу псэзия янада барқ уриб чуқур томир ёди.

Немис босқинчилар оламининг ифлслиги, уларнинг хиёнаткорликлари тўғрисида ҳикся манзараси кенгая борган сари совет кишининг мағрур псэзияси „Ёш гвардия“да янада юксакликка кўтарилаборади.

Фадеев сохта ва ёлғон романтика блан „Тор-мор“ романидаёк

абадий алоқа узиб, янги услуб яратдики, „Еш гвардия“да бу нарса ёрқин кўриниб туради.

Социалистик реализмнинг сан'аткори бўлган Фадеевнинг услуб хусусиятини ифодаловчи ижодий ғояси „Еш гвардия“да сиёсий диалог ва иқтисодий муносабатларни жасорат блан романга киргизди. Китобий тушунчаларни бир четга йиғиштириб қўйди. Нарсаларни тежамасдан бор бўйича тасвир этиб берди.

„Еш гвардия“даги ҳаёт ҳақиқатдир. „Еш гвардия“ романини ўқир экансан беихтиёр: „Фадеевни большевистик ғоявийликнинг асл шоири демасдан илож йўқ, бу ғоя одамзодни кўкларга кўтаради ва мусаффо қилади, бу ғоя бор жойда турмушнинг ҳарқандай синов ва қийинчиликлари қўрқинчли эмас“, деб нидо қиласан киши.

Ёзучи Фадеев ўз асарларида совет кишилари нималар учун курашганликларини, „одамларимиз тўккан қонлар беҳуда кетмаганини“ (Сталин) моҳирона ҳикоя қилганини билиш мароқлидир.

Сан'аткор Фадеев ана шулар тўғрисида ҳикоя қилар экан, ўз китобхонлари бўлган совет кишиларини ма'навий жиҳатдан қуроллантирди, чунки халқнинг қудратли большевизм ғояси блан қуроллантириш совет адабиётининг асосий вазифаси ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

	Бет
А. Фадеев — Ёш гвардия. Роман	3
А. Қаҳдор — Қўшчинор. Роман	25
М. Горький — Қиз ва Ўлим	33
Парда Турсун — Ҳақ йўл. Повесть	40
Турсунзода — Ҳазиналар посбони	61
Н. Охундий — Замира	62
Рамз — Орол	71

Танқид ва библиография

Корнелий Зелинский — А. А. Фадеев	72
---	----

РЕДКОЛЛЕГИЯ: *Оббек* (мас'ул муҳаррир), *Ғафур Ғулом*, *Яшин*, *Уйғун*, *Абдулла Қаҳдор*, *Шайхзода*, *Ж. Шарифий*, *М. Ашрафий*, *Сами* *Абдуллаев*. *Мас'ул секретарь:* *Маъруф Ҳаким*.

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 6

Орган Союза Советских Писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кызыл Узбекистан“

Ташкент—1947

„Шарқ Юлдузи“ редакцисининг адреси:

Ташкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон н 33-881.

Босмага руқдат берилди 8/VI 47 А. ва. 102383. Кетов берилди 11/VI 2/11. Босма листи 5,8
Бир листи 47000 харф. Тиражи 1000. Изд. № 422. Баҳоси 5 руб.

Ташкент, „Кызыл Узбекистан“ ва „Правда Востока“ нашрият босмаханаси. Завод 1228.